

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

438
656.025.4 (075) Э. Каримов
K25

T D T U
TALABALAR
QIROATXONASI

Автомобилларда юк ташиниш ва уни ташкил қилиш

Тўлдирилган ва қайта ишиланган иккичи нашири

TASHNIFLARIDI

1549855
TDTU АДОСИY
ARM (кутоҳона)

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2002

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус касб-хунар таълими маркази томонидан касб-хунар коллежлари учун тавсия этилган мазкур ўқув қўлланма «Корхона ва аҳолига транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш» фани ўқув дастурига мувофиқ қайта ишланди ва тўлдирилди. Унда автомобилларда юк ташишни ташкил қилиш ва тижорат ишлари, ҳаракатланувчи таркибдан фойдаланишда йўл шароитлари, автомобил транспортида юклаш-тушириш ишларини ташкил қилиш ва механизациялаш, бошқариш ва транспорт-экспедиция хизматларига онд масалалар, билимларни текшириш дастури ва меъёрий материаллар кенгроқ ёритилди.

Ўқув қўлланма «Ташишни ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш» йўналиши бўйича тайёрланаётган мутахассисларга, шунингдек, мутахассислик бўйича ишловчи ходимларга мўлжалланган.

Каримов Э.

Автомобилларда юк ташиш ва уни ташкил қилиш.
Т.: «Шарқ», 2002, 240 б.

Кириш

Хозирги кунда мустақил Ўзбекистон иқтисодиётини бозор муносабатлари шароитида янгича шакллантиришда автомобил транспортининг ҳам аҳамияти каттадир. Ўзбекистонда, қолаверса Марказий Осиёда автомобил саноатига пойдевор 1992 йили мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Жанубий Кореяга расмий ташрифи чоғида “ДЭУ Таблик МОТОРС” компанияси фаолияти билан танишиш асносида қўйилган эди.

1993 йилда “ЎзДЭУ авто” кўшма корхонаси рўйхатга олинди ва Асака шахрида улкан автомобил заводи курилиши бошланиб, 1999 йил 19 июнда ишга туширилди.

Ўзбекистоннинг автомобил ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қаторидан ўрин олиши унинг бекиёс имкониятларидан нишона, истиқболли, келажаги буюклигини тасдиқловчи омилларидир.

Марказий Осиёда автобус ва юк ташувчи автомобилларга талаб юқорилигидан ҳукумат қарори билан лойиҳавий куввати йилига 5 минг автомобил (улардан 4 мингтаси автобус, 1 мингтаси юк автомобиллари) ишлаб чиқаришта мўлжалланган завод “СамКочавто” ўзбек-турк кўшма корхонаси 1999 йилнинг март ойида ишга туширилди. Бугунга қадар самарқандлик автомобилсозлар 463 дона юк машинаси ва 826 дона микроавтобус ишлаб чиқаришди. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига совга сифатида завод 8 тонна юк кўтаришта қодир янги юк автомобилини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Мамлакатимизда автомобил транспортининг иши темир йўл, сув (дарё ва денгиз), ҳаво ва қувур транспортлари билан биргаликда ягона тизими асосида ташкил қилинган.

1993 йили Брюсселда Европа Комиссияси шафелигида ўтказилган халқаро конференцияда ТРАСЕКА дастурини яратиш фояси таклиф қилинган эди. Ушбу кон-

ференцияда 8 та мамлакат — Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Қозогистон, Тожикистон, Туркманистон ҳамда Ўзбекистон савдо ва транспорт вазирлари иштирок этдилар. Томонлар Европанинг гарбий, шарқий йўналиши бўйлаб Кавказ ва Каспий денгизи орқали Марказий Осиёга олиб борувчи транспорт йўлагини ривожлантириш дастурини биргаликда рўёбга чиқаришга келишиб олдилар.

ТРАСЕКА лойиҳаси куйидагиларни кўзда тутади:

- мавжуд автомобил ва темир йўлларни реконструкция қилиш ва янгиларини бунёд этиш;
- Каспий денгизи ва Қора денгиздаги айrim бандаргоҳларни реконструкция қилиш;
- зарур хизматлар кўрсатиш юзасидан йўл инфраструктузилмасини барпо этиш;
- халқаро юк ташишни амалга ошириш бўйича малакали кадрлар тайёрлаш;
- лойиҳа иштирокчиси бўлган давлатларнинг халқаро конвенция ва битимларига қўшилиш йўли билан ягона божхона ва тариф қоидаларини ишлаб чиқсан ҳолда, шунингдек, уларни Европа меъёrlари билан уйғунлаштирган ҳолда тегишли хукуқий заминни яратиш.

ТРАСЕКА дастури Европа ҳамжамияти комиссиясининг маблағи ҳисобидан молиялаштирилади. Мазкур дастур транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, кўхна Буюк ипак йўлини қайта тиклаш асносида Европани Марказий Осиё минтақаси билан боғлашга хизмат қиласи. Республикада халқаро транспорт йўлагини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга бўлган ички транспорт тизимини юксалтириш ва янгилашни тақоза қиласи. Бунинг учун соҳа фаолиятининг самарали ишлашини таъминлаш лозим бўлади.

Хозирги кунда республикамизда бу вазиятни мустаҳкамлаш мақсадида барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Мамлакат ичидаги янги автомобил йўллари курилаётir. ТРАСЕКА дастурини амалга ошириш бўйича тармоқ ишини самарали ташкил қилиш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- илмий техника ютуқларидан кенг фойдаланиш;
- транспорт турлари ўртасидаги алоқани яхшилаш;

— юклаш-тушириш билан боғлиқ комплекс ишларнинг механизация даражасини юксалтириш.

Хозирги кунда республикамиз автомобил транспортида давлат корхоналари, жамоат ташкилотлари ва ширкатлари, бошқа турли мулк эгалари учун аҳолининг юк ташишга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ таъминлаш масаласи асосий вазифа бўлиб ҳисобланади. Бу вазифани ечиш, автомобил транспортини ривожлантириш ва юксалтириш мақсадида автомобилларда юк ташиш жараёнини ташкил қила оладиган малакали техник мутахассисларни тайёрлаш талаб этилади.

Ушбу кўлланмада автомобил транспортида юк ташиш жараёни ва уни ташкил қилиш масалалари, транспорт-экспедиция ишларини бажариш, юк ташишни бошқариш ва режалаштириш, ташилган юк ва кўрсатилган хизмат учун ҳисоблашиш тартиби, халқ хўжалигининг турли тармоқлари юкларини ташиш, меъёрий маълумотнома материаллари ва ҳужжатлари, ўқувчилар билимларини текшириш дастури тўғрисида маълумотлар ва фикрлар баён қилинган.

1- б ў л и м

Транспорт ва транспорт жараёни ҳақида умумий тушунча

1.1. ТРАНСПОРТ – ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АСОСИЙ ТАРМОГИ. УНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Жамиятнинг ижтимоий иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожлантиришда, чет мамлакатлар ўргасида иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатишида, мамлакат мудофаа қудратини ошириши транспорт катта аҳамиятта эга.

Саноат, курилиш ва қишлоқ хўжалиги тармоқларининг узлуксиз ривожланиши, хўжаликлараро иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиши транспорт воситаларининг унумли ишлашини тақозо қилади.

Транспорт халқ хўжалиги тармоқларини ўзаро боғловчи воситадир. Ҳом ашёлар, асбоб-ускуналар, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи ва бошқа турли хил маҳсулотларни саноат тармоқлари ва корхоналари ўртасида ташиш транспорт ёрдамида амалга оширилади.

Транспортдан корхоналар ичидаги ишлаб чиқариш жараёнида ҳам кенг фойдаланилади. Унинг ёрдамида корхона ичида юк ташилади. Масалан, турли ҳом ашёлар, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи ва шунга ўхшаш юклар омборлардан иш жойига, тайёр маҳсулотлар эса омборларга ташилади ва ҳоказо.

Халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашда ҳам транспорт катта аҳамиятта эга. Халқаро савдо, туристик ва бошқа алоқаларнинг ривожланиши, фан ва техника, маданият ва спорт соҳаларидаги муносабатларнинг юксалиши транспорт воситалари ва алоқа йўлларининг ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Булардан ташқари мамлакатимиз ичида ва ҳам дўстлик мамлакатлари ўртасида товар айланишининг ривожланишида ҳам транспортнинг аҳамияти каттадир. Аҳолини саноат ва озик-овқат моллари билан ўз вақ-

тида таъминлаш транспортнинг асосий вазифаларидан биридир. Транспортнинг мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳам каттадир.

Шу билан бирга мамлакатимизда саноат ва транспорт турларининг ривожланиши натижасида, фан ва техниканинг сўнгти ютуклари асосида саноат-транспорт тармоқлари (ЎзДЭУ автокорхонаси, «СамКочавто» кўшма корхонаси ва ҳоказо) вужудга келиб мутта-сил юксалиб бормоқда.

1.2. ТРАНСПОРТ ВА УНИНГ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Юк ташиш учун куйидаги асосий (транспорт жараёнига тегишли бўлган) ва ёрдамчи жараёнларни бажаришга тўғри келади: юкларни ташишга тайёрлаш, транспорт воситаларига юклаш ва ундан тушириш, баъзан эса омборхоналарда маълум муддатда сақлаш ва шу кабилардир.

Юкларни ташишга тайёрлашда улар маълум тартибда жойлаштирилади, сараланади ва ташиш йўналишларга ажратилади, юкларнинг оғирлиги тарозида тортилади, сўнгра маълум белгилар киритилиб тамғаланади, пакетлаштирилади, ташиш ҳужжатлари расмийлаштирилади ва ҳоказо.

Юк юклаш ва тушириш ишлари механизмлар ёрдамида юкларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб амалга оширилади. Бунда юклаш ва тушириш ишларида ҳаракатланувчи таркибларнинг меъеридан ортиқча туриб қолмаслигига эътибор берилиши керак.

Транспорт жараёнида юклар маълум масофага ташилганда транспорт иши бажарилади. *Транспорт жараёнинг бирлиги қилиб қатнов қабул қилинади. Қатнов деб, ўз ичига юкни юклаш, ташиш, тушириш ва юксиз юриш жараёнларини олган тугалланган транспорт жараёнлари туркумига айтилади.*

Транспорт жараёнларини бажариш рационал йўналишларни тузиш, юк хусусиятлари ва ишлатиш шароитларига мос ҳаракатланувчи таркибни таълаш, уларни аниқ йўналиш бўйича графиклар асосида ишлатиш ва шу каби тадбирлар орқали транспорт жараёнларида ҳаражатлар сарфи камаяди. Юкларни омборхоналарда сақлашда, юк сифатининг бузилмаслигини таъминлаш-

да ва омбор ичидағи ишларни механизмларда бажа-ришга аҳамият бериш керак.

1.3. ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ

Маълумки, мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгандан сўнг унинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий йўналишида катта бурилиш рўй берди. Бозор муносабатларига ўтиш, мулкчиликнинг шаклланиш даври бошланди. Албатта, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бўлмиш, саноатда бўлгани каби курилиш, транспортда ҳам хўжалик бошқарувининг тамоман янги бир тизимини вужудга келтирди. Қисқа муддат ичида мамлакат жаҳон бозорига маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти ва қудратига эга бўлди. Буни биз Асакада корейс автомобилсозлари билан ҳамкорликда яратилган «ЎзДЭУ» автокорхонаси, Самарқандда Туркия ишбилармонлари билан ҳамкорликда ўз фаолиятини давом эттираётган «СамКочавто» кўшма корхонаси тимсолида кўришимиз мумкин.

Эндиликда мустақил Ўзбекистон автомобил транспорти давлат акционерлик корпорацияси тутатилиб, унинг тасарруфида бўлган умумфойдаланиш автомобил транспорти вилоятлардаги ҳокимиятлар қарамоғига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобил транспорти соҳасини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш» тўғрисидаги 2001 йил 4 июн ПФ 2871-сонли фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорига асосан «Ўзавтотранс» давлат акционерлик корпорацияси автомобилларда юк ва йўловчи ташиш ўюшмаларига айлантирилди. Унинг тасарруфига Тошкент шаҳридаги ва вилоятлардаги автомобилларда юк ва йўловчилар ташиши ўюшмалари ва бир қатор алоқадор тармоқ корхоналари кирди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар жадал суръатлар билан олиб борилиб, улар самарадорлигини кучайтириш юзасидан кенг миқиёсда чора-тадбирлар белгиланмоқда. Ислоҳотларнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қылган ҳолда, босқичма-босқич амалга оширилаётган барқарорликни, осойишталикни, фуқаролар то-

түвлигини янада мустаҳкамлаш имконини яратади. Бу халқ хўжалигининг турли соҳаларида, шу жумладан умумий фойдаланишдаги автомобил транспорти тармоғида ўз ифодасини топмоқда.

Тошкент ва бошқа шаҳарларга Корея, Германия, Россия ва Чехияда ишлаб чиқарилган замонавий талабларга жавоб берадиган юқ автомобиллари, автобуслар ва енгил автомобиллар келтирилиб ташишга оид муаммолар ижобий ҳал қилинаётпти.

1.4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЯГОНА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ

1.4.1. Ягона транспорт тизими тавсифи

Халқ хўжалиги мураккаб тизим бўлиб, ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, йўл ва алоқа, уй-жой ва коммунал хўжалиги, савдо ва тайёрлов хўжаликлари, аҳолига майший хизмат кўрсатиш ва ҳоказоларни олади. Бизнинг республикамиизда юқ ташишларни бажаришда транспорт турлари ўртасида алоқа ўрнатилган.

“Ягона транспорт тизими” тушунчаси транспорт турларининг ижтимоий-иктисодий бирлигини ва бир маромда ривожланишини кўрсатади. Ягона транспорт тизими ўз таркибиага куйидаги транспорт турларини олади: темир йўл, сув, автомобил, қувур ва ҳаво.

Темир йўл транспортида ташишлар анча узоқ масофага бажарилади. Йил давомида кечакундузниң турли вақтида бетўхтов ва бир маромда юқори ҳаракат тезлигига, кичик таннархда амалга оширилади.

Ўзбекистондан четта чиқарилаётган ва четдан олиб келтирилаётган юкларнинг 50 фоизи анъанавий йўлаклар, қолган қисми эса янги йўналишлар орқали ташилади. Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари жаҳон бозорларига олиб чиқадиган янги йўналишларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ислоҳотлар темир йўл тизимини такомиллантиришга, миллий темир йўл компаниясининг бозор шароитида фаолият кўрсатиш учун ҳуқуқий асосларини яратишга, халқаро коммуникация тизимига мувофиқлашувини тъ-

минлашга қаратылған. Мамлакатимиз ичіда, умуман, янги рационал темир-йўл ва автомобиль магистраллары қурилаётір.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларыда жағон бандаргоҳларында чиқишиң таъминлайдиган мұқобил учта йўлакка зәг бўлади.

Биринчи йўлак — Европа Иттифоқи кўллаб-куватлаган (Тасис) ТРАСЕКА дастури доирасидаги ғарбий транспорт йўлари, яъни Европа-Кавказ-Осиё йўналишидир. Трасека йўналиши бўйлаб мамлакатимиздан йўл олган ҳаракат таркиблари Қора денгиздаги Поти ва Батуми бандаргоҳларига ва улар орқали Европага чиқади.

Иккинчи йўлак — Жанубий, яъни Туркманистан - Эрон йўналишидир. 1996 йилда Тежен-Серахс-Машҳад темир йўли қуриб битказилиб фойдаланишга топширилди. Ушбу йўналиш бўйлаб пахта толаси ва ҳоказолар Форс кўрфазининг Эрон қирғокларыда жойлашган Бандар-Аббос бандаргоҳига ва у орқали Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Учинчи йўлак — Шарқий, яъни Ўзбекистон -Қирғизистон-Хитой йўналишидир. 1997 йил апрел ойида имзоланган шартнома асосида лойиҳалаштирилган бу йўлак Андижонни Қирғизистоннинг Ўш ва Хитойнинг Кошғар вилоятлари билан туташтиради. Бу йўналиш орқали кейинчалик Сариқ, Шарқий Хитой ва Жанубий Хитой денгизларидаги бандаргоҳларга чиқиш мүмкін. Халқаро экспертларнинг маълумотига кўра лойиҳа тезкорлик билан 2010 йилгача амалга оширилса, йўлакнинг ўтказиш имкониятлари, ички юқ ташиш ҳисобига олинмагандага 12—14 миллион тоннага етади.

Сув транспорти Амударё ва Сирдарёда турли халқ хўжалиги юкларини ташишда қўлланилади ва ташишларнинг мавсумийлиги билан характерланади. Бизнинг республикамизда бу транспорт тури янги бўлиб, ҳозирги кунда дарё бандаргоҳи бўлинмалари ташкил қилинган.

Кувур транспортида нефт, нефт маҳсулотлари ва газлар қувурлар орқали юқори тежамкорлик билан узоқ масофаларга етказилади.

Ҳаво транспорти асосан мамлакат ичіда ва бошқа давлатларга йўловчиларни ташиш билан шуғулланади. Республикамизда ҳаво линиялари Тошкент шаҳрини

барча вилоятлар марказлари ва 100 дан ортиқ мамлагатлар билан боғлайди.

Автомобил транспорти темир йўл ва сув транспорти билан таққосланганда куйидаги афзаликларга эга: юқори маневрлик; яқин масофага тез ва арzon ташиш; юкни юк жўнатувчи омборидан юк қабул қиливчи омборигача ташиш; турли тип ва русумдаги ҳаракатланувчи таркиблардан ташкил қилинганилиги.

Унинг камчиликларига куйидагиларни киритиш мумкин: ҳаракатланувчи таркиб бирлигига тўғри келадиган юк кўтарувчанликнинг кичикилиги; ташиш таннархининг юқорилиги; ҳаракатланувчи таркибни тайёрлашга металл сарфининг кўплиги (1 тонна юк кўтарувчанликка тўғри келиш ҳисоби).

Автомобил транспорти ишини яхшилаш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш керак: илгор шакл ва услублардан фойдаланиш; самарасиз тўхтаб туриш вақтларини камайтириш; автокорхонадан биринчи юклаш пунктигача ва охирги тушириш пунктидан автокорхонагача ҳамда юксиз юриш масофаларини қисқартириш; ҳаракатланувчи таркибларнинг йўналишга чиқишини ва тиркамалардан фойдаланишни яхшилаш; марказлашган юк ташишни кенг жорий қилиш; автомобиллар ишига назоратни кучайтириш; электрон ҳисоблаш техникасини ва иқтисодий-математик услубларни кенг кўлаш.

1.4.2. Автомобил транспорти тизимининг таркиби

Автомобил транспорти умумфойдаланадиган ва тармоқ автомобил транспортига ажратилади. Умумфойдаланадиган автомобил транспортига марказлашган юк ташишларни амалга ошириш вазифаси юклатилган. Умумфойдаланадиган автомобил транспорти ташкилот ва корхоналарнинг қайси тармоққа қарашлилигидан қатъий назар юкларини ташиб беради.

Тармоқ автомобил транспорти маълум бир тармоққа — ширкат ва уюшмаларга қарашли бўлиб, шу тармоқнинг корхона ва ташкилот курилишларига хизмат қилади. У бу тармоққа қарашли корхона, ташкилот ва курилишларнинг барча турдаги технологик ва хўжаликдаги юк ташишларни бажаради. Ташишларни бажариш учун автотранспорт корхоналари ташкил қилинади.

Умумфойдаланиладиган автомобил транспортини бошқаришда худудий ишлаб чиқариш тизимидан фойдаланилади.

Автотранспорт корхоналарини бошқаришда қуйидагилар таъминланиши лозим:

- ташиш жараёнининг бажарилиши;
- техник иқтисодий кўрсаткичларни режалаштириш;
- меҳнат ва иш ҳақини ташкил қилиш;
- бухгалтер ҳисоби ва молиявий фаолият;
- моддий техника таъминоти;
- мутахассисларни жамлаш ва тайёрлаш;
- умумий иш юритиш ва хўжалик ишлари.

Бу масалаларни ечиш мақсадида автокорхонада эксплуатация, техник ва режа-иктисод хизматлари ташкил қилинади.

Автокорхонанинг ташкилий тузилиши ташиш тури ва таркибига, ҳаракатланувчи таркиб сони ва типига, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш шаклига, автокорхонанинг техник жиҳозланишига ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Катта автокорхоналар таркибида автожамланма тузилади.

Автокорхоналар фаолиятини такомиллаштириш, ҳаракатланувчи таркиблар сонини йириклиштириш, бошқариш бўғинларини камайтириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Автомобил транспорти ҳаракатланувчи таркибига автомобил ва автопоездлар (автомобил-тягач, тиркама, ярим тиркама ва узаядиган тиркама) киради. Ишлатилишига қараб юк автомобиллари транспорт ва маҳсус турларга ажратилади. Маҳсус турдаги ҳаракатланувчи таркиблар халқ ҳўжалигида кенг фойдаланилади.

Ҳаракатланувчи таркибларнинг асосий габарит ўлчами йўл ҳаракати қоидлари асосида белгиланганцир, яъни

- юк билан биргаликда баландлиги 3.8 метрдан ошмаслиги;
- эни 2.5 метр;
- якка автомобилнинг узунлиги 12 метрдан ошмаслиги;
- икки ва ундан ортиқ тирками билан 24 метрдан ошмаслиги керак.


Юк автомобилларининг асосий эксплуатацион сифат кўрсаткичлари қўйидагилардир:

- юк кўтарувчанлиги;
- масофадан фойдаланиш;
- тезлиги;
- хавфсиз ҳаракатланиш;
- ёқилғи тежамкорлиги;
- кўп муддатта фойдаланилиши;
- мустаҳкамлиги ва қулиялиги;
- ўтувчанлиги;
- таъмиrlашга яроқлиги.


Бу эксплуатацион сифат кўрсаткичлари транспорт, йўл ва иқлим шароитларидан келиб чиқиб баҳоланади.




Автомобил транспорти ҳаракатланувчи таркибининг таснифи.




а)



б)




в)



г)

1.2-расм. Автопоезд турлари:

- а) бортли автомобиль 1 та ўқди тиркамз билан; б) эгарли тягач ярим тиркама билан; в) бортли автомобиль 2 та ўқди тиркама билан; г) тягач оғир юк ташуучи ярим тиркама билан.



1.3-расм. Тиркамалар түрләри:

- а) бир ўқли тиркама; б) иккى ўқли тиркама; в) учта ўқли оғир юк күтәрүүчى тиркама; г) биттә ўқли ярим тиркама; д) иккى ўқли ярим тиркама; е) биттә ўқли узаядиган тиркама; ж) иккى ўқли узаядиган тиркама.

1.4.3. Автомобил транспортының ривожлантириш соҳасидаги вазифалар

Мамлакатымизда иқтисодий ислоҳотлар жадал суръатлар билан олиб борилиб, улар самарадорлыгини күчайтириш юзасидан кенг миқәсда чора-тадбирлар белгиланмокда. Ислоҳотларнинг ахолини ижтимоий мухофаза қылган ҳолда боскичма-боскич амалга оширилаётгани барқарорликни, фуқаролар тотувлигини янада мустаҳкамлаш имконини яратди. Бу халқ хўжалигининг турли соҳаларида, шу жумладан, умумий фойдаланишдаги автомобил транспорти тармоғида ўз ифодасини

топмоқда. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тезкорлик билан олиб борилмоқда. Заарар кўриб ишлаётган корхоналар сонини камайтириш, шартномавий тарифларга ўтказилган барча ташиш турлари бўйича рентабелликни таъминлаш, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари асосий вазифа ҳисобланади.

Автомобил транспорти ишини яхшилаш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

- илгор шакл ва усуллардан фойдаланиш;
- автомобилларнинг унумсиз тўхтаб туриш вақтларини камайтириш;
- автокорхонадан биринчи юклаш пунктигача ва охирги юк тушириш пунктидан автокорхонагача ҳамда юксиз юриш масофаларини камайтириш;
- автомобилларнинг йўналишга чиқишини ва тиркамалардан фойдаланишини яхшилаш;
- марказлашган юк ташишни ривожлантириш;
- автомобилларнинг йўналишдаги ишига назоратни қучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мустақилликнинг илк йилларида ноқ мамлакатимиз транспорт тизимини такомиллаштириш ва уни жаҳон транспорт тизимига мувофиқлаштириш масалаларини бирламчи вазифалардан қилиб кўйди.

Республикада халқаро транспорт йўлагини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган автомобил транспорти тизимини юксалтириш ва янгилаш бўйича катта ишлар амалга оширилиши керак.

Ҳозирги кунда Буюк ипак йўлининг тикланиши халқаро коммуникациялар: ҳаво, темир йўл ва автомобил транспортининг имкониятларини кенгайтириш лозимлигини кўрсатди.

Республикамиз халқаро транспорт конвенцияларига ва Халқаро шартномаларга аъзо бўлгани учун янгидан ташкил қилинган транспорт экспедиторлик компаниялари транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш ишларини халқаро андозаларга мос равишда амалга оширишлари керак.

Билимларни текшириш дастури

1. Транспортнинг асосий вазифаларидан бири нима?

1. Саноатни ривожлантириш

2. Мамлакат мудофаа қувватини мустақамлаш
3. Халқаро савдо, туристик ва бошқа алоқаларни ривожлантириш
4. Ахолини саноат ва озик-овқат моллары билан ўз вақтида тъминлаш
5. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш
2. *Юкларни ташишига тайёрлашга нима ишлар қилинади?*
1. Юклар маълум тартибда жойлаштирилади
 2. Навларга ва ташиши йўналициларига ажратилади
 3. Оғирлиги тарозида тортилади ва маълум белгилар киритилади
 4. Пакетлаштирилади ва контейнерларга жойлаштирилади
 5. Юқоридагиларнинг барчаси биргаликда тұтры
3. *Транспорт жараёнида юклар маълум масофага ташилганда нима бајарилади?*
1. Юклаш ва тушириш ишлари
 2. Ёрдамчи операциялар
 3. Транспорт иши
 4. Қатнов
 5. Ўкни ташипшага тайёрлаш
4. *Қатнов ўз ишига неча жараёни қамраб олган ва түгелланған транспорт түркүмидир?*
1. Юклаш, тушириш
 2. Ўкни ташиши
 3. Ўкни юклаш, ташиши, тушириш ва юксиз юриш
 4. Ўкни ташиши ва юксиз юриш
 5. Ўксиз юриш
5. *Автомотранспорт уюшмаларида қандай ишлар тезкорлык билан амалга ошириләйтпі?*
1. Зарар кўриб ишләётган корхоналар сони камайтириләйтпі
 2. Шартномавий тарифлар жорий қилиналышты
 3. Давлат мулкидан мулкучликнинг бошқа шакштарига ўтказиш ишлари бајарилалышты
 4. Моддий техника таъминоти муаммолари ҳал қилиналышты
 5. Техник хизмат кўрсатиш сифати яхшиланалышты
6. *Ягона транспорт тизими тушунчаси нимани кўрсатади?*
1. Транспорт турларининг ижтимоий, иқтисодий бирлигини ва бир маромда ривожланишини
 2. Транспорт турларининг ижтимоий ривожланишини
 3. Транспорт турларининг бир маромда ривожланишини
 4. Транспорт турларининг бирлигини
 5. Ҳаракатланувчи таркиб сони ва типини
7. *Тармоқ автомобил транспорти қайси ташкилотларга қарашли бўлади?*
1. Ширкат ва уюшмаларга
 2. Маълум бир тармоқнинг ширкат ва уюшмаларига
 3. Сув хўжалиги ва қурилиш вазирлигига
 4. Умумфойдаланилайдиган ташкилотларга
 5. Қурилиш ташкилотларига
8. *Тармоқ автомобил транспорти қайси ташкилотларга хизмат кўрса-тади?*

1. Маълум бир тармоқнинг корхона, ташкилот ва курилишларига

2. Майший хизмат кўрсатиш корхоналарига

3. Сув хўжалиги корхоналарига

4. Дарё бандаргоҳи бўлинмаларига

5. Курилиш ташкилотларига

9. *Ташишларни бажариш учун қандай ташкилотлар ташкил қилинади?*

1. Автотранспорт ташкилотлари ва юк автобошбекатлари

2. Автойўл корхоналари

3. Автотранспорт корхоналари

4. Транспорт экспедиция ташкилотлари

5. Таъмиrlаш корхоналари

10. *Автотранспорт корхоналарини бошқарши масалаларини ечиш мақсадида автокорхонада қандай хизматлар ташкил қилинади?*

1. Эксплуатация

2. Техник

3. Режалаштириш

4. Эксплуатация, техник ва режа-иктисод

5. Режа-иктисод

11. *Махсус автомобилларга қандай автомобиллар киради?*

1. Юк ташиш автомобиллари

2. Ўт ўчириш автомобиллари, автокранлар, санитар ва коммунал хўжалиги ишлари автомобиллари, спорт автомобиллари

3. Автокранлар ва спорт автомобиллари

4. Санитар автомобиллар, ағдарма автомобиллар

5. Коммунал хўжалиги ишлари автомобиллари

12. *Транспорт автомобилларига нималар киради?*

1. Йўловчи ташиш автомобиллари

2. Юк ташиш автомобиллари

3. Йўловчи ва юк ташиш автомобиллари

4. Бортли автомобиллар

5. Ўзи ағдарувчи автомобиллар

13. *Ҳаракатланувчи маркибларнинг асосий габарит ўлчамлари қандай?*

1. Эни 2.5 метр, баландлиги 3.8 метрдан ошмаслиги керак

2. Якка автомобилнинг узунлиги 12 метр, эни 3.8 метр

3. Икки ва ундан ортиқ тиркана билан биргаликда 24 метр, баландлиги 3.8 метр

4. Эни 2.5 метр

5. Эни 2.5 метр, баландлиги 3.8 метр, узунлиги 12—24 метр

14. *Юк автомобилининг асосий эксплуатацион кўрсаткичлари қандай шароитлардан келиб чиқади?*

1. Транспорт ва иқлим

2. Транспорт ва йўл

3. Транспорт, иқлим, йўл

4. Йўл

5. Иқлим

15. *Якка автомобилнинг узунлиги неча метрдан ошмаслиги керак?*

1. 10 метрдан

2. 11 метрдан

3. 12 метрдан

4. 15 метрдан
5. 20 метрдан
16. Битта тиркама билан автомобилнинг узунлиги неча метрдан ошмаслиги керак?
1. 15 метрдан
 2. 16 метрдан
 3. 20 метрдан
 4. 18 метрдан
 5. 12 метрдан
17. Икки ва ундан ортиқ тиркама билан автомобилнинг узунлиги неча метрдан ошмаслиги керак?
1. 18 метрдан
 2. 20 метрдан
 3. 22 метрдан
 4. 24 метрдан
 5. 30 метрдан
18. Умумий мақсадда фойдаланадиган ҳаракатланувчи таркибларга қайси турдаги ҳаракатланувчи таркиблар киради?
1. Автомобил, самосвал
 2. Автомобил фургон
 3. Автомобил цистерна
 4. Бортли автомобиль
 5. Автомобил тягач
19. Зил 130-16 автомобилининг номинал юк кўттарувчанилиги қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
1. 4 тонна
 2. 5 тонна
 3. 6 тонна
 4. 8 тонна
 5. 7.5 тонна
20. Юк кўттарувчанилигига қараб автомобиллар қандай турланади?
1. Жуда кичик
 2. Кичик
 3. Ўртacha
 4. Жуда кичик, кичик, ўртача, катта, жуда катта
 5. Кичик ва ўртача
21. Маз 5549 автомобилининг юк кўттарувчанилик қобилияти қанча?
1. 5 тонна
 2. 6 тонна
 3. 8 тонна
 4. 10 тонна
 5. 12 тонна
22. Камаз 5511 ўзи ағдарадиган автомобилининг номинал юк кўттарувчанилиги қанча?
1. 6 тонна
 2. 8 тонна
 3. 10 тонна
 4. 12 тонна
 5. 15 тонна

2- бўлим

Юк ва юк оқими

2.1. ЮКЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРКУМИ

Транспорт юклари деб юк жўнатувчидан юк қабул қилувчига ташиб бериш учун олинган барча предметларга айтилади.

Транспорт юки товар ва тарадан ташкил топади. *Тара деб, юкни юклаш-тушириш, сақлаш жараёнларида уни бузилишдан асрайдиган ва бу жараёнларни осонлаштирадиган ҳар хил қурималарга айтилади* (яшиклар, тагликлар, контейнерлар, шиша идишлар ва шу кабилар).

Таралар қаттиқ, ярим қаттиқ ва юмшоқ турларга бўлинади.

Юкнинг ўз оғирлиги — нетто, таранинг оғирлиги — тара, юк ва таранинг оғирлиги — брутто дейилади.

Транспорт юклари куйидаги туркумларга ажратилади:

1. Тараси бўйича:
 - тарасиз юклар (масалан; қум, тупроқ ва ҳоказо);
 - тарали юклар (бунда 2 тарали юклар ҳам бўлади, масалан, қаттиқ шиша тара, яшик супер тара ҳисобланади).
2. Ўлчами бўйича:
 - габаритли юклар;
 - габаритсиз юклар (эни 2.5 метрдан, баландлиги 3.8 метрдан, автомобил орқа бортидан 2 метрдан ортиқ чиқадиган юклар).
3. Битта юкнинг оғирлик ўрни бўйича:
 - нормал юклар (донали юклар учун бир юк оғирлиги 250 кг.гача, юмалайдиган юклар учун 400 кг. дан ошмайдиган юклар).

4. Юклаш-тушириш ишларини бажариш усули бўйича:
 - сочилиувчан юклар (шагал, қум, тупроқ ва ҳоказо);

- донали юклар;
- күйиладиган юклар (суюқликлар).

5. Автомобил юк күтәрүвчанлигидан фойдаланиш даражаси бүйича юклар 4 синфга бўлинади:

Юк синфи	1	2	3	4
ЮК күтәрүвчанлигдан фойдаланиш коэффициенти	1,0	0,71—0,99	0,51—0,70	0,49—0,50
Ўртача	1,0	0,8	0,6	0,5

6. Хавфлилек бүйича юклар 7 групга бўлинади:

1-груп — кам хавфли юклар (курилиш материалари ва шу кабилар);

2-груп — тез ўт оладиган юклар (бензин, ацетон ва шу кабилар);

3-груп — иссиқ ва чангланадиган юклар (цемент, оҳак, асфальт ва ҳоказо);

4-груп — куйдирадиган суюқликлар (кислоталар, ишқорлар ва ҳоказо);

5-груп — сикилган ва суюлтирилган газлар;

6-груп — ўлчами бўйича хавфли юклар;

7-груп — заҳарлайдиган, радиоактив ва портлайдиган моддалар.

7. Юк ташиш ва сақлаш шароитлари бўйича:

— оддий юклар;

— тез бузиладиган юклар;

— ўткир ҳидли юклар;

— ахлат ва супиринди юклар;


— тирик юклар (қорамол ва шу кабилар).

8. Ташқи мухит таъсиридан сақлаш шароитлари бўйича:

— оддий юклар (ташқи мухитдан асраш шарт эмас);

— ташқи мухит таъсиридан асралиши лозим бўлган юклар (ёғингарчиликдан, температурадан, урилиш ва тебранишлардан сақлаш лозим бўлган юклар).

Юкларни ташишда уларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадида уларга маҳсус тамғалар кўйилади.




2.1-расм. Тара түрләри:

- а) бочка; б) ясси яшілактар; в) думалоқ яшілактар; г) сават; д) ёғоч қафас яшік; е) ёғоч яшік; ж) шиша идишлар учун яшік.

Юк тамгалари 4 та турга бүлинади:

- товар;
- юк;
- транспорт;
- махсус.

Товар тамгасыда юкнинг ва уни тайёрлаган ташкилотнинг номи кўрсатилади. Юк тамгасыда юк жўнатиладиган пункт ва жўнатувчи олиб борадиган пункт ва юк қабул қиливчи кўрсатилади. Транспорт тамгасыда товар-транспорт хужжатининг рақами ва хужжат бўйича ташилаётган юк ўринлари кўрсатилади. Махсус тамгада юк юклаш, тушириш, ташиб жараёнларида лозим бўлган махсус кўрсатмалар берилади.



2.2-расм. Ташқи муҳит тасиридан асралиши лозим бўлган юкларга кўйиладиган маҳсус тамғалар.

2.2. ЮК АЙЛАНИШИ ВА ЮК ОГИМИ

Юк автомобил транспорти ишини иккита асосий кўрсаткич характерлайди: юк ташиш ҳажми ва юк айланиши.

Юк ташиш ҳажми – бу маълум режалаштирилган муддатда ташилган ёки ташилиши лозим бўлган юк миқдоридир. Юк ташиш ҳажми тонналарда ўлчанади.

Юк айланиши – бу маълум муддатда бажарилган

ёки бажарилиши мумкин бўлган транспорт ишидир. Юк айланиши тонна километрда ўлчанади.

Юк оқими деб, маълум муддатда йўл трассасининг фақат бир ўналиши бўйича ташиладиган юк миқдорига айтилади.

Юк ташиш ҳажми ва айланиши юк оқими катталиги, таркиби, бажарилиш муддати ва нотекислик коэффициенти билан характерланади.

Юк ташиш катталиги бўйича — ялпи, партиялаб ва майдагариялар билан ташишга бўлинади.

Юк ташиш партияси деб, маълум бир транспорт хужжати билан ташишга бериладиган юк миқдорига айтилади.

Ялпи юк ташиш деб, жуда кўп миқдордаги бир хил таркибдаги юкларни маълум ўналиши ва вақтда ташишга айтилади.

Юкнинг таркиби унинг номини ва синфини белгилайди. Ташиш муддати эса юк ташишнинг бошланиши, тамом бўлиш кунларини ва унинг тезкорлигини кўрсатади.

Муддати бўйича юк ташиш доимий, вақтингачалик ва мавсумий характерда бўлади.

Доимий юк ташиш йил давомида амалга оширилса, вақтингачалик юк ташиш маълум бир вақтда бажарилади. Мавсумий юк ташиш йилнинг маълум бир вақтида бажарилади.

Юк ташиш ҳажми ва айланиши вақт мобайнида ўзгариб туради. Бу ўзгаришлар нотекислик коэффициентлари билан характерланади. Юк ташиш ҳажми (Q) ва айланиши (P) нотекислик коэффициентлари (η_Q ; η_P) билан белгиланади.

Нотекислик коэффициентлари қуйидагича аниқланади:

$$\eta_Q = \frac{Q_{\max}}{Q_{\text{урт}}}; \quad \eta_P = \frac{P_{\max}}{P_{\text{урт}}};$$

бунда: Q_{\max} ва P_{\max} — юк ташиш ҳажми ва айланишининг энг катта қиймати;

$Q_{\text{урт}}$ ва $P_{\text{урт}}$ — юк ташиш ҳажми ва юк айланишининг ўртача қийматлари.

Юк ташиш ҳажми ва юк айланиши нотекислиги ҳаракатланувчи таркиб ишининг бир меъёрда бўлишига таъсир қиласи.

Бу нотекисликнинг таъсирини автомата

транспорт корхоналари иш режасида ҳар хил йўллар билан камайтиришга эришилади.

Қайта юк ташиш маълум бир коэффициент билан характерланади. Бу коэффициент (η_k) қайта ташилган юк ҳажмини (Q_k) бор бўлган юк миқдорига ($Q_{\text{ю}}$) нисбати билан ўлчанади, яъни

$$\eta_k = \frac{Q_k}{Q_{\text{ю}}};$$

бу ерда: Q_k — қайта ташилган юк ҳажми;

$Q_{\text{ю}}$ — бор бўлган юк миқдори.

Баъзи юклар учун қайта юк ташиш коэффициенти икки ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.

Қайта юк ташишни иложи борича камайтириш лозим, чунки ҳалқ хўжалигининг транспорт харажатлари қайта юк ташилганда асоссиз ошиб кетади. Шунинг учун мумкин бўлган ҳамма жойларда юкларни юк жўнатиладиган пунктлардан бевосита юк оладиган пунктларгача ташиш мақсалга мувофиқдир.

Юк ташиш ҳажмларини маҳсус жадвалларда кўрсатиш мумкин.

Рационал йўналишлар тузиш ва бошқа ташиш мақсалаларини тўғри ҳал қилиш учун юк оқимларини график тарзда эпюра ёки тасвиirlар воситасида ифодалаш мумкин.

Юк ташиш эпюраси тўғри чизиқли координат тизимида кўрсатилади. Бунда ордината ўқида юк миқдори, абцисса ўқида эса масофа берилади.

Юк оқимлари йўналишларига қараб абцисса ўкининг юқориси ёки пастида тўртбурчаклар кўринишидаги ифодаланади. Бунда тўртбурчакнинг бир томони юк миқдорини, иккинчи томони эса масофани масштабда ифодалайди. Тўртбурчакнинг юзи эса шу юкни ташищдаги транспорт ишини, яъни юк айланишини кўрсатади. Юк оқимининг йўналишлари кўрсаткичи билан кўрсатилади.

Шуни қайд қилиш лозимки, юк оқимларининг эпюраси юк пунктлари бир йўл бўйлаб жойлашгандагина курилади. Агар юк мураккаб тасвирдаги йўллар орқали амалга ошириладиган бўлса, унда юк оқимлари тасвири чизилади. Бунда юк оқимлари тўртбурчаклари бевосита йўл тасвири устига курилади. Агар тўрт-бурчаклар бевосита картадаги (харитадаги) йўл тасвирига курилса, бунга юк картограммаси дейилади.

Юк пункті деб, юк қабул қилинадиган ёки жүнаталидиган жойга айтилади. Пунктлар юк жүнатувчи ва юк қабул қылувчи бўлади.

Юк оқими ва юк айланиши юк пунктларини текшириш йўли билан аниқланади. Текшириш давомида сутка, ойлик ва йиллик юк ташиш ҳажми ва юк айланиши, ташиш масофаси ва йўналиши, юк оқими ва юк айланиши таркиби аниқланади.


Юк оқими таркиби куйидагича бўлади:

1. Тармоқча қарашлигига қараб: нефт қайта ишлаш маҳсулотлари, озиқ-овқат саноати ва ҳоказо.
2. Юкнинг маълум бир гурухга қарашлигига қараб: озиқ-овқат товарлари, қурилиш юклари ва ҳоказо.
3. Юкларнинг хусусиятига қараб: дон экинлари, сут маҳсулотлари, темир-бетон буюмлари ва ҳоказо.

I-жадвал

Юк талишининг шахмат жадвали

Жўнатиш пунктлари	Юк оладиган пунктлар				Жами жўнатилади- ган юк, тонна
	A	B	V	Г	
A	-	100	200	-	300
B	200	-	400	300	900
V	550	450	-	-	1000
Г	-	350	-	-	350
Жами олинадиган юк, тонна	750	900	600	300	2550



2.3 расм. Юк оқими эпюраси.

Билимларни текшириш дастури

23. Транспорт юки нимадан ташкил топади?

1. Товар ва тарадан
2. Товардан
3. Тарадан
4. Таглик, контейнер ва тарадан
5. Контеинердан

24. Нетто деб нимага айтилади?

1. Тара билан юк оғирлиги
2. Таранинг оғирлиги
3. Автомобилнинг ва тиркаманинг соғ оғирлиги
4. Юкнинг ўз оғирлиги

25. Брутто деб нимага айтилади?

1. Таранинг оғирлигига
2. Тара билан юкнинг оғирлигига
3. Юкнинг оғирлигига
4. Автомобилнинг юк билан биргаликдаги оғирлигига
5. Автомобилнинг ўзининг оғирлигига

26. Транспорт юклари қандай туркумларга ажратиласди?

1. Тараси бүйича
2. Тараси, ўлчами бүйича
3. Тараси, ўлчами, битта юкнинг оғирлик ўрни бүйича
4. Тараси, ўлчами, битта юкнинг оғирлик ўрни, юлаш-тушириш ишларини бажариш услуги, автомобил юк кўтарувчанлигидан фойдаланиш даражаси бўйича
5. Автомобилнинг юк кўтарувчанлигидан фойдаланиш даражаси бўйича

27. Транспорт юклари ўлчами бўйича қандай юкларга ажратиласди?

1. Габаритли
2. Габаритсиз
3. Габаритли ва габаритсиз
4. Эни 2.5 метрдан, баландлiği 3.8 метрдан, автомобил орқа бортидан 2 метрдан ортиқ чиқадиган юклар
5. Баландлiği 3.8 метрдан ошадиган юклар

28. Битта юкнинг оғирлик ўрни нормал юкларда неча килограмм бўлиши керак?

1. 250 кг
2. 400 кг
3. Донали юклар учун 250 кг, юмалайдиган юклар учун 400 кг дан ошмайдиган юклар
4. Донали юклар учун 50 кг, юмалайдиган юклар учун 250 кг дан ошмайдиган юклар
5. 500 кг

29. Юлаш-тушириш ишларини бажариш услуги бўйича транспорт юклари туркумининг сочишувчан юкларига қандай юклар киради?

1. Шагал юклар
2. Шагал, кум, тупроқ

3. Шагал, күм, тупроқ ва шунга ўхшаш
4. Цемент, күм
5. Фишт
30. *Хавфлилек бўйича юклар неча гурӯҳга бўлинади?*
1. 5 та
 2. 8 та
 3. 10 та
 4. 7 та
 5. 9 та
31. *Юк ташиши ва сақлаши шароитлари бўйича транспорт юклари туркумига қандай юклар киради?*
1. Оддий ва тез бузиладиган.
 2. Оддий, тез бузиладиган, ўткир ҳидди
 3. Оддий, тез бузиладиган, ўткир ҳидди, ахлат ва супиринди юклар, тирик юклар (қорамоллар ва шу кабилар)
 4. Ўткир ҳидди
 5. Тирик юклар
32. *Юкнинг товар тамғасида нима кўрсатилади?*
1. Юк номи
 2. Юкни тайёрлаган ташкилотнинг номи
 3. Юк ва юкни тайёрлаган ташкилотнинг номи
 4. Юк жўнатувчи ташкилотнинг номи
 5. Юк қабул қўлиувчи ташкилот номи
33. *Юк тамғасида нима кўрсатилади?*
1. Юк жўнатиладиган пункт ва жўнатувчи, олиб бориладиган пункт ва юк қабул қўлиувчи
 2. Юк номи
 3. Махсус белги
 4. Товар-транспорт хужжатининг рақами
 5. Юк тайёрлаган ташкилот номи
34. *Махсус тамғада нима кўрсатилади.*
1. Юк юклаш, тушириш, ташиши жараёнларида лозим бўлган махсус кўрсатмалар
 2. Товар транспорт хужжати рақами
 3. Хужжат бўйича ташилаётган юк ўринилари
 4. Юк қабул қўлиувчи ташкилот номи
 5. Ташиш жараёнида лозим бўлган махсус кўрсатмалар
35. *Юк автомобил транспорти ишини қайси кўрсаткичлар характеристайди?*
1. Юк ташиш ҳажми
 2. Юк айланчи
 3. Юк ташиш ҳажми, юк айланиси
 4. Юк оқими
 5. Юк йўналиши
36. *Юк оқими қайси йўналишида бўлади?*
1. Тескари
 2. Тўғри
 3. Тўғри ва тескари

4. Йұналиш бүйіч
5. Сутка соатлари бүйіч
37. Юкнинг таркибини нималар белгилайди?
1. Юк номи ва синфи
 2. Юк номи
 3. Юк күттарувчанлықдан фойдаланиш даражасы
 4. Ташиш миқдори
 5. Юк айланиши
38. Юк ташиш партияси деб нимага айтылади?
1. Транспорт хужжати билан ташишга бериладиган юк миқдорига
 2. Юк оқими катталығы
 3. Ташиш миқдорига
 4. Бажарылган транспорт ишиға
 5. Ташиш ҳажміга
39. Юк ташиш ҳажми ва айланишининг вакт мобайнида ўзгарыб туриши нима билан қарастырылады?
1. Нотекислик коэффициенти билан
 2. Юк оқими билан
 3. Үртача юк ташиш ҳажми ва айланиш қиймати билан
 4. Максимал қийматтар билан
 5. Юк ташиш масофаси билан
40. Қайта юк ташиши коэффициентининг қиймати бағзи юклар учун неча бўлади?
1. 2 ва ундан ортиқ
 2. 3 ва ундан ортиқ
 3. 1.5
 4. 1.15
 5. 2,5
41. Юк оқими таркиби қандай бўлади?
1. Тармоққа қарашилгига қараб
 2. Юкнинг маълум бир гурӯхга қарашилгига қараб
 3. Юкларнинг хусусиятига қараб
 4. Юкларнинг габарит ўлчами ва хавфлилигига қараб
 5. Тармоққа, маълум бир гурӯхга ва юкларнинг хусусиятига қараб
42. Юк оқими ва юк айланиши, юк пунктларини текширишда нима аниқланади?
1. Сутка, ойлик ва йиллик юк ташиш ҳажми
 2. Юк айланиши
 3. Ташиш масофаси ва юк йұналиши
 4. Юк оқими ва юк айланиш таркиби
 5. Сутка, ойлик, йиллик юк ташиш ҳажми, юк айланиши, ташиш масофаси, юк оқими ва йұналиши
43. Юк тамғалари неча турга бўлинади?
1. 2 та
 2. 3 та
 3. 5 та
 4. 4 та

5. 6 та

**44. 1-сinf юклар учун юк күтәрүвчанлықдан фойдаланиши даражаси-
нинг қиймати?**

1. 1.0
2. 0.6
3. 0.7
4. 0.8
5. 0.5

**45. 2-sinf юклар учун юк күтәрүвчанлықдан фойдаланиши коэффициен-
тининг қиймати?**

1. 0.8
2. 0.7
3. 0.6
4. 0.5
5. 1

**46. 3-sinf юклар учун юк күтәрүвчанлықдан фойдаланиши даражаси-
нинг қиймати?**

1. 0.6
2. 0.5
3. 0.8
4. 0.7
5. 0.9

**47. Автомобил юк күтәрүвчанлыгыдан фойдаланиши даражаси бүйича
юклар нечта синфга бўлинади?**

1. 2 та
2. 3 та
3. 5 та
4. 4 та
5. 7 та

48. Тез ўт оладиган юкларга қандай юклар киради?

1. Цемент, оҳак
2. Кум, шебен
3. Бензин, ацетон
4. Кислота ва ишқорлар
5. Гипс, тупроқ

49. Ўюм юкларига қайси юклар киради?

1. Труба, бетон, кум
2. Шагал, кум
3. Плита, гишт
4. Ёқилги, чигит
5. Бетон, асфалт

50. Кам хавфли юкларга қандай юклар киради?

1. Бензин, ацетон
2. Сиқилган ва суюлтирилган газлар
3. Иссиқ ва чангланувчи юклар
4. Курилиш материаллари ва шу кабилар
5. Кислота ва ишқорлар

3-б ў ли м

Ҳаракатланувчи таркибдан фойдаланишида йўл шароитлари

3.1. АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ТОИФАЛАНИШИ

Автомобил транспортида юк тасиши ҳажмининг ўсиши ва ҳаракат хавфсизлигининг таъминланиши автомобил йўлининг ҳолатига боғлик бўлади. Нотекис автомобил йўлида ҳаракатланганда ҳаракат тезлиги пасайди, ёқилиғи сарфи, юк тасиши нархи ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари сони ортади. Бундан ташқари автомобилнинг техник носозлиги кўпайиши натижасида таъмирлаш ҳаражатлари микдори ошади. Ҳозирги кунда халқ хўжалигига автомобилларнинг юқори тезликда турли об-ҳаво шароитларида қатновини таъминлайдиган яхши автомобил йўллари керак.

Автомобил йўлларининг катта иқтисодий ва сиёсий маънога эга эканлиги учун Ўзбекистон Республи-

2-жадвал

T/p	Автомобил йўлининг халқ хўжалигидаги аҳамияти бўйича синфи	Ҳаракат жадаллиги авто/сут	Тоифаси	Ҳаракат тезлиги км/соат
1	Умумдавлат миқёсидаги автомобил йўллари (Асосий магистрал)	7000 дан ортиқ	I	150
2	Республика миқёсидаги йўллар	3000—7000	II	120
3	Вилоят миқёсидаги автомобил йўллари	1000—3000	III	100
4	Туман миқёсидаги автомобил йўллари	200—1000	IV	80
5	Маҳаллий йўллар	200 дан кичик	V	60

каси Вазирлар Маҳкамаси ва ҳукумати автомобил йўлларини куриш, таъмирлаш ва сақлашни яхшилаш чоралари тўғрисида қарорлар қабул қилди. «Ўзавтойўл» давлат акционерлик корпорацияси ташкил қилиниб, унга республикамиз иқтисодий районлари, магистрал-автомобил йўллари тармоғини асосан қишлоқ жойларида автомобил йўлларининг тармоқларини кенгайтириш вазифаси юклатиди.


Автомобил йўлларининг ҳалқ хўжалигидаги аҳамиятига, ташиш тавсифига ва транспорт таркибларининг ҳаракат жадаллигига қараб қўйидаги синф тоифаларга бўлинади (2-жадвалга қаралсин).

Автомобил йўлларига кўйиладиган асосий талаблар:

- йил давомида ҳар қандай об-ҳаво шароитида автомобилларнинг ҳаракатланишини таъминлаши керак;
- капитал таъмирлашгача (18—25 йил давомида) узоқ муддатда хизмат қилиши керак;
- йўл юзасининг текислиги етарли кўриниш масофасини ва талаб қилинган ҳаракат тезлигига хавфсизликни таъминлаш керак;
- йўл юзаси қаттиқ қатлами билан қопланган бўлиши керак;
- бурилиш жойларидаги энг кичик радиус меъёридан кичик бўлмаслиги керак;
- йўл юзасига яхши ишлов берилиши, автомобил фиддираги билан ишқаланиш;
- йўл юзасига яхши ишлов берилиши, автомобил фиддираги билан ишқаланиш коэффициентининг юқорилиги етарли бўлиши ва тормоз йўли меъёридан ошмаслиги керак;
- автомобил йўлининг ўтказувчанлик қобилияти меъёрида бўлиши керак.

3.2. АВТОМОБИЛ ЙЎЛИНИНГ КЎНДАЛАНГ ҚИРҚИМИ

Автомобил йўлининг кўндаланг қирқими деб автомобил йўлининг ўқига перпендикуляр текислик билан кесиб ҳосил қилинган тасвирга айтшлади.



3.1-расм. Автомобил йўлиниңг кўттарма ва қазимадаги кўндаланг қирқими элементлари.

- а) битта ҳаракатланиш қисми бўлган йўл кўттармаси;
б) иккита ҳаракатланиш қисми ва ажратувчи қисми бўлган йўл кўттармаси;
в) тоф ва тоф ён бағридаги маҳсус йўл қазимаси.

1. Тупроқ қатлами
 2. Йўл ёкаси
 3. Ҳаракатланиш
 4. Ён ариқча
 5. Ариқча ташки қиялиги
 6. Йўл қопламаси
 7. Четки қисми
 8. Автомобил йўли ўки
 9. Ҳаракатланиш қисми-ning ўки
 10. Ҳаракат йўлаги
 11. Йўл қопламасининг чети
 12. Тупроқ қатламиниңг чети
 13. Йўл кўттармасининг қиялиги
 14. Қирғоқ
 15. Қирғоқ
 16. Қияликниңг таги
 17. Ажратувчи қисми
 18. Тупроқ тепа
 19. Тоф ариқчаси
 20. Тупроқ кўттарма
 21. Казима қиялигининг чеккаси
 22. Казиманиңг ташки қиялиги — ён ариқ чукурлиги
- Н -кўттарма баландлиги,

**СНиП 2.05.02—85 бүйінча автомобиль йөли күйдаланғ қирқимнинг
асосий күрсаткичлари**

	Йүл элементлари	Йүл тоифаси					
		Ia	Iб	II	III	IV	V
1	Харакат йүллаклари сони	4,6,8	4,6,8	2	2	2	1
2	Харакат йүллаклари эни	3,75	3,75	3,75	3,5	3	—
3	Харакат қисмнинг эни, м	2x7,5 2x11,25 2x15	2x7,5 2x11,25 2x15	7,5 —	7,0	6,0	4,5
4	Тупроқ күттармасининг эни, м	28,5 36 43,5	27,5 35 42,5	15	12	10	8
5	Йүл ёқасининг эни, м	3,75	3,75	3,75	2,5	2	1,75
6	Йүл ёқасини мустаҳкамлаш қисмнинг энг кичик эни, м	0,75	0,75	0,75	0,5	0,5	—
7	Харакат йұналишлари орасидаги ажратувчи қисмнинг энг кичик эни, м	6	5	—	—	—	—
8	Ажратувчи қысм мустаҳкамлігінинг энг кичик эни, м	1	1	—	—	—	—

3.3. АВТОМОБИЛ ЙҮЛИНИНГ БҮЙЛАМА ҚИРҚИМИ

Автомобил йүлининг ўқи бүйлаб текислик билан кесишішдан ҳосил бўлган тасвирга автомобил йүлининг бўйлама қирқими дейилади.

Бўйлама қирқим алоҳида миллиметрли қоғозга белгиланган масштаб бўйича чизилади.


Бўйлама қирқимда 3 хил масштаб танланади.

1. Горизонтал: М 1:5000

2. Вертикал: М 1:500

3. Тупроқ қатлами учун: 1:50

Бўйлама қирқимда куйидагилар километр кўрсаткичлари, режадаги тўғри ва эгри чизиқлар, ер юзаси кўрсаткичлари, лойихалаш кўрсаткичлари, ёғингарчилик ҳақида маълумотлар, йўл режаси, ернинг геологик тузилиши, иккита параллел чизиқ орқали ер юзи-




Масштаб карт. 1 : 5000
Барлық 1 : 100

3.2-расм. Автомобил йўлиниң бўйлама қирқими.

нинг баландлиги, сунъий иншоотлар, лойиҳа чизиги ва бошқалар.

Бўйлама қирқимда куйидагилар кўрсатилади: километр кўрсаткичлари, режадаги тўғри ва эгри чизиклар, ер юзаси кўрсаткичлари, лойиҳалаш кўрсаткичлари, ёғингарчилик ҳақида маълумотлар, йўл режаси, ернинг геологик тузилиши, иккита параллел чизик орқали ер юзининг баландлиги, сунъий иншоотлар, лойиҳа чизиги ва бошқалар.



3.3-расм. Бўйлама қирқимдаги асосий шартли белгилар.

- 1) Вертикал эгри чизик, а — қабариқ, б — ботик, в — қабариқ эгри чизикдан эгри чизикқа ўтувчи эгри чизик,
- 2) репер (баландликни аниқловчи устун)
- 3) бурилишлар (йўлдан чиқиш жойлари)
- 4) темир йўл билан кесиши
- 5) километр белгиси
- 6) кўпприк ва қувур
- 7) ариқча

- 8) плюс нүкталарининг белгиланиши
 9) иккита симли алоқа тармоғи

3.4. АВТОМОБИЛ ЙЎЛИНИНГ ҚОПЛАМАСИ

Йўл қатлами текисланган ва мустаҳкамланган тупроқ қатлами устига жойлаштирилади. Йўл қатлами турли об-ҳаво щароитида ҳаракатланувчи таркибларнинг маълум ҳисоб тезлигидаги ҳаракатини таъминлаши керак. Ҳаракат интенсивлигига қараб йўл қатлами турли мустаҳкамликда бўлади.

Ҳаракатланувчи таркиб шинаси билан йўл қатлами орасидаги ёпишқоқлик коэффициенти 0,5 дан кам бўймаслиги керак.

Йўл қатлами бир ёки бир неча конструктив қатламдан иборат бўлади.



3.4-расм. Йўл қатламининг кўндаланг қўрқими тасвири.

Бунда: 1 — йўл қатлами (асфалт, бетон ва ҳоказо);
 2 — йўл қатлами асоси (шебен);
 3 — йўл қатлами асосининг қўшимча қатлами (тош);
 4 — тупроқ қатлами (тупроқ, кум).

4-жадвал

Автомобил йўл қатлами таснифининг жадвали


№	Йўл қатлами типи	Йўл қатлами тури ва материали	Фойдаланилиши
1	Жуда юқори ишлов берилган	цемент, бетон ва иссиқ ҳолатдаги асфальт-бетон	I ва II категория йўлларида
2	Ўртача ишлов берилган	Совуқ ҳолатдаги асфальт-бетон	III ва IV категория йўлларида
3	Енгил ишлов берилган	Шагал ва бошқа мустаҳкам минерал материалы	IV ва V категория йўлларида
4	Жуда кам ишлов берилган	Тупроқ қатлами турли маҳаллий материалылар билан биргаликда	V категория йўлларида

Асфалт, бетон ва цемент-бетон йўл қатламлари мукаммаллашган йўл қатламларидир.

Автомобил йўлини эксплуатацияга топширилгандан капитал таъмирлашгача ва капитал таъмирлашлар оралигидаги муддат йўл қатламининг хизмат қилиш муддати деб айтиласди. Масалан, асфальт бетон йўлининг капитал таъмирлашгача хизмат қилиш муддати 18 йил, цемент бетонники 30 йил, шебен ва тупроқ қатлами ишланган йўлларники 9–12 йилни ташкил қиласди.

3.5. ЙЎЛНИНГ СУНЬИЙ ИНШООТЛАРИ

Автомобил йўлини ўтказища дарё ирмоғи, жар, канал, текислик ва тоғлар, автомобиль ва темир йўллар каби тўсиқларга тўғри келади.



3.5-расм. Сунъий иншоотларнинг асосий турлари:

- а) қувур, б) кўпrik, в) тепалик, г) йўл ости ва усти иншооти, д) веадук, е) эстакала, ж) галерия, з) тиргак девор, 1. Думалоқ қувур. 2. Йўл кўтармаси. 3. Кўпrik туташмаси. 4. Кўпrikning пролет курилмаси. 5. Тепалик 6. Портал. 7. Оралиқ устунлар. 8. Йиғма темир девор.

Автомобилларнинг тўхтамасдан ҳаракатланишини тъминлаш учун йўлларда ҳар хил сунъий иншоотлар курилиши кўзда тутилади: Жумладан, қувурлар, кўприклар, йўл усти ва ости иншоотлари ва бошқалар.

3.6. АВТОМОБИЛ ЙЎЛИНИНГ РЕЖАСИ ВА УНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ


Автомобил йўли ўқининг жой рельефига мос равишида жойлашишига автомобил йўлининг режаси дейилади.

Автомобил йўлининг режаси топографик харитада бажарилади. Харитада йўлнинг режаси асосий туташ чизиқ билан чизилади. Ҳар 100 м дан пикетларга бўлинади ва 10 пикетдан кейин километр белгиси кўйилади. Лойиҳаланаётган йўлнинг бошлангич нуқтасига ЙБ — йўл боши, охирида эса ЙО — йўл охири белгиси кўйилади. Автомобил йўлининг йўналиши ўзгарган жойларда эгри чизиқ чизилади. Меъёр бўйича эгри чизиқнинг радиуси танланади.


Иккита пункт оралиғида йўлнинг бир неча варианти ўтказилади.

Автомобил йўлининг режаси 1:2000, мураккаб рельефли жойларида 1:5000 1:1000, 1:500 масштабларда чизилади.

Йўл режасининг асосий элементи кетма-кет алмашиб келувчи тўғри ва эгри чизиқлардан иборат бўлади. Йўлнинг ҳар бир тўғри чизиқли қисмининг узунлиги 4—5 кмдан ошмаслиги керак. Трассанинг жойдаги йўналиши румбда ўлчанади. Румб катталиги 0—90 градусда бўлади.



3.7-расм. Автомобил йүллиниң режаси вариантлари.



3.8-расм. Автомобил йўлининг режаси.

3.7. АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ

Автомобил йўллари ҳаракатланувчи таркибларнинг юқори тезликда ҳаракатланишини ва йўл атрофи кўринишининг хушманзарали бўлишини таъминлаши керак. Автомобил йўлларида кўрувчанлик яхши бўлиши лозим. Ҳайдовчи йўлдаги тўсиқни узоқдан кўра билиши керак. Автомобилнинг тўсиққача бўлган масофаси куйидаги формула билан аниқланади:

$$S = \ell_1 + \ell_2 + \ell_3$$

Бунда: ℓ_1 — ҳайдовчининг автомобилни тўхтатиш чорасини кўриш давомида автомобилнинг босиб ўтадиган масофаси, метр;

ℓ_2 — тормоз масофаси, метр;

ℓ_3 — тўсиққача автомобилнинг хавфсиз тўхташ узунлиги, метр (5+10 метр).

$$\ell_1 = tv, \text{метр.}$$

Бунда: $t = 0.8 + 1.0$ сек. ҳайдовчининг реакция вақти;

V — ҳисоб тезлиги, км/соат

$$\ell_2 = \frac{KV^2}{2g(\phi+i+f)}, \text{метр.}$$

Бунда: K — тормознинг эксплуатацион ҳолатини кўрсатувчи коэффициент;

U — шинанинг йўл қатлами билан ёпишқоқлик коэффициенти;

f — силкинишга қаршиликни кўрсатувчи коэффициент;

g — эркин тўхташ тезланиши (9.81 м/с);

i — йўлнинг кўндаланг қиялиги.

Кичик радиусли бурилиши йўлларда йўл атрофидаги дараҳтларни қирқиши, девор ва бошқа қурилишларни кўчириб ташлаш натижасида етарли йўл кўрилиши ҳосил қилинади.

Автомобил йўлининг ҳаракат қилиш қисмiga камида 5 метргача дараҳт экиш, электр сими ёғочларини ўрнатиш таъзиқланади.

Аҳолига яшайдиган ҳудудларда йўловчилар, велосипед ҳайдовчилари учун юриш жойлари, айрим ҳолларда йўловчиларнинг йўлни кесиб ўтиш учун маҳсус

Автомобилинг ҳафсиз ҳаракати қўйидаги ҳолатларда таъминланади:

№	Кўрсаткичлар	Қийматлари			
		1	2	3	4
1.	Ҳисоб тезлиги, км/соат Кўрувчаник, метр а) йўл юзаси б) қарама-қарши автомобилгача	150 250 —	120 175 350	100 140 280	80 100 200
2.	Ҳисоб тезлиги, км/соат Кўрувчаник, метр а) йўл юзаси б) қарама-қарши автомобилгача	60 75 150	50 60 120	40 50 100	30 40 80

жойлар ташкил қилинади. Йўловчилар кўп юрадиган ва тўпланадиган жойларда тўсиқлар ўрнатилади.

Шаҳарларга кирадиган жойларда автомобиллар тўхтаб туриш ва саклаш жойлари ташкил қилинади.

Ҳаракат қатнови катта бўлган йўллар кесишган жойларда светофорлар ўрнатилади ва автомобиллар ҳаракати бошқарилади.

Йўлларнинг ўнг томонида, йўл четига масофа белгиси ва йўл бошланишида йўналиш тасвири жойлаштирилади.

Билимларни текшириш дастури

51. Автомобил йўлининг ҳаркот қилиши таркибига камида неча метр масофада дараҳт экиш, электр сими ёғочларини ўрнатиш таъқиқланади?
1. 5 метр
 2. 10 метр
 3. 12 метр
 4. 3 метр
 5. 4 метр
52. Ҳаракат қатнови катта бўлган йўллар кесишган жойларда нималар ўрнатилади?
1. Махсус тўсиқлар
 2. Автомобиллар тўхтаб туриш белгилари, маршрут схемаси
 3. Масофа белгиси, тўсиқ белгиси
 4. Светофорлар ўрнатилади ва автомобиллар ҳаракати бошқарилади
 5. Йўл беринг белгиси

- 53. Йүл қатлами қайси конструктив қатламлардан иборат бўлади?**
1. Йўл қатлами, йўл қатлами асоси. Йўл қатлами асосининг кўшимча қатлами, тупроқ қатлами
 2. Йўл қатлами асоси, йўл қатлами асосининг кўшимча қатлами
 3. Асфалт, кум, шағал
 4. Асфалт, шағал, тупроқ
 5. Шағал, тупроқ, кум
- 54. Ҳаракатлануучи таркиб шинаси билан йўл қатлами орасидаги ёпиш-қоқлик коэффициенти қанча бўлади?**
1. 0.5 дан кам бўлмайди
 2. 1.0 дан кам бўлмайди
 3. 1.2 бўлади
 4. 1.8 бўлади
 5. 1.5 бўлади
- 55. Йўл қатламининг хизмат қилиши муддати деб нимага айтилади?**
1. Автомобил йўлини эксплуатацияга топширгандан таъмирлашгача бўлган муддатига
 2. Капитал таъмирлашлар оралигидаги муддатига
 3. Автомобил йўлини эксплуатацияга топширилгандан капитал таъмирлашлар оралигидаги муддатга
 4. Капитал таъмирлашгача бўлган муддатга
 5. Автомобил йўлини таъмирлашгача бўлган муддатга
- 56. Асфалт-бетон йўлининг капитал таъмирлашгача хизмат қилиши муддати неча йилга teng?**
1. 12 йил
 2. 30 йил
 3. 9—12 йил
 4. 18 йил
 5. 25 йил
- 57. Йўл қатламининг асосини қандай материал ташкил қиласди?**
1. Бетон
 2. Асфалт
 3. Шағал
 4. Тупроқ
 5. Кум
- 58. Жуда юқори ишлов берилган йўл қатлами қандай материалдан ташкил топади?**
1. Цемент-бетон
 2. Цемент-бетон ва иссиқ ҳолатдаги асфалт-бетон
 3. Совуқ ҳолатдаги асфалт-бетон
 4. Шағал ва тош
 5. Тупроқ, цемент
- 59. Ҳаракат интенсивлиги 1000 авт/суткадан 3000 авт/суткагача бўлган автомобил йўли нечанчи категория йўли?**
1. 1-категория
 2. 2-категория
 3. 3-категория
 4. 4-категория

5. 5 -категория
60. Автомобил йўллари нечта тоифага бўлинади?
1. 4 та
 2. 5 та
 3. 6 та
 4. 8 та
 5. 12 та
61. Цемент-бетон ва иссиқ ҳолатдаги йўл қатлами қайси категорияли йўлларда ишлатилади?
1. 3- категорияли
 2. 3- ва 4-категорияли
 3. 1- ва 2-категорияли йўлларда
 4. 4- ва 5-категорияли
 5. 6- категорияли

4-6 ў ли м

Ҳаракатланувчи таркибнинг техник-эксилуатацион кўрсаткичлари

4.1. ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Юк ташишда ҳаракатланувчи таркибдан самарали фойдаланиш мураккаб масаладир. Бир томондан, ҳаракатланувчи таркибдан, умумий паркидан яхшироқ фойдаланиш керак бўлса, иккинчи томондан, босиб ўтилган йўлдан, учинчи томондан эса автомобилларнинг юк кўтариш қобилиятини, тезлик имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга эришиш зарур.

Автомобил транспорти ишини режалаштириш, хисобини юритиш ва таҳлил қилиб бориш учун маълум бир кўрсаткичлар туркуми ўрнатилади.

1. Ҳаракатланувчи таркибни ишлатиш даражасини тавсифлайдиган кўрсаткичлар. Бу туркум ўз ичига куидаги кўрсаткичларни олади:

α_t — техник тайёргарлик коэффициенти;

α_{μ} — йўналишга чиқариш коэффициенти;

γ — юк кўтарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти;

β — масофадан фойдаланиш коэффициенти;

l_x — ўртача қатнов узунлиги, км;

l_y — ўртача ташиш узунлиги, км;

$t_{\text{от}}$ — ҳаракатланувчи таркибни юклаш-туширишда тұхташ вақти, минут;

Ти — иш вақти, соат;

Vt — ўртача техник тезлик, км/соат;

Vэ — ўртача эксплуатацион тезлик, км, соат;

2. Ҳаракатланувчи таркибнинг натижавий ишини қуидаги күрсаткичлар ифодалайды:

ηқ — қатновлар сони, қатнов;

Lю — юкли юриш масофаси, км;

Ly — умумий масофа, км;

P — юк айланиши, т. км;

WQ — ҳаракатланувчи таркибнинг тонна ҳисобидаги унумдорлиги;

WP — ҳаракатланувчи таркибнинг тонна-километрдаги унумдорлиги.

4.2. ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБ ПАРКИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ҳаракатланувчи таркиб парки таркибига автомобиллар, тягачлар, тиркама ва ярим тиркамалар киради.

Ҳаракатланувчи таркиб паркининг рўйхатдаги сони автотранспорт корхонаси ҳисобида бўлган ҳамма автомобил, тягач тиркама ва ярим тиркамаларни ўз ичига олади.

Ҳаракатланувчи таркиблар паркининг рўйхатдаги сони юк ташиш режасини бажаришда бевосита иштирок этадиган ва корхонанинг ички хўжалик ишларига мўлжалланган паркдан иборат бўлади.

Ҳаракатланувчи таркиб паркини сон жиҳатдан тавсифлашда ҳамма автотранспорт корхоналари учун умумий бўлган қуидаги күрсаткичлардан фойдаланилади:

Ар — руйхатдаги автомобиллар сони;

Атт — техник тайёр автомобиллар сони;

Аэ — эксплуатациядаги автомобиллар сони;

Атхт — техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашдаги автомобиллар сони;

Ак — техник хизмат ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлмасдан корхонада тұхтаб турган автомобиллар сони (ташиш учун юк йўқлилиги, ёнилғи ва мойлаш материаллари, шиналар йўқлиги, ҳайдовчининг бетоблиги ва бошқа сабабларга кўра).

Техник тайёр автомобиллар сони эксплуатациядаги ва ҳар хил сабабларга кўра корхонада тўхтаб турган автомобиллар сони йигиндисидан иборат бўлади, яъни

$$A_{t.t} = A_{\emptyset} + A_{K}$$

Рўйхатдаги автомобиллар сони техник тайёр автомобиллар сони ва техник хизмат ва таъмирлашдаги автомобиллар сони йигиндисига тенгdir:

$$A_p = A_{t.t} + A_{t.x.t} = A_{\emptyset} + A_{K} + A_{t.x.t}$$

Ҳаракатланувчи таркиб паркини сон жиҳатдан тавсифловчи кўрсаткичлар вақт мобайнида ўзгаради, яъни маълум сондаги автомобиллар, тягач, тиркама ва ярим тиркамалар эксплуатация қилиш муддати туташи сабабли рўйхатдан ўчирилади.

Шунинг учун эксплуатацияда бўлган автомобиллар сони, техник хизмат кўрсатиши ва таъмирлашдаги автомобиллар сони вақт мобайнида ўзгариб туради. Шу туфайли ҳаракатланувчи таркиб паркини сон жиҳатдан автомобил кунларида (АК) характерлаш керак. Автомобил кунлари кўрсаткичи ҳаракатланувчи таркиб паркини сон жиҳатдан тавсифлайдиган A_p , $A_{t.t}$, A_{\emptyset} , $A_{t.x.t}$, A_K белгиларининг кунларга кўпайтмаси билан топиласди.

Бошқача қилиб айтганда, автомобил кунлар бу ҳаракатланувчи таркибининг маълум бир ҳолатда бўлган кунларнинг бутун парк бўйича йигиндисидан иборатdir, яъни

$$A_{K.p} = A_{K.\emptyset} + A_{K.t.x.t} + A_{K.K}$$

Бунда: $A_{K.p}$ — рўйхатдаги автомобил кунлари сони; $A_{K.\emptyset}$ — эксплуатациядаги автомобил кунлари сони; $A_{K.t.x.t}$ — техник хизмат кўрсатиши ва таъмирлашдаги автомобил кунлари сони;

$A_{K.K}$ — баъзи сабабларга кўра корхонада тўхтаб турган автомобил кунлари сони.

Рўйхатдаги автомобиллар ўртаси сони куйидагicha аниқланади:

$$A_p^{\text{урт}} = \frac{A_{K.p}}{K_k}$$

Бунда: K_k — календар кунлар сони.

4.3. ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБ ПАРКИ ТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИГИ

Ҳаракатланувчи таркиб паркининг техник тайёргарлиги юк ташишда ишлатилиши мумкин бўлган автомобиллар, тягачлар, тиркамалар сони билан белгиланади.

Умумий ҳолда ҳаракатланувчи таркиб техник тайёр автомобил кунлари сонини рўйхатдаги автомобил кунлари сони нисбати билан белгиланади. Бу нисбат паркининг техник тайёргарлиги коэффициенти деб юритилади:

$$\alpha_t = \frac{AK_{tt}}{AK_p},$$

бунда: AK_{tt} — техник тайёр автомобил кунлари сони;
 AK_p — рўйхатдаги автомобиллар кунлари сони.

Ҳаракатланувчи таркиб паркининг алоҳида бир кун учун техник тайёргарлиги коэффициенти шу кунда техник тайёр бўлган автомобиллар сонининг рўйхатдаги автомобиллар сонига нисбати билан белгиланади:

$$\alpha_t = \frac{At_{tt}}{Ap},$$

бунда: At_{tt} — техник тайёр автомобиллар сони;
 Ap — рўйхатдаги автомобиллар сони.

Алоҳида бир автомобилнинг маълум муддатдаги техник тайёргарлиги коэффициенти эса автомобилнинг техник жиҳатдан тайёр бўлган кунлари сонининг календар кунларига нисбати билан аниқланади:

$$\alpha_t = \frac{K_{tt}}{K_k},$$

бунда: K_{tt} — автомобилнинг техник жиҳатдан тайёр бўлган кунлар сони;
 K_k — календар кунлари сони.

Техник тайёргарлик коэффициентини ошириш куйидаги тадбирларни амалга ошириш натижасида ўстирилади:

- ҳаракатланувчи таркибга техник хизмат ва таъмирлаш ишларини вактида сифатли ўтказиш;
- таъмирлашга илгор агрегат услубини қўллаш;

- смена оралығидаги иккінчи техник хизмат күрсатиши ташкил қилиш;
- ҳаракатланувчи таркибдан техник эксплуатация қилиш қоидаларига амал қилиб фойдаланиш;
- ҳайдовчиларнинг уларга беркитилган ҳаракатланувчи таркибларга муносабатини яхшилаш;
- паркнинг техник тайёргарлиги корхона техник базасининг ҳолати ва унинг эҳтиёт қисмлар, материаллар, агрегатлар билан таъминланганлыгига, ҳайдовчилар, техник хизмат күрсатувчи ва таъмирловчи ишчиларнинг малакасига ҳам боғлиқ бўлади.

4.4. ПАРКНИНГ ИШГА ЧИҚИШ ВА ПАРКДАН ФОЙДАЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ

Эксплуатация қилиш учун техник тайёр бўлган ҳаракатланувчи таркиб паркини ҳамма вақт ҳам ишлатиб бўлавермайди. Баъзан маълум сондаги ҳаракатланувчи таркиб юқ ташиш учун техник тайёр бўлишига қарамасдан корхонада қолдирилади. Бундай ҳолат қуидаги сабаблар натижасида содир бўлади, яъни ташишга юкнинг йўқлиги, ҳайдовчининг йўқлиги ёки бетоблиги, ёқилғи, мойлаш материалларининг бўлмаслиги ва ҳоказо.

Ишга чиқиш коэффициенти умумий ҳолда эксплуатациядаги автомобил кунлари сонини режалаштирилган иш автомобил кунлари сонига нисбати билан аниқланади:

$$\alpha_i = \frac{A_{k\mathcal{E}}}{A_{ki}} ;$$

бунда: $A_{k\mathcal{E}}$ — эксплуатациядаги автомобил кунлари сони;

A_{ki} — режалаштирилган иш автомобил кунлари сони.

Ҳаракатланувчи таркиб паркини алоҳида олинган бир кун учун ишга чиқиш коэффициенти қуидагича аниқланади:

$$\alpha_i = \frac{A\mathcal{E}}{A_p} ;$$

бунда: $A\mathcal{E}$ — эксплуатациядаги автомобиллар сони;
 A_p — рўйхатдаги автомобиллар сони.

Паркнинг маълум бир календар кунларидағи ишга чиқиши коэффициенти куйидагича аниқланади:

$$\alpha_i = \frac{K_e}{K_k} = \frac{K_e}{K_k - (K_{db} + K_{ishlamaydigani})};$$

бунда: K_{db} — иш муддатидаги дам олиш ва байрам ҳамда ишламайдиган кунлари сони;

$K_{ishlamaydigani}$ — ишламайдиган кунлар сони.

Ҳаракатланувчи таркиб паркининг ишга чиқиши коэффициенти фақат рўйхатдаги паркдан режалаштирилган иш муддатида йўлга чиқсан қисмини тавсифлайди. Ишга чиқсан автомобиллардан смена вақти ва умуман паркдан календар вақт мобайнида қай даражада фойдаланаётгани бизнинг назаримиздан четда қолади. Шунинг учун паркдан фойдаланиш коэффициенти аниқланади.

Бутун парк учун календар кунлар:

$$\alpha_F = \frac{AK_e}{AK_p};$$

бунда: AK_e — эксплуатациядаги автомобил кунлари сони;

AK_p — рўйхатдаги автомобил кунлари сони.

Алоҳида автомобил учун (K_k) календар кунлар учун:

$$\alpha_F = \frac{K_e}{K_k};$$

бунда: K_e — эксплуатациядаги кунлари сони;

K_k — календар кунлари сони.

Бутун парк учун алоҳида олинган бир кунда:

$$\alpha_F = \frac{A_e}{A_p};$$

бунда: A_e — эксплуатациядаги автомобилар сони;

A_p — рўйхатдаги автомобиллар сони.

4. 5. ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБ ЮК КЎТАРУВЧАНЛИГИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ҳаракатланувчи таркиб маълум номинал юк кўтарувчанликка эга бўлади. Номинал юк кўтарувчанлик ҳаракатланувчи таркибни ишлаб чиқариш заводи то-

менидан конструктив ва мустаҳкамлик хусусиятларига қараб белгиланади. Юк күтарувчанлик тонналарда ўлчанди.

Ҳаракатланувчи таркиб паркининг куввати деб, корхона рўйхатида бўлган барча турдаги автомобил ва автопоездлар юк күтарувчанлиги йиғиндисига айтилади.

$$Q_n = A_{p1} \cdot q_{n1} + A_{p2} \cdot q_{n2} + \dots + A_{pn} \cdot q_{nn} = \sum_1^n A_p \cdot q_n; \text{ тонна};$$

бунда: A_p — рўйхатдаги автомобил ва автопоездлар сони;

q_n — автомобил ва автопоездларнинг номинал юк күтарувчанлиги, т.

Масалан, автокорхонада Зил-130 автомобилидан 100 дона, КаМАЗ-5551 автомобилидан 50 донаси бор. Автокорхонанинг юк күтарувчанлиги:

$$Q_n = A_{p1} \cdot q_{n1} + A_{p2} \cdot q_{n2} = 100 \cdot 6 + 50 \cdot 10 = 600 + 500 = 1100 \text{ тонна}.$$

Ҳаракатланувчи таркибларнинг сони маълум календар кунда ўзгариб туради, шунинг учун ҳаракатланувчи таркиб паркининг куввати куйидаги формуладан аниқланади:

$$Q_n = A_{p1} \cdot q_{n1} \cdot K_{k1} + A_{p2} \cdot q_{n2} \cdot K_{k2} + \dots + A_{pn} \cdot q_{nn} \cdot K_{kn} = \sum_1^n A_p \cdot q_n \cdot K_k;$$

бунда: K_k — календар кунлари сони.

Масалан, 100 дона ЗИЛ -130 автомобили корхонада 200 кун, 50 дона ЗИЛ-ММЗ- 4502 автомобили 10 кун бўлди. Автокорхонанинг куввати куйидагича бўлади:

$$\begin{aligned} Q_n &= A_{p1} \cdot q_{n1} \cdot K_{k1} + A_{p2} \cdot q_{n2} \cdot K_{k2} = \\ &= 100 \cdot 6 \cdot 200 + 50 \cdot 5,25 \cdot 100 = 120000 + 26250 = 146250 \\ &\quad \text{тонна} \end{aligned}$$

Ҳаракатланувчи таркиб паркининг юк кўтара олиш қобилияти битта автомобилга тўғри келадиган ўртача юк күтарувчанлик билан ҳам ифодаланади:

$$Q_n^{\text{урт}} = \frac{Q_n}{\sum_1^n A_p} = \frac{\sum_1^n A_p q_n}{\sum_1^n A_p}; \text{ тонна}.$$

Битта автомобилнинг парк бўйича ўртача юк кўтарувчанлигининг календар кундаги қийматини қўйидагича аниқлаймиз:

$$q_{\text{н}}^{\text{урт}} = \frac{\sum_{k=1}^n A_k q_k K_k}{\sum_{k=1}^n A_k K_k}; \text{ тонна.}$$

Юк кўтарувчанликдан фойдаланиш даражасини ифодалаш учун юк кўтарувчанликдан фойдаланиш статик ва динамик коэффициентлари кўлланилади.

Юк кўтарувчанликдан статик фойдаланиш коэффициенти ҳаракатланувчи таркибда фактик ташилаётган юк миқдорини унинг номинал юк кўтариш қобилиятига нисбати билан аниқланади.

Бир қатновда юк кўтариш қобилиятидан статик фойдаланиш коэффициенти қўйидаги формуладан аниқланади:

$$\gamma_c = \frac{q_f}{q_n};$$

бунда: q_f — ҳаракатланувчи таркибда фактик ташилаётган юк миқдори, тонна.

Бир иш кунида юк кўтарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти қўйидагича аниқланади:

$$\gamma_c = \frac{Q_f}{q_n n_k};$$

бунда: Q_f — бир иш кунида фактик ташилган юк миқдори, т;

n_k — бир иш кунидаги қатновлар сони.

Юк кўтарувчанликдан тўла фойдаланмаслик натижасида маълум бир транспорт иши бажарилмай қолади. Бу ишнинг миқдори кўп жиҳатдан юк ташиш ма софасига боғлиқ бўлади. Юк кўтарувчанликдан фойдаланиш даражасини ифодалашда ташилган юкнинг миқдоридан ташқари бажарилган транспорт ишини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бу ҳол юк кўтарувчанликдан динамик фойдаланиш коэффициентида ҳисобга олинади.

Юк кўтарувчанликдан динамик фойдаланиш коэффициенти фактик бажарилган транспорт ишининг ҳара-

катланувчи таркиб юк күтариш қобилиятидан түлік фойдаланиб бажариш мүмкін бўлган транспорт ишига нисбати билан аниқланади.

Бир қатновда юк күтарувчанликдан динамик фойдаланиш коэффициенти:

$$\gamma_g = \frac{Q_f \ell_{ky}}{Q_h \ell_{ky}} = \frac{Q_f}{Q_h};$$

бунда: ℓ_{ky} — ўртача қатнов узунлиги, км

Бунда: $\gamma_d = \gamma_c$ бўлади.

Бир иш кунида юк күтарувчанликдан динамик фойдаланиш коэффициенти:

$$\gamma_g = \frac{P_f}{P_m} = \frac{P_f}{Q_h \ell_{ky}} = \frac{\sum Q_f \ell_{ky}}{Q_h \sum \ell_{ky}};$$

бунда: P_f — фактик транспорт иши, т.км;

P_m — бажариш мүмкін бўлган транспорт иши, т.км;

ℓ_{ky} — юкли юриш масофаси, км.

Юк күтарувчанликдан фойдаланиш статик ва динамик коэффициентлари 2 ҳолатда тенг бўлади.

1- ҳолат. Агарда қатновларда бир хил юк миқдори ташилса, яъни: $q_f = \text{const}$

$$\gamma_g = \frac{Q_f \ell_{ky1} + Q_f \ell_{ky2} + \dots + Q_f \ell_{kyn}}{Q_h \ell_{ky1} + Q_h \ell_{ky2} + \dots + Q_h \ell_{kyn}} = \frac{Q_f}{Q_h}.$$

Демак, $\gamma_d = \gamma_c$ бўлади.

2- ҳолат. Агарда ҳар қатновда юк бир хил масофага ташилса, яъни

$$\gamma_g = \frac{Q_f \ell_{ky1} + Q_f \ell_{ky2} + \dots + Q_f \ell_{kyn}}{Q_h \ell_{ky1} + Q_h \ell_{ky2} + \dots + Q_h \ell_{kyn}} = \frac{\ell_{ky} \sum Q_f}{\ell_{ky} \sum Q_h} = \frac{Q_f}{Q_h \Pi_k}.$$

Демак: $\gamma_d = \gamma_c$ бўлади.

Бошқа ҳолатларда бу коэффициентлар миқдорлари тенг бўлмайди.

Ҳаракатланувчи таркиб юк күтарувчанлигидан фойдаланиш даражасини ошириш учун қуйидаги ташкилий тадбирлар амалга оширилади. Масалан, юкларни

олдиндан пакетлар ва тагликлар кўллаб катталаштириш, юклар партиясининг оғирлигига қараб автомобиллар танлаш, ҳаракатланувчи таркиб кузов ҳажми ни ошириш, юк ортадиган машиналар юк кўтарувчанигини автомобиллар юк кўтарувчанилигига мос равища танлаш ва шу кабилар.

4.6. ЎРТАЧА ҚАТНОВ ВА ЎРТАЧА ТАПИШ УЗУНЛИГИ. МАСОФАДАН ФОЙДАЛАНИШ КОЭФФИЦИЕНТИ

Ҳаракатланувчи таркибнинг умумий масофаси деб, унинг маълум вақт ичида юрадиган масофасига айтилади.

Умумий масофа фойдали ва фойдасиз масофалардан ташкил топади.

Фойдали масофа юкли масофа деб, фойдасиз масофа юксиз масофа деб айтилади.

Нол масофа деб, автокорхонадан биринчи юк юлаш пунктигача ва охирги юк тушириш пунктидан автокорхонагача бўлган масофага айтилади.

Юксиз юриш масофаси деб, юк тушириш пунктидан кейинги юк юлаш пунктигача бўлган масофага айтилади.

Бир қатновда умумий масофа қўйидагича аниқланади.

$$L_{\text{к}} = L_{\text{ю}} + L_{\text{б}}; \text{км};$$

бунда: $L_{\text{ю}}$ — бир қатновдаги юкли юриш масофаси, км;

$L_{\text{б}}$ — бир қатновда юксиз юриш масофаси, км.

Бир иш кунида ҳаракатланувчи таркиб умумий масофаси қўйидагича аниқланади:

$$L_{\text{y}} = L_{\text{ю}} + L_{\text{б}} + (L_{\text{н},1} + L_{\text{н},2}); \text{км};$$

бунда: $L_{\text{ю}}$ — юкли юриш масофаси;

$L_{\text{б}}$ — юксиз юриш масофаси;

$L_{\text{н},1}$ — автокорхонадан биринчи юлаш пунктигача бўлган масофа;

$L_{\text{н},2}$ — охирги юк тушириш пунктидан автокорхонагача бўлган масофа.

Үртача қатнов узунлиги деб, қатнов давомида юклаш пунктидан тушириш пунктигача бўлган ўртача масофасига айтилади ва у юкли масофанинг бажарилган қатновлар сонига нисбати билан аниқланади:

$$L_{ky} = \frac{L_{lo}}{n_k}; \text{ км};$$

бунда: n_k — бир иш кунидаги қатновлар сони.

Ўртача юк ташиш узунлиги умумий бажарилган транспорт ишининг ташилган юкнинг ҳажмига нисбати билан аниқланади ва 1 тонна юкнинг ўртача ташиш масофасини кўрсатади:

$$L_{ty} = \frac{P}{Q}; \text{ км};$$

бунда: P — транспорт иши, т км;

Q — ташилган юкнинг ҳажми, т.

Бир қатновда $L_{ky} = L_{ty}$ бўлади, яъни қуйидаги икки ҳолатда бир иш кунида $L_{ky} = L_{ty}$ бўлади.

1-ҳолат. Битта автомобилда ҳар хил юк миқдори бир хил масофага ташилса:

$$\begin{aligned} \ell_{ty} &= \frac{P}{Q} = \frac{q_{\phi_1} \ell_{ky_1} + q_{\phi_2} \ell_{ky_2} + \dots + q_{\phi_n} \ell_{ky_n}}{q_{\phi_1} + q_{\phi_2} + \dots + q_{\phi_n}} = \\ &= \frac{\ell_{ky}(q_{\phi_1} \ell_{ky_1} + q_{\phi_2} \ell_{ky_2} + \dots + q_{\phi_n} \ell_{ky_n})}{q_{\phi_1} + q_{\phi_2} + \dots + q_{\phi_n}} = \ell_{ky} \end{aligned}$$

2-ҳолат. Битта автомобилда бир хил юк ҳар хил масофага ташилса:

$$\begin{aligned} \ell_{ty} &= \frac{P}{Q} = \frac{q_{\phi} \ell_{ky_1} + q_{\phi} \ell_{ky_2} + \dots + q_{\phi} \ell_{ky_n}}{q_{\phi}} = \\ &= \frac{q_{\phi} (\ell_{ky_1} + \ell_{ky_2} + \dots + \ell_{ky_n})}{q_{\phi}} = \frac{L_{lo}}{n_k} = \ell_{ky} \end{aligned}$$

бунда: q_{ϕ} — фактик ташилаётган юк миқдори, тонна;

ℓ_{ky} — ўртача қатнов узунлиги, км.

Күйидаги ҳолатда, яни турли юк күтариш қобилиятидаги автомобилларда юкларни ҳар хил масофага юк күттарувчанликдан турли даражада фойдаланиб ташилса, билан тенг бўлмайди.

Ҳаракатланувчи таркиб босиб ўтган масофасидан фойдаланиш даражаси юкли масофанинг умумий масофага нисбати билан аниқланади. Бу масофадан фойдаланиш коэффициенти деб айтилади.

Бир қатнов учун:

$$\beta_k = \frac{\ell_{yo}}{\ell_{yo} + 16} = \frac{\ell_{yo}}{\ell_k}$$

Бир иш куни учун:

$$\beta = \frac{\ell_{yo}}{\ell_y} = \frac{\ell_{yo}}{\ell_{yo} + \ell_b(\ell_{n_1} + \ell_{n_2})}$$

Ҳаракатланувчи таркиб босиб ўтган масофадан фойдаланиш даражасининг ошиши натижасида иш унумдорлиги ошади ва ташиш таннархи камаяди.

4.7. ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБ ИШ ВАҚТИ ВА ЎРТАЧА ҲАРАКАТЛАНИШ ТЕЗЛИКЛАРИ

Ҳаракатланувчи таркиб иш вақти транспорт ишини бажаришга сарфланадиган ва ҳар хил сабаблар билан тўхтаб туриш вақтларидан иборат бўлади.

Транспорт ишини бажаришга сарфланадиган вақт ҳаракат ва юклаш-тушириш ишларига сарф бўладиган вақтлардан ташкил топади.

Ҳаракатланувчи таркиб иш вақти, ишдан қайтиш вақтидан корхонадан чиқиш вақти ва тушлик вақти айирмасига тенгdir, яъни:

$$T_i = T_k + T_c - T_{\text{тушлик}}, \text{ соат};$$

бунда: T_i — иш вақти, соат;

T_k — ишдан қайтиш вақти, соат;

T_c — корхонадан чиқиш вақти, соат;

$T_{\text{тушлик}}$ — тушлик вақти, соат.

Ҳаракатланувчи таркибнинг режалаштирилган иш вақти йўналишдаги ва нол масофаларини юришга сарфланадиган вақтларидан иборат бўлади:

$$T_i = T_{\text{t}} + T_{\text{n}}$$

бунда: T_{t} — йўналишдаги иш вақти, соат;

T_{n} — нол масофаларини юриш вақти, соат.

Йўналишдаги иш вақти ҳаракатдаги ва юклаш-тушириш ишларидаги ҳамда бошқа ҳар хил сабабларга кўра тўхтаб қолиш вақтларидан иборат бўлади:

$$T_{\text{t}} = T_{\text{x}} + T_{\text{tot}} + T_{\text{tk}}$$

бунда: T_{x} — ҳаракатдаги иш вақти, соат;

T_{tot} — юклаш-тушириш вақти, соат;

T_{tk} — тўхтаб қолиш вақти, соат.

Иш вақти ҳайдовчининг иш куни узунлигига ва автокорхонанинг иш режимига боғлиқ бўлади.

Юклаш-тушириш вақти ўз ичига юклаш-туширишни кутиш, ҳаракатланувчи таркибни маневр қилиш, юклаш-тушириш ишларини бажариш ва хужжатларни расмийлаштириш вақтларини олади.

Бир қатновда юклаш-тушириш вақти куйидагича ифодаланади:

$$t_{\text{tot}} = t_{\text{tk}} + t_{\text{m}} + t_{\text{tot}} + t_{\text{xp}}$$

бунда: t_{tk} — қатновда юклаш-туширишни кутиш вақти; соат;

t_{m} — маневр қилиш вақти; соат;

t_{tot} — юклаш-тушириш вақти; соат;

t_{xp} — хужжатларни расмийлаштириш вақти, соат.

Ҳаракатланувчи таркибининг унумдорлиги унинг ҳаракатланиш тезлигига боғлиқдир. Ҳаракатланувчи таркиб ишини режалаштиришда ва таҳлил қилишда ўртача тезлик ва эксплуатацион ҳаракатланиш тезликларидан фойдаланилади.

Ўртача техник тезлик ҳаракатланувчи таркибининг умумий юриш масофасининг шу масофани юриш учун кетган вақтига нисбати билан аниқланади:

$$V_T = \frac{L_y}{T_x}; \text{ км/соат};$$

бунда: L_y — умумий юриш масофаси, км.

Үртача техник тезлик ҳаракатланувчи таркибнинг техник ҳолати, йўл ва об-ҳаво шароитлари, ҳайдовчи малакаси, ҳаракат интенсивлиги, динамик хусусиятлар ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади.

Үртача эксплуатацион тезлик умумий босиб ўтган масофанинг иш вақтига нисбати билан аниқланади:

$$V_3 = \frac{Ly}{Tu} \text{ км; соат}$$

Үртача эксплуатацион тезлик техник тезликка, юклаш-тушириш вақтига, юк ташиш масофасига, йўналишда ҳар хил сабабларга кўра тухтаб турган вақтларга боғлиқ бўлади.

4.8. ҚАТНОВ ТЎҒРИСИДА ТУШУНЧА. ҚАТНОВЛАР СОНИНИ АНИҚЛАШ

Қатнов ҳаракатланувчи таркибларда юк ташишни режалаштириш ва ташкил этишда асосий техник эксплуатацион кўрсаткичлардан биридир.

Автомобил транспортининг юк ташиши тугалланган цикли қатнов деб айтилади.

Қатнов вақти юклаш, юк билан юриш, юк тушириш ва кейинги юк юклаш пунктигача юксиз юриш вақтларидан иборатdir.

$$tk = t_{lo} + t_{lyo} + t_t + t_{byo}; \text{ соат};$$

бунда: t_{lo} — юклаш вақти, соат;

t_{lyo} — юк билан юриш вақти, соат;

t_t — юкни тушириш вақти;

t_{byo} — юксиз юриш вақти, соат.

Қатнов узунлиги $L_k = L_{lo} + L_b$ га teng.

Бунда: L_{lo} ; L_b — бир қатновда юкли ва юксиз масофалар узунлиги, км.

Қатнов вақти яна қуидагича аниқланади:

$$t_k = \frac{\ell_{ky}}{\beta_k V_t} + t_{lyot} = \frac{\ell_{lo}}{\beta V_t} + t_{lyot}; \text{ соат.}$$

Бунда: $L_k = L_{lo}$ га teng.

Бир иш кунидаги қатновлар сони қуидагича аниқланади:

$$\Pi_K = \frac{T_h}{t_k} = \frac{T_h \beta V_r}{\ell_{io} + \beta V_r t_{tot}} ; \text{ қатнов.}$$

Қатновлар сонини иш куни вақтіда ҳам аниқлаш мүмкін:

$$\Pi_K = \frac{T_h}{t_k} = \frac{T_h \beta V_r}{\ell_{io} + \beta V_r t_{tot}} ; \text{ қатнов.}$$

4.9. ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБ ИШ УНУМДОРЛИГИ ТҮГРИСИДА ТУШУНЧА. ИШ УНУМДОРЛИГИНИ ХИСОБЛАШ

Ҳаракатланувчи таркиб иш унумдорлиги унинг маълум вақт ичіда бажарған транспорт иши (т.км) ва ташилған юқ ҳажми (тонна) билан үлчанади.

Ташилған юқ ҳажми транспорт иши унумдорлиги түгрисида тұла тасаввур берілмайды. Чунки маълум вақтда ташиладиган юкнинг ҳажми ташиш масофасига боғлиқтады. Транспорт ишини юқ ташиш ҳажми ва масофасини ҳисобға олған ҳолда тонна километрларда үлчанадиган иш унумдорлиги орқали ифодалаш максадға мувофиқтады.

Ҳаракатланувчи таркибнинг иш унумдорлиги тонна ва тонна километрда қуидаги аниқланади:

а) Битта қатновда

$$Q_K = q_h \gamma_c; \text{ тонна}$$

$$P_K = q_h \gamma_c \ell_{io}; \text{ ткм}$$

б) Бир иш куніда:

$$Q_K = Q_h \Pi_K = \frac{q_h \gamma_c T_h \beta V_r}{\ell_{io} + \beta V_r t_{tot}} ; \text{ тонна}$$

$$P_K = P_h \Pi_K = \frac{q_h \gamma_c T_h \beta V_r \ell_{io}}{\ell_{io} + \beta V_r t_{tot}} ; \text{ ткм}$$

Ҳаракатланувчи таркибнинг бир соатдаги иш унумдорлиги қуидаги аниқланади:

$$Q_C = \frac{Q_k}{T_n} = \frac{q_n \gamma_c \beta V_t}{\ell_{10} + \beta V_t t_{lot}} ; \text{ тонна}$$

$$P_C = \frac{P_k}{T_n} = \frac{q_n \gamma_c \beta V_t \ell_{10}}{\ell_{10} + \beta V_t t_{lot}} ; \text{ ткм}$$

Ҳаракатланувчи таркиб парки унумдорлиги куйидагича аниқланади:

а) бир иш кунига:

$$Q_k^n = Q_k A_3 = \frac{q_n \gamma_c T_n \beta V_t A_3}{\ell_{10} + \beta V_t t_{lot}} ; \text{ тонна}$$

$$P_k^n = P_k A_3 = \frac{q_n \gamma_c T_n \beta V_t \ell_{10} A_3}{\ell_{10} + \beta V_t t_{lot}} ; \text{ ткм}$$

б) Кк — календар кунига:

$$Q^n = Q_{k_k}^n A K_3 = A_p K_k \alpha \phi Q_k ; \text{ тонна}$$

$$P^n = P_{k_k}^n A K_3 = A_p K_k \alpha \phi P_k ; \text{ ткм}$$

4.10. АЙРИМ ТЕХНИК-ЭКСПЛУАТАЦИОН КҮРСАТКИЧЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБ УНУМДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Айрим техник-эксплуатацион күрсаткичларнинг ҳаракатланувчи таркиб унумдорлигига таъсирини куйидагича кўриб чиқамиз.

Бунинг учун бир иш кунидаги унумдорликни аниqlаш формуласидан фойдаланамиз.

а) тонналарда:

$$Q_k = \frac{T_n q_n \gamma_c \beta V_t}{\ell_{10} + \beta V_t t_{lot}} ; \text{ тонна}$$

б) тонна-километрларда:

$$P_k = \frac{T_n q_n \gamma_c \beta V_t \ell_{10}}{\ell_{10} + \beta V_t t_{lot}} ; \text{ ткм}$$

Таъсирини кўрмоқчи бўлган техник-эксплуатацион кўрсаткични ўзгартириб, қолган кўрсаткичларни ўзгартирмасдан ҳисоблаймиз. Масалан, берилган: $T_i=10$ соат, $q_h=6$ т, $\gamma_c=1$, $b=0,5$, $V_t=20$ км/соат, $t_{tot}=0,1$ соат; 0,4 соат; 0,6 соат;

Юклаш-тушириш вақтининг унумдорликка тасирини кўрмоқчи бўлсак, бу кўрсаткичининг қийматларини ўзгартириб, қолган кўрсаткичлар қийматларини ўзгартирмасдан ҳисоблаймиз. Буни юқоридаги мисолда кўриб чиқамиз.

1 ҳолат $t_{tot} = 0,1$ соатга тенг.

$$Q_k = \frac{T_i q_h \gamma_c \beta V_t}{\ell_{io} + \beta V_t t_{tot}^1} = \frac{10 \cdot 6 \cdot 1 \cdot 0,5 \cdot 20}{12 + 0,5 \cdot 20 \cdot 0,1} = 46,1 \text{ тонна}$$

$$P_k = \frac{T_i q_h \gamma_c \beta V_t \ell_{io}}{\ell_{io} + \beta V_t t_{tot}^1} = \frac{10 \cdot 6 \cdot 1 \cdot 0,5 \cdot 20 \cdot 12}{12 + 0,5 \cdot 20 \cdot 0,1} = 553,8 \text{ ткм}$$

2 ҳолат $t_{tot} = 0,4$ соатга тенг.

$$Q_k = \frac{T_i q_h \gamma_c \beta V_t}{\ell_{io} + \beta V_t t_{tot}^2} = \frac{10 \cdot 6 \cdot 1 \cdot 0,5 \cdot 20}{12 + 0,5 \cdot 20 \cdot 0,4} = 37,5 \text{ тонна}$$


$$P_k = \frac{T_i q_h \gamma_c \beta V_t \ell_{io}}{\ell_{io} + \beta V_t t_{tot}^2} = \frac{10 \cdot 6 \cdot 1 \cdot 0,5 \cdot 20 \cdot 12}{12 + 0,5 \cdot 20 \cdot 0,4} = 450 \text{ ткм}$$

3 ҳолат $t_{tot} = 0,6$ соатга тенг.

$$Q_k = \frac{T_i q_h \gamma_c \beta V_t}{\ell_{io} + \beta V_t t_{tot}^3} = \frac{10 \cdot 6 \cdot 1 \cdot 0,5 \cdot 20}{12 + 0,5 \cdot 20 \cdot 0,6} = 33,3 \text{ тонна}$$

$$P_k = \frac{T_i q_h \gamma_c \beta V_t \ell_{io}}{\ell_{io} + \beta V_t t_{tot}^3} = \frac{10 \cdot 6 \cdot 1 \cdot 0,5 \cdot 20 \cdot 12}{12 + 0,5 \cdot 20 \cdot 0,6} = 400 \text{ ткм}$$

Юқоридаги ҳисобларга кўра юклаш-тушириш вақти ошиши билан харакатланувчи таркибнинг иш унумдорлиги камая борган. Бу натижаларни график ҳолатида тасвирласак, куйидаги кўринишда бўлади:



4.1-расм. Айрим техник-эксплуатацион күрсаткычларнинг ҳаракатланувчи таркиб унумдорлигига тәсиси.

Билімларни текшерүү дастури

62. Техник эксплуатацион күрсаткычлар нима мақсадда ўрнатылади?
1. Автомобил транспорти ишини режалаштириш ҳисобини юритиш ва таҳдил қылғып борыш учун
 2. Автомобил транспорти ишиңнинг ҳисобини юритиш учун
 3. Автомобил транспорти ишини режалаштириш учун
 4. Ҳаракатланувчи қысмлардан самарали фойдаланыш учун
 5. Ҳаракатланувчи қысм унумдорлигини анықлаш учун
63. Юк күтәрүчанылкыдан фойдаланыш коэффициенти нимани ҳарактерлайдиган күрсаткыч?
1. Ҳаракатланувчи қысмнинг ишлатыш даражасини
 2. Ҳаракатланувчи қысмнинг натижавий ишини
 3. Юк түркүмүни
 4. Автомобилнинг юк күтәрүчанлыгини
 5. Юклаш-тушириши вактини анықлаш учун
64. Юк ташыш ҳажми ва юк айланышы нимани ифодалайды?
1. Ҳаракатланувчи таркибнинг натижавий ишини
 2. Ҳаракатланувчи таркибнинг ишлатыш даражасини
 3. Юк оқымини
 4. Автокорхонанинг құвватини
 5. Юк ҳажмини
65. Ҳаракатланувчи таркиб умумий (инвентар) парки ўз ичига нималарни олади?
1. Автотранспорт парки ҳисобида бүлған барча автомобил, тягач, тиркама ва ярим тиркамаларни
 2. Автомобил ва иншоотларни

3. Бинолар ичидә таъмирланаётган автомобилларни

4. Йўналиида ишлайдиган автомобилларни

5. Тиркама ва ярим тиркамаларни

66. *Ҳаркаталанувчи таркиб техник тайёргарлиги нима билан белгиланади?*

1. Юк ташиида ишлатилиши мумкин бўлган ва автомобиллар, тягачлар, тиркама ва ярим тиркамалар сони билан

2. Тиркама ва автомобиллар сони билан

3. Автомобил ва тягач сони билан

4. Бортли ва автомобиллар сони билан

5. Ағдарма автомобиллар ва тиркамалар билан

67. *Техник тайёргарлик коэффициентини ошириши қандай тадбирларни амалга ошириши натижасида ўстирилади?*

1. Техник хизмат ва таъмирлаш ишларини ўз вақтида сифатли ўтказиш

2. Таъмирлашда илгор агрегат услубини қўллаш

3. Смена оралиғида 2-сонли техник хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ва ҳаракатланувчи қисмлардан техник эксплуатация қилиш қоидаларига амал қилиб фойдаланиш

4. Ҳайдовчиларнинг уларга беркитилган ҳаракатланувчи қисмларга муносабатини яхшилаш

5. Техник хизмат кўрсатишни яхшилаш, илгор усуllibардан фойдаланиш, эксплуатация қилиш қоидаларига риоя қилиш

68. *Номинал юк кўтарувчанилик қандай хусусиятларга қараб белгиланади?*

1. Ҳаракатланувчи таркиби ишлаб чиқарган завод томонидан конструктив ва мустаҳкамлик хусусиятига

2. Мустаҳкамлик

3. Конструктив тузилишига

4. Максимал юк кўтарувчанилигига

5. Автомобил русумига

69. *Юк кўтарувчаниликдан фойдаланиши статик ва динамик коэффициентлари қайси ҳолатларда тенг бўлади?*

1. Агарда ҳар қатновда бир хил юк миқдори ташилса

2. Агарда ҳар қатновда юк бир хил масофага ташилса

3. Агарда ҳар қатновда бир хил юк миқдори ташилса ва юк бир хил масофага ташилса

4. Агарда ҳар қатновда юк ҳар хил масофага ташилса

70. *Ҳаракатланувчи таркиб юк кўтарувчанилигидан фойдаланиши коэффициентини ошириш учун қандай тадбирларни қўллаш керак?*

1. Тиркамадан фойдаланиш

2. Пакет усулида ташиишни ташкил қилиш

3. Контейнер ва тагликлардан фойдаланиш

4. Кузов ҳажмини ошириш

5. Тиркамадан фойдаланиш, пакет усулида ташиш, кузов ҳажмини ошириш

71. *Бир қатновда қатнов узуклигига қайси ҳолатларда тенг бўлади?*

1. Битта автомобилда ҳар хил юк миқдори бир хил масофага ташилса
 2. Битта автомобилда бир хил юк ҳар хил масофага ташилса
 3. Битта автомобилда ҳар хил юк миқдори бир хил масофага ташилса ва бир хил юк ҳар хил масофага ташилса
 4. Битта автомобилда ҳар хил юк ҳар хил масофага ташилса
 5. Ҳар хил юк миқдори турли масофага ташилса
72. *Ҳаракатланувчи таркиб босиб ўтган масофасидан фойдаланиши даражасининг ошиши нимага олиб келади?*
1. Унумдорликнинг ошишига
 2. Таннархнинг камайишига
 3. Унумдорликнинг ошишига ва таннархнинг камайишига
 4. Ёқилғининг тежалишига
 5. Автомобиллардан самарали фойдаланишга
73. *Юклаш-тушириши вақти ўз ичига қандай вақтни олади?*
1. Юклаш-тушириши кутиш вақти
 2. Ҳаракатланувчи таркибни маневр қилиш
 3. Юклаш-тушириш ишларини бажариш
 4. Ҳужжатларни расмийлаштириш ва юклаш-тушириш ишларини бажариш вақти
 5. Юклаш, тушириш, кутиш ва маневр қилиш вақтларини кўрсатмайди
74. *Ўртacha техник тезлик нималарга боғлиқ бўлади?*
1. Ҳаракатланувчи қисмнинг техник ҳолатига, йўл ва об-ҳаво шароитига, ҳайдовчи малакасига, ҳаракат интенсивигига, динамик хусусиятларга
 2. Ҳаракатланувчи қисмнинг техник ҳолатига
 3. Йўл ва об-ҳаво шароитига
 4. Ҳайдовчилар малакаси ва динамик хусусиятларга
 5. Автомобилнинг динамик хусусиятларига
75. *Ўртacha эксплуатацион тезлик нимага боғлиқ бўлади?*
1. Юк ташиши масофасига
 2. Техник тезликка
 3. Йўналишда ҳар хил сабабларга кўра тўхтаб турган вақтларга
 4. Техник тезликка, юклаш-тушириш вақтига, юк ташиши масофасига, йўналишда ҳар хил сабабларга кўра тўхтаб турган вақтларга
 5. Юклаб-тушириш вақтига
76. *Иш вақти ҳаракатланувчи таркиб унумдорлигига қандай таъсир кўрсатади?*
1. Тўғри
 2. Тескари
 3. Таъсир кўрсатмайди
 4. Тўғри ва тескари
 5. Тўғри, тескари, таъсир кўрсатмайди
77. *Юклаш-тушириши вақти ҳаракатланувчи қисм унумдорлигига қандай таъсир кўрсатади?*
1. Тўғри

2. Тескари
3. Таъсир кўрсатмайди
4. Тўғри ва тескари
5. Тўғри, тескари, таъсир кўрсатмайди
78. Масофадан фойдаланиш, коэффициентининг энг катта қиймати нечага тенг?
1. 0.8
 2. 0,7
 3. 1
 4. 0.5
 5. 2
79. Қатнов нечта тугалланган циклдан ташкил топади?
1. 2 та
 2. 3 та
 3. 4 та
 4. 5 та
 5. 6 та
80. Қатнов вақти қайси вақтларни ўз ишга олади?
1. Юклаш вақти
 2. Юк билан юриш вақти
 3. Юксиз юриш вақти
 4. Юклаш, юк билан юриш, юк тушириш, юксиз юриш вақтларини
 5. Маневр қилиш ва юкланиш вақтларини
81. АТКда ишга чиқкан автомобиллар сони қандай усулда бўлади?
- Агар Ар-2 50 а = 0.88 бўлганда
1. 30 дона
 2. 28 дона
 3. 12 дона
 4. 220 дона
 5. 40 дона
82. Агар ум= 225 км, Тҳар= 9 соат бўлса, ўртача техник тезлик аниқлансин.
1. 22.5 км/с
 2. 20 км/с
 3. 25 км/с
 4. 10 км/с
 5. 50 км/с
83. Автомобил масофалари нечтага бўлинади?
1. 4 га
 2. 2 га
 3. 3 га
 4. 5 га
 5. 6 га

5-б ў ли м

Ҳаракатланувчи таркибнинг ишини ташкил қилиш

5.1. ЙЎНАЛИШ ТУРЛАРИ

Ҳаракатланувчи таркибнинг йўналиши деб максимал унумдорлик ҳосил қилиб юк пунктлари орасида рационал ҳаракат тизимига айтилади.



Йўналишлар тавсифи юк жўнатувчи ва қабул қилувчи пунктларнинг жойлашишига ва ташиладиган юк партияси ҳажмига, автотранспорт корхоналарининг жойлашишига ва шу кабиларга боғлиқ бўлади.

Ҳаракатланувчи таркибнинг йўналиш ҳаракати маятник ва ҳалқасимон йўналишларда амалга оширилайди.

Йўналиш узунлиги деб, ҳаракатланувчи таркибнинг йўналишида бошлангич пунктидан охирги пунктгача босиб ўтадиган масофасига айтилади.

Маятник йўналишда юк ташиш бир трассада жойлашган юк пунктлари орасида бажарилади. Маятник йўналишлар уч хил турга бўлинади:


1. Бир томонга юкли, қайтишда юксиз юриладиган йўналиш.



5.1-расм. Орқа томонга юксиз ва орқа томонга қисман юкли йўналишлар тасвири.

2. Бир томонга юк ташиладиган ва қайтишда үтилган масофанинг бир қисмигача юкли юриладиган йўналиш.

3. Иккала йўналишда ҳам юк ташиладиган йўналиш.



Бунда: —— юкли масофа

—→ юксиз масофа

~~~~~ юль масофа

-Автокорхона.

-юклаш пункти

-тушириш пункти.

5.2-расм. Иккала томонга ҳам юкли юриш йўналиши тасвири.


Ҳалқасимон йўналишлар юк ташинда ҳаракатланувчи таркибининг юксиз юриш масофасини камайтириш мақсадида ташкил қилинади. Ҳалқасимон йўналишда юк пунктлари бир трассада жойлашмайди. Ҳалқасимон йўналишларнинг уч хил тури бўлиб, улар қўйидагилардир:

1. Оддий ҳалқасимон йўналиш.


2. Йиғувчи ҳалқасимон йўналиш.

3. Тарқатувчи ҳалқасимон йўналиш.

Оддий ҳалқасимон йўналишлар йирик партияли юклар ташилганда, юксиз юриш масофасини камайтириш мақсадида кўлланилади.



5.3-расм. Оддий ҳалқасимон йўналиш тасвири.



5.4-расм. Йиғувчи ҳалқасимон йўналиш тасвири ва юк оқими эпкораси.

Йигувчи ва тарқатувчи ҳалқасимон йұналишлардан майда партиядаги юкларни ташишда құлланилади. Масалан, почта юкларини ва савдо-сотик дүконларига товарларни ташиш бунга мисол бўлади.

Айрим ҳолатларда бир йұналишда йигиши тарқатиши жараёнлари бир вақтда бажарилиши мумкин. Бундай йұналиш йигувчи-тарқатувчи ҳалқасимон йұналиш дейилади.

## 5.2. ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБ ТИПИНИ ТАНЛАШ

Ҳаракатланувчи таркиб типини танлаш йұналишда ишлеш учун бир неча хил автотранспорт воситаларидан энг мақсадга мувоғигини аниқлаш демакдир.

Ҳаракатланувчи таркиб куйидаги хусусиятларга қараб танланади:

1. Ташилаёттан юкнинг хусусиятига.
2. Йўл ва иқлим шароитларига.
3. Юклаш-тушириш механизмининг тури ва кувватига.
4. Ташиш таннархига.
5. Ҳаракатланувчи таркиблар иш унумдорлигига.

Баъзи ҳолларда ҳаракатланувчи таркиб тури танлашаёттан ҳаракатланувчи таркиблар унумдорликлари бир хил бўладиган масофага қараб ҳам танланади (Лут) Масалан, бортли ва автомобил-тягач танлашда, агарда  $Lut < L_{ку}$  бўлса, бортли автомобил агарда  $Lut > L_{ку}$  бўлса автомобил-тягач танланади ёки ағдарма автомобил билан бортли автомобилдан бирини юк ташишда танлаш учун, агарда  $Lut > L_{ку}$  бўлса, ағдарма автомобилни, агарда  $Lut < L_{ку}$  бўлса, бортли автомобилни танлаш керак.

Бу услубда танлашни график кўринишда куйидагича тасвирлаш мумкин (5.5-расм).

Унумдорлиги тенг бўлган (Лут) масофани аниқлаш учун, масалан, ағдарма автомобил билан бортли автомобил мисолида бир соатдаги унумдорликни аниқлаш формуласидан фойдаланамиз.



5.5-расм. Ҳаракатланувчи таркиби танлаш графиги.

$$Q_{cb} = \frac{q_0 \gamma_c \beta V_t}{\ell_{10} + \beta V_t t_{tot}} ; \text{ тонна}$$

$$Q_{ca} = \frac{(q_0 - \Delta q) \gamma_c \beta V_t}{\ell_{10} + \beta V_t (t_{tot} - \Delta t)} ; \text{ тонна}$$

Бунда: —  $\Delta q$  ағдарма автомобилда юк күтариш қоби-лиятининг йўқотилиши, тонна;

$\Delta t$  — ағдарма автомобилда юклаш-тушириш вақтидан ютиш, соат.

Агарда  $\ell_{ky} = l_{yt}$  бўлса,  $Q_{cb} = Q_{ca}$  бўлади.

Унда биз тенгликни ҳисоблаш ишларини бажариб, куйидаги натижавий формулани ҳосил қиласиз:

$$\ell_{yt} = \beta V_t \left( q_0 \frac{\Delta t}{\Delta q} - t_{tot} \right) ; \text{ тонна}$$

Масалан, куйидаги маълумотлар асосида зарур автомобил типини танлаш керак.

Берилган:  $\ell_{ky}=18$  км;  $q_0=4$  тонна;  $q_a=3,5$  тонна,  $t_{tot}=0,7$  соат,  $t_{tot}=0,2$  соат,  $b=0,5$ ,  $V_t=20$  км/соат.

Ечими:

1. Ағдарма автомобилда юк кўтарувчаникнинг йўқотилиши:

$$\Delta q = q_0 - q_a = 4 - 0,5 = 0,5 \text{ тонна}$$

2. Ағдарма автомобилда юклаш-тушириш вақтидан ютиш:

$$\Delta t = t_{tot}^b - t_{tot}^a = 0,7 - 0,2 = 0,5 \text{ соат}$$

3. Унумдорлиги тенг масофани аниқлаймиз:

$$\ell_{yt} = \beta V_t \left( q_0 \frac{\Delta t}{\Delta q} - t_{tot}^b \right) = 0,5 \cdot 20 \left( 4 \cdot \frac{0,2}{0,5} - 0,7 \right) = 33 \text{ км}$$

Демак,  $\ell_{yt} = 33$  кмга  $\ell_{ky} = 18$  км га тенг.

Бу мисолда  $\ell_{yt} > \ell_{ky}$ , шунинг учун биз ағдармали автомобилни танлаймиз.

### 5.3. ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБ ИШИННИ ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАРДА ҲИСОБЛАШ

#### 5.3.1. Бир томонга юкли, қайтишда юксиз юриладиган майтник йўналишларда ҳаракатланувчи таркиб ишини ифодаловчи техник-эксплуатациоң кўрсаткичларни аниқлаш



5.6-расм.

Юк ташиш тасвири:

Ҳисоблаш учун керакли маълумотлар:  $l_{H_1}=4$  км,  $l_{H_2}=8$  км,  $l_{K_y}=10$  км.

Орежа = 30000 т, ташиш муддати Кт=30 кун, юклар ЗИЛ -130 автомобилида ташлади.  $V_t = 20$  км/соат, тют = 0.8 соат,  $g_c = 1,0$ ,  $T_i = 14$  соат,  $b_k = 0,5$

1. Қатнов вақтини аниқлаймиз:

$$T_k = \frac{l_{K_y}}{\beta_k V_t} + t_{\text{ют}} = \frac{l_{K_y}}{\beta V_t} + t_{\text{ют}} = \frac{10}{0,5 \cdot 20} + 0,3 = 1,8 \text{ соат.}$$

Бунда:  $l_{K_y} = l_{K.y}$

2. Йўналиш вақтини аниқлаймиз:

$$T_n = T_k - \frac{l_{H_1} + l_{H_2}}{V_t} = 14 - \frac{4+8}{20} = 14 - 0,6 = 13,4 \text{ соат}$$

3. Бир иш кунидаги қатновлар сонини аниқлаймиз:

$$n_k = \frac{T_n \beta V_t}{l_{K.y} + \beta V_t t_{\text{ют}}} = \frac{T_n}{t_k} = \frac{13,4}{1,8} = 7,44$$

Бу сонни яхлитлаймиз:  $n'k \approx 7$

4. Автомобилнинг йўналишдаги ва иш вақтидаги қатновлар сонини яхлитлаш орқали қайтадан аниқлаймиз:

$$T_i = t_k \cdot n_k = 1,8 \cdot 7 = 12,6, \text{ соат.}$$

$$T_n = T_i + \frac{l_{H_1} + l_{H_2}}{V_t} - \frac{l_k}{V_t} = 12,6 + \frac{4+8}{20} - \frac{10}{20} = 12,7 \text{ соат}$$

5. Бир кунлик ташилган юк ҳажми ва юк айланишини аниқлаймиз:

$$Q_k = q \cdot n \cdot \gamma_c \cdot \eta_k = 4 \cdot 1 \cdot 7 = 28 \text{ тонна.}$$

$$P_k = q \cdot n \cdot \gamma_c \cdot b \cdot l_{ky} \cdot n_k = Q_k \cdot l_{ky} = 28 \cdot 10 = 280 \text{ ткм.}$$

6. Ташиш режасини бажариш учун зарур автомобиллар сонини аниқтаймиз:

$$A_3 = \frac{\text{Орежа}}{K_t \cdot Q_k} = \frac{30000}{30,28} = 36 \text{ автомобил.}$$

7. Автомобилнинг суткада юриш масофасини аниқтаймиз:

$$\alpha_y = \frac{n_k l_{ky}}{\beta_k} - l_6 + (l_{H_1} + l_{H_2}) = \frac{7 \cdot 10}{0,5} - 10 + (4 + 8) = 142 \text{ км}$$

8. Иш кунида автомобилнинг масофадан фойдаланиш коэффициентини аниқтаймиз:

$$\beta = \frac{l_{10}}{l_y} = \frac{l_{ky} n_k}{l_y} = \frac{10 \cdot 7}{142} = 0,49$$

### 5.3.2. Иккала томонга ҳам юкли юриш йўналишинида ҳаракатланувчи таркиб ишни ифодаловчи техник-эксплуатацион кўрсаткичларни аниқлаш

Ҳисоблаш учун қуйидаги маълумотлар берилган:

$$L_{H_1} = L_{H_2} = 4 \text{ км}; \quad L_{ky} = 10 \text{ км}; \quad T_i = 14 \text{ соат.}$$

$$P_k = \eta' a q n (\gamma_c^{\text{AB}} \cdot \gamma_{ky}^{\text{AB}} + \gamma_c^{\text{BA}} \cdot \gamma_{ky}^{\text{BA}}) = 9 \cdot 8 (1 \cdot 10 + 1 \cdot 10) = 1440 \text{ ткм.}$$

Ташиш керак бўлган юк миқдори А пунктдан Б пунктга 20000 тонна, Б пунктдан А пунктта 20000 тонна; Б пунктдан А пунктта 20000 тонна;  $\gamma_c^{\text{AB}} = \gamma_c^{\text{BA}} = 1,0$ . Ташиш муддати  $K_t = 20$  кун, юклар МАЗ 5549 русумли ағдарма автомобилида ташпилади.  $V_t = 20 \text{ км/соат}, t_{tot}^A = 0,23 \text{ соат}, t_{tot}^B = 0,23 \text{ соат}, \beta = 1,0$



5.7-расм. Юк ташиш тасвирі.

1. Автомобилнинг айланиш вақтини аниқлаймиз:

$$t_a = \frac{2\ell_{ky}}{V_t} + t_{tot}^A + t_{tot}^B = \frac{2 \cdot 10}{20} + 0,23 + 0,23 = 1,46 \text{ соат}$$

2. Автомобилнинг маршрут вақтини аниқлаймиз:

$$T_a = T_u - \frac{\ell_{H1} + \ell_{H2}}{V_t} = 14 - \frac{4+4}{20} = 14 - 0,4 = 13,6 \text{ соат}$$

3. Бир иш кунидаги айланишлар сонини аниқлаймиз:

$$n_a = \frac{T_a}{t_a} = \frac{13,6}{1,46} = 9,32$$

Бу сонни яхлитлаймиз.  $n_a = 9$  айланиши  $n_k = 2$   $n_a = 2 \cdot 9 = 18$  қатнов, ёки қуидаги формула ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин:

$$n_k = \frac{T_a \beta V_t}{\ell_{ky} + \beta V_t t_{tot}^{A(B)}} = \frac{13,6 \cdot 1 \cdot 20}{10 + 1 \cdot 20 \cdot 0,23} = 17,89$$

Бу сонни яхлитлаймиз:  $n_k = 18$  қатнов.

$$n_a = \frac{n_k}{2} = \frac{18}{2} = 9 \text{ айланиш}$$

4. Автомобилнинг йўналишда ва иш вақтидаги қатновлар (айланишлар) сонини яхлитлаштириш орқали қайтадан аниқлаймиз:

$$T_a = T_u - \frac{\ell_{H1} + \ell_{H2}}{V_t} = 13,4 - \frac{4+4}{20} = 13,4 - 0,4 = 13,54 \text{ соат}$$

5. Бир кунлик ташилган юк ҳажми ва юк айланишини аниқлаймиз:

$$Q_k = n_a q_u (\gamma_c^{AB} + \gamma_c^{BA}) = 9 \cdot 8 (1+1) = 9 \cdot 8 \cdot 2 = 144 \text{ тонна}$$

6. Ташиш режасини бажариш учун зарур автомобиллар сонини аниқлаймиз:

$$A_3 = \frac{Q_{AB} + Q_{BA}}{K_t Q_k} = \frac{20000 + 20000}{20 \cdot 144} = 13,89 \approx 14 \text{ автомобил}$$

7. Автомобилнинг кеча-кундузда юриш масофасини аниқлаймиз:

$$O_y = n_a (\ell_{ky}^{AB} + \ell_{ky}^{BA}) + (\ell_{H_1} + \ell_{H_2}) = \\ = 9(10 + 10) + (4 + 4) = 188 \text{ км}$$

8. Иш кунида автомобилнинг масофадан фойдаланиш коэффициентини аниқлаймиз:

$$\beta = \frac{\ell_{yo}}{\ell_y} = \frac{n_a (\ell_{ky}^{AB} + \ell_{ky}^{BA})}{\ell_y} = \frac{9(10 + 10)}{188} = 0,957$$

### 5.3.3. Оддай халқасимон йўналишда ҳаракатланувчи таркиб ишини ифодаловчи техник эксплуатацион кўрсаткичларни аниқлаш

Ҳисоблаш учун қуйидаги маълумотлар берилган:  
 $q_n = 8 \text{т}$ , участка узунликлари:  $\ell_{AB} = 16 \text{км}$  :  $\ell_{BB} = 12 \text{км}$ :  
 $\ell_{VG} = 18 \text{км}$ ,  $\ell_{GD} = 19 \text{км}$ :  $\ell_{DA} = 10 \text{км}$  тўхтаб туриш вақтлари:  $T_{yo}^A = 24 \text{минут}$ ,  $t_t^B = 18 \text{ минут}$   $t_{yo}^B = 21 \text{ минут}$ ,  $t_t^D = 18 \text{ минут}$ ,  $t_{yo}^G = 15 \text{ минут}$ ,  $t_{yo}^A = 24 \text{ минут}$ . Юк кўтарувчаликдан фойдаланиш статик коэффициенти:  
 $\gamma_c^{AB} = 0,8$ ,  $\gamma_c^{VG} = 0,9$ ,  $\gamma_c^{GD} = 1,0$ ,  $V_t = 25 \text{ км / соат}$ ,  $\ell_{H_1} = 2 \text{ км}$ ,  $\ell_{H_2} = 6 \text{ км}$ ,  $T_u = 14 \text{ соат}$ .

Ташилиши керак бўлган юк миқдори:


А пунктдан Б пунктга —  
20000 т

В пунктдан Г пунктта —  
16000 т

Г пунктдан Д пунктта —  
30000 т

Ташиш муддати: Кт —  
100 кун

1. Автомобилнинг айланиш вақтини аниқлаймиз:



5.8-расм. Юк ташиш тасвири.

$$t_a = \frac{\ell_{AB}}{V_t} + \frac{\ell_{BB}}{V_t} + \frac{\ell_{VG}}{V_t} + \frac{\ell_{GD}}{V_t} + \frac{\ell_{DA}}{V_t} + t_{yo}^A + t_t^B + t_{yo}^B + t_t^D + t_{yo}^G + t_t^A = \\ = \frac{16}{25} + \frac{12}{25} + \frac{18}{25} + \frac{19}{25} + \frac{10}{25} + \frac{24+18+21+18+15+24}{60} = 5 \text{ соат}$$

2. Автомобилнинг йўналиш вақтини аниқлаймиз:

$$T_a = T_n - \frac{\ell_{n1} + \ell_{n2}}{V_r} = 14 - \frac{2+6}{25} = 14 - 0,32 = 13,68 \text{ соат}$$

3. Бир иш кунидаги айланишлар (қатновлар) сонини аниқлаймиз.

$$Na = \frac{T_a}{ta} = \frac{13,68}{5} = 2,74$$

Бу сонни яхлитлаймиз:

$$n'a = 3 \text{ айланиш}$$

$$n_k = mna = 3 \cdot 3 = 9 \text{ қатнов}$$

4. Автомобилнинг йўналишдаги иш вақти қатновлар сонини яхлитлаш сабабли қайтадан аниқлаймиз:

$$T' \bar{y} = ta n'a = 5 \cdot 3 = 15 \text{ соат}$$

$$T_n' = T_n + \frac{\ell_{n1} + \ell_{n2}}{V_r} - \frac{\ell_6}{V_r} = 15 + \frac{2+6}{25} - \frac{10}{25} = 14,92 \text{ соат}$$

5. Бир қунлик ташилган юк ҳажми ва юк айланишини аниқлаймиз:

$$Q_k = n_a^1 q_n (\gamma_c^{AB} + \gamma_c^{BR} + \gamma_c^{GD}) =$$

$$3 \cdot 8 (0,8 + 0,9 + 1) = 64,8 \text{ тонна.}$$

$$P_k = n_a^1 q_n (\gamma_c^{AB} l_{AB} + \gamma_c^{BR} l_{BR} + \gamma_c^{GD} l_{GD}) =$$

$$= 3 \cdot 8 (0,8 \cdot 16 + 0,9 \cdot 18 + 1 \cdot 19) = 1152 \text{ ткм.}$$

6. Ташиб режасини бажариш учун зарур автомобиллар сонини аниқлаймиз:

$$A_2 = \frac{Q_{AB} + Q_{BA} + Q_{GD}}{K_r Q_k} =$$

$$= \frac{20000 + 16000 + 30000}{100 \cdot 64,8} = 10,19 \approx 10 \text{ автомобил}$$

7. Автомобилнинг суткада юриш масофасини аниқлаймиз:

$$Ly = n_a^1 (\ell_{AB} + \ell_{BB} + \ell_{BR} + \ell_{GD} + \ell_{DA}) + (\ell_{n1} + \ell_{n2}) -$$

$$-\ell_B^A = 3(16+12+18+19+10) + (2+6) - 10 = \\ = 3 \cdot 75 + 8 - 10 = 225 + 8 - 10 = 223 \text{ км.}$$

8. Иш кунида автомобилнинг масофадан фойдаланиш коэффициентини аниқлаймиз:


$$\beta = \frac{\ell_{\text{yo}}}{\ell_y} = \frac{n_a(\ell_{AB} + \ell_{BG} + \ell_{GA})}{\ell_y} = \frac{3(16+18+19)}{223} = \frac{159}{223} = 0,713.$$

#### 5.3.4. Тарқатувчи халқасимон йўналишида ҳаракатлашувчи таркиб ишини ифодаловчи техник-эксплуатацион кўрсаткичларни аниқлаш

Ҳисоблаш учун куйидаги маълумотлар берилган:  
 $q_H = 2$  тонна, участка узунлеклари:  $\ell_{AB} = 15$  км,  $\ell_{BB} = 8$  км,  $\ell_{BG} = 10$  км,  $\ell_{GA} = 7$  км. Бошлангич пунктда юк юклаш вақти 24 минут, пунктларнинг ҳар бирига кириш вақти 9 минут ва охирги пунктда юк тушириш вақти 18 минут.

Юк кўтарувчаникдан фойдаланиш статик коэффициенти:

$Y_{C^A}^{AB} = 1.0$ ,  $Y_{C^B}^{BB} = 0.75$ ,  $Y_{C^G}^{BG} = 0.4$ ,  $Y_t = 25$  км/соат,  $Q$  режа = 1200 тонна. Ташиб муддати  $K_t = 20$  кун.  $I_{H1} = 2$  км,  $I_{H2} = 4$  км,  $T_u = 12$  соат



5.9-расм.  
Юк ташиб тасвири

1. Автомобилнинг айланиш вақтини аниқлаймиз:

$$t_a = \frac{\ell_A}{V_t} + t_{\text{tot}} + t_k(P_k - 1) = \frac{\ell_{AB} + \ell_{BB} + \ell_{BG} + \ell_{GA}}{V_t} + \\ + t_{\text{tot}} + t_k(P_k - 1) = \\ = \frac{15+8+10+7}{25} + \frac{24+18}{60} + \frac{9(3-1)}{60} = 2,6 \text{ соат}$$

2. Автомобилнинг йўналиш вақтини аниқлаймиз:

$$T_H = T_u - \frac{\ell_{H1} + \ell_{H2}}{V_t} = 12 - \frac{2+4}{25} = 11,76 \text{ соат}$$

3. Бир иш кунидаги айланишлар ва қатновлар сонини аниқлаймиз:

$$n_a = \frac{T_a}{t_a} = \frac{11,76}{2,6} = 4,52$$

Бу сонни яхлитлаймиз:  $n_a^1 = 5$  қатнов

$$n' k = n_a^1 = 5 \text{ қатнов}$$

4. Автомобилнинг йўналишдаги иш вақти қатновлар сонини яхлитлаш сабабли қайтадан аниқлаймиз:

$$T_i = t_a n_a = 2,6 \cdot 5 = 13 \text{ соат}$$

$$T_u = T_a + \frac{\ell_{H1} + \ell_{H2}}{V_r} - \ell_{\Gamma A}^r = 13 + \frac{2+4}{25} - \frac{7}{25} = 12,96 \text{ соат}$$

5. Бир кунлик ташилган юк ҳажми ва юк айланишини аниқлаймиз:

$$Q = n' a q h Y_c = 5 \cdot 2 \cdot 1 = 10 \text{ тонна}$$

$$Pk = n_a q h (g c_1 A_B + g c_1 B_V + g c_1 V_G) = 5 \cdot 2 (1 \cdot 15 + 0,75 \cdot 8 + 0,4 \cdot 10) = 5 \cdot 2 \cdot 25 = 250 \text{ ткм}$$

6. Ташиб режасини бажариш учун зарур автомобиллар сонини аниқлаймиз:

$$A_a = \frac{Q \text{ режа}}{K_t Q_k} = \frac{1200}{20 \cdot 10} = 6 \text{ автомобил}$$

7. Автомобилнинг кеча-кундуз юриш масофасини аниқлаймиз:

$$L_y = n_a q h (l_{AB} + l_{BV} + l_{VG} + l_{\Gamma A}) + (l_{H1} + l_{H2}) - 16 = 5 (15 + 8 + 10 + 7) + (2 + 4) - 7 = 199 \text{ км}$$

8. Иш кунида автомобилнинг масофадан фойдланиш коэффициентини аниқлаймиз:

$$\beta = \frac{\ell_{io}}{\ell_y} = \frac{n_a (\ell_{AB} + \ell_{BV} + \ell_{VG})}{\ell_y} = \frac{5 (15 + 8 + 10)}{199} = 0,829$$

## **5.4. ШАТАККА ОЛУВЧИ ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБНИНГ ТИРКАМА ВА ЯРИМ ТИРКАМАЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА ҲАРАКАТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Доимий юк ташиш йўналишларида тягачларни тиркама ва ярим тиркамалар билан биргаликда ишлатиш натижасида унумдорлик ошади. Бунда тиркама ва ярим тиркамалар юклаш-тушириш жойларида тиркама ва ярим тиркамаларга юк олдиндан юклаб ёки тушириб кўйилади. Бунинг натижасида тягач пунктларида тиркама ёки ярим тиркама юк билан тўлдирилгунча ёки юк туширилгунча кутиб қолмайди. Масалан, юксиз тиркамалар (ярим тиркамалар) тягачдан ажратилиб, унинг ўрнига олдиндан юклangan тиркама (ярим тиркама) тиркалади. Бундай усулда юк ташишни маятник ва ҳалқасимон йўналишларда ташкил қилиш мумкин ва бунда ишлатиладиган тиркама (ярим тиркама)лар сони автомобиль тягачлар сонидан кўпроқ бўлади.

Юк ташишни ташкил қилиш тиркама ва ярим тиркамаларни юклashi-tushiiriш пунктларида тақиши, юклash ёки тушириш пунктларининг биттасига тақаш билан бажарилади.

Тиркама ва ярим тиркамалар юклash-tushiiriш пунктларида тақалганда автомобиль-тягач камидаги учта тиркама (ярим тиркама) билан ишлатилиши керак. Бунда бир тиркама (ярим тиркама) юклash пунктида, иккинчиси тушириш пунктида ва учинчиси тягач билан биргаликда ҳаракатда бўлади.

Бу ҳолда битта айланишда куйидаги жараёнлар бажарилади:

1. Юксиз ярим тиркамани ажратиш ва юкли ярим тиркамани тақаш.
2. Юклash пунктидан юкли ярим тиркама билан тушириш пункти томон ҳаракат қилиш.
3. Тушириш пунктида юкли ярим тиркамани ажратиш ва юксиз ярим тиркамани тақаш.

Айланиш вақти:

$t_{at} = t_{b.m.ajr} + t_{io.m.tak} + t_{io.m.xap} + t_{io.m.ajr} + t_{tm.xap}$ ; соат.

Бунда:  $t_{b.m.ajr}$  — бўш ярим тиркамани ажратиш вақти, соат;


$t_{b.m.tak}$  — юкли ярим тиркамани тақиши, соат;

тю.т.ажр — юкли ярим тиркама билан ҳаракатла-  
ниш вақти, соат;

тю.т.ажр — юкли ярим тиркамани ахратишиш вақти,  
соат;

тм.хар — бүш ярим тиркама билан ҳаракат вақти,  
соат.

Автомобил тягач учта айланишда түлиқ транспорт  
циклини бажаради, яъни учта ярим тиркама түлиқ иш-  
латилади.



5.10-расм. Автомобил -тягачнинг учта ярим тиркама билан бирга-  
лика ишининг график тасвири: I — биринчи ярим тиркама,  
II — иккинчи ярим тиркама, III — учинчи ярим тиркама

Юк ташишда автомобил-тягачлар билан биргаликда  
ишлаш учун зарур тиркама ва ярим тиркамалар сони  
куйидагича аникланади:

$$\text{П ум} = \text{П хар} + \text{П юкл} + \text{П туш};$$

$$\text{П хар} = \text{Ат бўлиши керак}.$$

Бунда: П хар — ҳаракатдаги ярим тиркамалар сони;

П юкл — юклаш пунктидаги ярим тиркамалар сони;

П туш — тушириш пунктидаги ярим тиркамалар  
сони.

Юк ташишни тиркамалар (ярим тиркамалар) ва ав-  
томобил тягачларни ўзаро кутиб қолиш вақтларини  
камайтириш учун, автомобил-тягачларнинг ҳаракат ин-  
тервалини юклаш (тушириш) пунктларининг ритмига  
тeng бўлишини таъминлаш керак.

Автомобил-тягачларнинг ҳаракат оралиғи:

$$J = \frac{tat}{At}$$

Юклаш (тушириш) пунктининг ритми:

$$R_{lo}(m) = \frac{t_{lo}(m) + t_{ma}}{\Pi_{lo}(m)}$$

Бунда:  $\Pi_{lo}(m)$  — юклаш (тушириш) пунктидаги ярим тиркамалар сони.

$t_{lo}(t)$  — юклаш(тушириш) вақти, соат;

$t_{ma}$  — ярим тиркамали тақиши-ажратиш вақти, соат;  
At — автомобиль-тягачлар сони.

Оддий маятник йұналишларда автомобиль -тягачлар айланиш вақти:

$$ta = \frac{2\ell_{ky}}{V_t} + 2t_{ra} = \frac{2\ell_{lo}}{V_t} + 2t_{ra} = \frac{2(\ell_{lo} + t_{ra})}{V_t}$$

Агарда:  $1 m = R_{lo}(m)$  бўлса,

$$\text{у ҳолда } \Pi_{lo(t)} = \frac{V_t At (t_{lo(t)} + t_{ra})}{2(\ell_{lo} + t_{ra} \cdot V_t)}$$

Умумий ярим тиркамалар сони:

$$\begin{aligned} P_{ym} &= \Pi_{xep} + \Pi_{okl} + \Pi_{tush} = At + \frac{V_t At (t_{lo(t)} + 2t_{ra})}{2(\ell_{lo} + t_{ra} \cdot V_t)} = \\ &= At + \left[ 1 + \frac{V_t At (t_{lo(t)} + 2t_{ra})}{2(\ell_{lo} + t_{ra} \cdot V_t)} \right] \end{aligned}$$

### Билимларни текшириш дастури

84. Оддий маятник йұналишда бир айланишда қанча қатнөв бажарылади?
1. Битта
  2. Иккита
  3. Битта ва ундан ортиқ
  4. Учта
  5. Учта ва ундан ортиқ
85. Орқага тұлуқ юкли ва қисман юкли маятник йұналишларда битта айланишда қанча қатнөв бажарылади?
1. Битта
  2. Иккита
  3. Учта

4. Иккита ва ундан ортиқ  
5. Тұртта
86. *Халқасимон йұналишда битта айланишда қанча қатнөв базарила-ди?*
1. Битта
  2. Иккита
  3. Учта
  4. Иккита ва ундан ортиқ
  5. Тұртта
87. *Халқасимон йұналишлар қандай турларга бүлинади?*
1. Оддий
  2. Йигувчи ва тарқатувчи
  3. Оддий, йигувчи ва тарқатувчи
  4. Тарқатувчи маятник
  5. Оддий маятник
88. *Орқага тұлық юкли маятник йұналишда битта айланишда масо-фадан фойдаланыш көзғиценти нечага теңг бўлади?*
1. 1,0
  2. 0,8
  3. 0,5
  4. 0,5-1,0
  5. 0,5-0,8
89. *Ҳаракатланувчи қисм қандай хусусиятларга қараб белгиланади?*
1. Ташилаёттан юкнинг хусусиятига
  2. Йўл ва иқлим шароитларига
  3. Юклаш-тушириш механизмларининг турига ва қувватига
  4. Ташиби таннархига, ҳаракатланувчи қисм иш унумдорлигига
  5. Юкнинг хусусиятига, йўл ва иқлим шароитига, ташиби тан-нархига
90. *Ҳаракатланувчи қисмнинг йұналишидаги ҳаракати қандай марш-рутларда амалга оширилади?*
1. Маятник ва халқасимон
  2. Маятник
  3. Халқасимон
  4. Орқага юксиз маятник йұналиши
  5. Икки томонлама юкли маятник йұналиши
91. *Маятник йұналишлар қандай турларга бүлинади?*
1. Орқага юксиз, орқага қисман юкли ва орқага тұлық маятник машрути
  2. Орқага юксиз, тарқатувчи ва йигувчи
  3. Орқага қисман юкли ва тұлық юкли маятник йұналиши
  4. Халқасимон орқага юксиз маятник йұналиши
  5. Йигувчи, тарқатувчи
92. *Маятник йұналишлар неча хил турға ажратиласы?*
1. 2 хил турға
  2. 4 хил турға
  3. 3 хил турға
  4. 5 хил турға

5. 6 хил турға
93. Орқага юксиз мөлтнек шүналишида битта айланышда масофадан фойдаланиш көзфициенти нечага тенг бўлади?
- 1.0
  - 2.0.8
  3. 0.5-1.0
  4. 0.5
  5. 0.7
94. Автомобил тягачлар юклаш-тушириш пунктларида нечта тиркана ма ва ярим тиркамалар билан ишлатилиши керак?
- 1 та
  2. 2 та
  3. 3 та
  4. бир ёки иккита
  5. 4 та
95. Ағдарма автомобиллар учун бир тонна юкни юклаш ва тушириш мөбёрий вақти қанча (каръердан)?
1. 0.5 минут
  2. 1 минут
  3. 2 минут
  4. 3 минут
  5. 2.5 минут
96. Юклаш-тушириш ишлари қўлда бажарилганда мөбёр вақти неча фоизга ошади?
1. 20 %
  2. 30 %
  3. 40 %
  4. 50 %
  5. 15 %
97. Юк ташиби шартномаси нечта бўлимдан иборат?
- 1 бўлимдан
  2. 2 бўлимдан
  3. 4 бўлимдан
  4. 5 бўлимдан
  5. 8 бўлимдан
98. Автомобиллар линияга нечта хил усулда чиқарилади?
1. Коллонна усули
  2. Гурӯҳ
  3. Кетма-кет
  4. Колонна, гурӯҳ, кетма-кет усулда
  5. Коллона ва арагаш
99. Ҳайдовчиларнинг бир ҳафтадаги ўртacha иш вақти неча соатдан ошмаслиги керак?
1. 50 соатдан
  2. 55 соатдан
  3. 41 соатдан
  4. 45 соатдан
  5. 32 соатдан

*100. Ҳайдовчилар меҳнатини ташкил қилишининг қандай шаклари мавжуд?*

1. Битталанган
2. Иккиталанган
3. Бир яримталанган
4. Битталанган, бир яримталанган, иккиталанган, икки яримталанган, учталанган
5. Битталанган ва иккиталанган

## **6-б ў ли м**

### **Автомобилларда юк ташишни режалаштиришда иқтисодий-математик усуллар ва ЭҲМнинг кўлланилишни**

#### **6.1. ЮК ТАШИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА ИҚТИСОДИЙ-МАТЕМАТИК УСУЛЛАР ВА ЭҲМ КЎЛЛANIЛИШИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

Юк ташишни ташкил қилишда иқтисодий-математик усуллар ва ЭҲМни кўллаш асосий ўрин туради.

Иқтисодий-математик усуллар ва ЭҲМни кўллашда транспорт масалаларининг оптимал вариантлари ечилиб, меҳнат харажатлари камайиши, сифат кўрсаткичларининг ошиши ва иқтисодий самарадорликнинг маълум даражага юксалиши аниқланади. Иқтисодий-математик усуллар ва ЭҲМни кўллаш натижасида майда автотранспорт корхоналарининг йириклишувига, марказлашган ташишларнинг жорий этилишига эришилади.

Автомобил транспортида иқтисодий-математик усуллар ва ЭҲМни кўллаш 1960 йиллардан бошланиб, ҳозирги кунда қуйидаги масалаларни ечиш кенг тарқалган:

1. Тонна-километрдаги транспорт ишини камайтириш мақсадида юк жўнатувчиларни юк қабул қилувчилар билан беркитиш.

2. Нол масофаларини камайтириш мақсадида авто-транспорт корхоналарига буортмачи ташкилотларни беркитиш.

3. Юксиз юриш масофасини камайтириш ҳисобига ялпи юк ташишда рационал юк ташиш йўналишларини режалаштириш.

4. Умумий юриш масофасини камайтириш учун кичик ҳажмдаги юкларни ташища тарқатувчи ва йигузчи оптимал йұналишларни режалаشتариш.

5. Юклаш-тушириш ва кутиш вақтларини камайтириш учун ҳаракатланувчи таркиб ва юклаш-тушириш механизмларини йұналишларга тақсимлаш.

6. Умумий масофани камайтириш учун курилишда соат графиги асосида смена-сутка юк ташиш режаси-ни ҳисоблаш.

7. Умумий масофани камайтириш учун қысқа масо-фани ва йұналиш вақтини аниклаш.

Юк ташишни режалаشتариш масалалари ҳисобла-рини құлда ва электрон ҳисоблаш машиналаридан ба-жариш мүмкін. Электрон ҳисоблаш машиналари ёрда-мида күп мәннен талаб қыладиган ёки одам умуман еча олмайдиган мураккаб масалалар ечилади.

Йұналишлаштириш ва юк ташишни режалаشتити-риша чизиқли дастурлаш усули көнг құлланилади. Бу усулдан фойдаланыб, күйидеги асосий масалалар ечи-лади:

1. Оптимал қатновлар сонини аниклаш.

2. Мавжуд ҳаракатланувчи таркиб ва юклаш-туши-риш механизмларидан фойдаланиш оптимал вариан-тини аниклаш.

3. Бир хил турдаги юкларни қабул қилувчиларни жүнатувчилар билан энг қысқа ўртача ташиш масофа-сига қараб беркитиш оптимал вариантини аниклаш.

4. Автотранспорт корхоналарининг буюртмачи таш-килотлар билан энг қысқа нүл масофага қараб берки-тиш.

5. Ҳаракатланувчи таркибни энг қысқа юксиз юриш масофасига қараб ишлаш йұналишларини белгилаш.

Чизиқли дастурлаш масалаларини ечиш график ва варианtlарни яхшилаш усуллари ёрдамида ечилади.

## 6.2. ЮК ЖҮНАТУВЧИ ВА ЮК ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИЛАРНИ ОПТИМАЛ БЕРКИТИШ УСУЛИ

Юкларни ташиш ҳақи синфи ва ташиш масофасига қараб белгиланади. Бир хил турдаги юклар ташилаёт-ган бўлса, ташиш ҳақи факат ташиш масофасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун, энг қысқа ўртача ташиш масофасига қараб бир хил турдаги юкларни қабул

қилувчи ташкилотларни юк жүнатувчи ташкилотлар билан беркитиш оптималь вариантини анықлаш мүхим ўрин тутади.

Бундай масала вариантларни бора-бора яхшилаш усулидан фойдаланиб ечилади. Масаланы ечишни күйидаги мисолда күриб чиқамиз. Керакли маълумотларни 6 ва 7-жадваллардан оламиз.

**6-жадвал**

**Жүнатувчилардаги юк миқдори**

| Юк жүнатувчи   | Индекс | Юк тuri | Юк миқдори, тонна |
|----------------|--------|---------|-------------------|
| Кум карьери №1 | A1     | кум     | 300               |
| —» №2          | A2     | кум     | 200               |
| —» №3          | A3     | кум     | 500               |
| <b>Жами:</b>   |        |         | <b>1000</b>       |

**7-жадвал**

**Қабул қилувчиларниң юкка бўлган талаби**

| Юк қабул қилувчи   | Индекс | Юк тuri | Юк миқдори, тонна |
|--------------------|--------|---------|-------------------|
| № 1 қоришма тугуни | B1     | кум     | 300               |
| «Металчи» заводи   | B2     | —»—     | 100               |
| № 5 микрорайон     | B3     | —»—     | 300               |
| № 3 қоришма тугуни | B4     | —»—     | 200               |
| №6 қурилиш майдони | B5     | —»—     | 100               |

**8-жадвал**

**Юк жүнатувчилардан қабул қилувчиларгача бўлган масофа**

| Юк қабул қилувчи | Юк жүнатувчилар |                |                |
|------------------|-----------------|----------------|----------------|
|                  | A <sub>1</sub>  | A <sub>2</sub> | A <sub>3</sub> |
| B1               | 5               | 4              | 3              |
| B2               | 3               | 9              | 8              |
| B3               | 2               | 4              | 4              |
| B4               | 6               | 8              | 2              |
| B5               | 12              | 9              | 9              |

Жавдалдаги керакли маълумотлардан фойдаланиб, матрица тузамиз.

*Матрица деб, сонлар рақами тизими ифодаланган түгри бурчакли жадвалга айтилади.*

9-жадвал

| Юк қабул қилувчилар | Ёрдамчи коэффициент | Юк жўнатувчилар |                |                | Зарур юк миқдори |
|---------------------|---------------------|-----------------|----------------|----------------|------------------|
|                     |                     | A <sub>1</sub>  | A <sub>2</sub> | A <sub>3</sub> |                  |
| қатор устун         |                     |                 |                |                |                  |
| B1                  |                     |                 | 200            | 100            | 300              |
| B2                  |                     |                 |                | 100            | 100              |
| B3                  |                     | 300             |                |                | 300              |
| B4                  |                     |                 |                | 200            | 200              |
| B5                  |                     |                 |                | 100            | 100              |
| Юк миқдори          |                     | 300             | 200            | 500            | 1000             |

*Матрицада юк миқдорлари жойлашган катаклар юкли катаклар деб, бўш катаклар юксиз катаклар деб айтилади.*

Матрицани ечишда 5 та қоидага амал қилинади ва юк жўнатувчиларни қабул қилувчи ташкилотлар билан оптимал беркитиш варианти аниқланади.

*1-қоида.* Матрицада юкли катаклар сони 1 га teng бўлиши керак.

Бунда: m — қаторлар сони, n — устунлар сони.

Бизнинг мисолимизда  $m+n-1 = 5+3-1=7$  га teng.

Агарда  $m+n-1$  қийматидан юкли катаклар сони катта бўлса, масалани ечиб бўлмайди, юкларининг тақсимланиши янгидан қилиниши керак.

Агарда  $m+n-1$  дан кичик бўлса, юкли катаклар сонини 0 (нол) сонини киритиш билан масалани ечамиз.

Ёрдамчи коэффициентлар йигиндиси юкли катакдаги масофага teng бўлиши керак.

*2-қоида.* Ёрдамчи коэффициентлар аниқланганидан кейин матрица катакларини потенциалликка текширамиз.

*3-қоида.* Юксиз катакдаги масофадан ёрдамчи ко-

эффициентлар йиғиндиси катта бўлса, бундай катақка потенциалли катақ деб айтилади.

**4-қоидা.** Потенциалликни йўқотиш учун берк контур тузилади. Берк контур бурчаклари юкли катақларда жойлашади. (+) белгили катақдаги юк микдоридан силжитилган юк микдори айрилади ва (-) белгили юкли катақлардаги юк микдорларига кўшилади. Сўнгра қайтадан матрицада ёрдамчи коэффициентлар аниқланаби, потенциалликка текширилади.

**5-қоидা.** 0 (нол) юк микдорини энг оз микдорли устуннинг энг кичик масофали юксиз катагига жойлаштирилади. Бизнинг мисолимизда натижавий матрица кўринишни олади.

10-жадвал

| Юк қабул қилувчилар | Ёрдамчи коэффи. | Юк жўнатувчилар |                |                | Зарур юк микдори |
|---------------------|-----------------|-----------------|----------------|----------------|------------------|
|                     |                 | A <sub>1</sub>  | A <sub>2</sub> | A <sub>3</sub> |                  |
|                     |                 | қатор устун     | 2              | 4              | 3                |
| Б1                  | 0               |                 | 0              | 300            | 300              |
| Б2                  | 1               | 100             |                |                | 100              |
| Б3                  | 0               | 200             | 100            |                | 300              |
| Б4                  | -1              |                 |                | 200            | 200              |
| Б5                  | 5               |                 | 100            |                | 100              |
| Юк микдори          |                 | 300             | 200            | 500            | 1000             |

Оптималь вариантда ўртача ташиб масофаси 3.3 кмни, 1 ва 2-вариантларда 3.8 км, 3.4 кмни ташкил қиласи:

$$h_{my} = \frac{300 \cdot 3 + 100 \cdot 3 + 200 \cdot 2 + 100 \cdot 4 + 200 \cdot 2 + 100 \cdot 9}{300 + 100 + 200 + 100 + 200 + 100} = 3,3 \text{ км}$$

### 6.3. ҲАРАКАТ ҚИЛУВЧИ ТАРКИБНИНГ МИНИМАЛ ЮКСИЗ ЮРИШ МАСОФАСИГА ҚАРАБ РАЦИОНАЛ ҲАРАКАТ ЙЎНАЛИШИНИ АНИКЛАШ

*Масофадан фойдаланиш коэффициенти қиймати 0.5 дан катта бўлган йўналишлар рационал йўналишлар деб айтилади.*

Рационал юк ташиш йўналишларга чизикли дастурлашнинг транспорт алоқалари ва бирлаштирилган матрица услубидан фойдаланиб ишлаб чиқилади.

Бирлаштирилган матрица услуби асосига юк ташиш режаси олинади ва минимум юксиз юриш масофасига қараб юк ташиш режаси ўзгартирилмасдан масала ечилади.

Юк ташиш режаси юк жўнатувчилар ва қабул қилувчилар оралиғидаги масофасига қараб юк ташиш режаси ўзгартирилмасдан масала ечилади.

Юк ташиш режаси юк жўнатувчилар ва қабул қилувчилар оралиғидаги масофага қараб матрица тузилади. Сўнгра оптималь юк ташиш режаси ишлаб чиқилиб, дастлабки юк ташиш режаси билан бирлаштирилган матрица тузилади.

*II-жадвал*

*Дастлабки юк ташиш режаси кўрсатилган матрица*

*I-матрица*

| Юк қабул қилувчилар | Ёрдамчи коэф. | Юк жўнатувчилар |                |                |                | Зарур юк миқдори |
|---------------------|---------------|-----------------|----------------|----------------|----------------|------------------|
|                     |               | A <sub>1</sub>  | A <sub>2</sub> | A <sub>3</sub> | A <sub>4</sub> |                  |
| қатор устун         |               |                 |                |                |                |                  |
| Б1                  |               | 140             |                |                |                | 140              |
| Б2                  |               |                 | 80             |                | 120            | 200              |
| Б3                  |               |                 |                | 220            |                | 220              |
| Б4                  |               |                 | 60             |                |                | 60               |
| Б5                  |               | 40              |                |                |                | 40               |
| Б6                  |               |                 |                |                | 80             | 80               |
| Юк миқдори          |               | 180             | 140            | 220            | 200            | 740              |

Юқорида күрсатыб ўтилган услубдан фойдаланиб, оптимал юк ташиш режасини анықтаймиз.

12-жадвал

Оптимал юк ташиш режаси күрсатылған матрица

2-матрица

| Юк қабул қылувчилар | Ёрдамчи коэффиц. | Юк жұнатувчилар |                |                |                | Зарур юк миқдори |
|---------------------|------------------|-----------------|----------------|----------------|----------------|------------------|
|                     |                  | A <sub>1</sub>  | A <sub>2</sub> | A <sub>3</sub> | A <sub>4</sub> |                  |
| қатор устун         | 8                | 3               | 10             | 15             |                |                  |
| Б1                  | 0                | 0               | 140            |                |                | 140              |
| Б2                  | -6               |                 |                | 200            |                | 200              |
| Б3                  | -3               | 180             |                |                | 40             | 220              |
| Б4                  | -11              |                 |                |                | 60             | 60               |
| Б5                  | 0                |                 |                | 20             | 20             | 40               |
| Б6                  | -4               |                 |                |                | 80             | 80               |
| Юк миқдори          |                  | 180             | 140            | 220            | 200            | 740              |

Масалан, ечиш учун 2-матрицанды 1 -матрица устига қўйиб, бирлаштирилған матрица ҳосил қиласиз. Бунда дастлабки юк ташиш режасидаги юкли катакларни айланага оламиз.

Агарда бирлаштирилған матрицаниң битта катагида айланали ва айланасиз сонлар жойлашса, у ҳолда оддий маятник йўналиши ҳосил бўлади.

## Бирлаштирилгай матрица

3-матрица

| Юк қабул қылувчилар | Ердамчи коэффициент | Юк жүнатувчилар |                |                |                | Зарур юк миқдори |
|---------------------|---------------------|-----------------|----------------|----------------|----------------|------------------|
|                     |                     | A <sub>1</sub>  | A <sub>2</sub> | A <sub>3</sub> | A <sub>4</sub> |                  |
| катор устун         | 8                   | 3               | 10             | 15             |                |                  |
| Б1                  | 0                   | 140             | 140            |                |                | 140              |
| Б2                  | -6                  |                 | 80             | 200            | 120            | 200              |
| Б3                  | -3                  | 180             |                | 220            | 40             | 220              |
| Б4                  | -11                 |                 | 60             |                | 60             | 60               |
| Б5                  | 0                   | 40              |                | 20             | 20             | 40               |
| Б6                  | -4                  |                 |                |                | 80             | 80               |
| Юк миқдори          |                     | 180             | 140            | 220            | 200            | 740              |

3-матрицада A<sub>4</sub>B<sub>6</sub> катагида ана шундай сонлар бор.  
Йұналиш шифри:

$$\begin{array}{l} A4B6 - 11 \text{ км} - 80 \text{ т} \\ B6 A4 - 11 \text{ км} \end{array}$$

---


$$Q \text{ режа} = 80 \text{ т}$$

Масофадан фойдаланиш коэффициенти:

$$\beta = \frac{11}{22} = 0,5$$

Бирлаштирилган матрицадан фойдаланилған сонлар олиб ташланади.

| Юк қабул<br>қылувчилар | Юк жүнатувчилар |                |                |                |
|------------------------|-----------------|----------------|----------------|----------------|
|                        | A <sub>1</sub>  | A <sub>2</sub> | A <sub>3</sub> | A <sub>4</sub> |
| Б1                     | 140             | 140            |                |                |
| Б2                     |                 | 80             | 200            | 120            |
| Б3                     | 180             |                | 220            | 40             |
| Б4                     |                 | 60             |                | 60             |
| Б5                     | 40              |                | 20             | 20             |
| Б6                     |                 |                |                |                |

Халқасимон йұналиш шифри:

А3Б3 - 15 км - 20 т

Б3 А1 - 5 км

А1Б5- 16 км - 20 т

Б5,А3 10 км

$$Q \text{ режа} = 40 \text{ т}$$

Масофадан фойдаланыш коэффициенти:

$$\beta = \frac{15+16}{15+5+16+10} = 0,675$$

| Юк қабул<br>қылувчилар | Юк жүнатувчилар |                |                |                |
|------------------------|-----------------|----------------|----------------|----------------|
|                        | A <sub>1</sub>  | A <sub>2</sub> | A <sub>3</sub> | A <sub>4</sub> |
| Б1                     | 140             | 140            |                |                |
| Б2                     |                 | 80             | 200            | 120            |
| Б3                     | 180             |                | 220            | 40             |
| Б4                     |                 | 60             |                | 60             |
| Б5                     | 20              |                |                | 20             |
| Б6                     |                 |                |                |                |

Халқасимон йүналиш шифри:

А3Б3 - 15 км - 40 т

Б3 А1 - 12 км

А1Б5 - 12 км - 40 т

Б5, А3 - 4 км

---

Q режа = 80 т

Масофадан фойдаланиш коэффициенти:

$$\beta = \frac{15+16}{15+5+16+10} = 0,63$$

16-жадвал

| Юк қабул<br>қилувчилар | Юк жұнатувчилар |                |                |                |
|------------------------|-----------------|----------------|----------------|----------------|
|                        | A <sub>1</sub>  | A <sub>2</sub> | A <sub>3</sub> | A <sub>4</sub> |
| Б1                     | 140             | 140            |                |                |
| Б2                     |                 | 80             | 160            | 80             |
| Б3                     | 160             |                | 160            |                |
| Б4                     |                 | 60             |                | 60             |
| Б5                     | 20              |                |                | 20             |
| Б6                     |                 |                |                |                |

Халқасимон йүналиш шифри:

А1 Б1 - 8 км - 80 т

Б1 А2 - 3 км

А2Б2 - 11 км - 80 т

Б2, А3 - 4 км

А3 Б3 - 8 км - 80 т

Б3 А1 - 3 км

---

Q режа = 240 т

Масофадан фойдаланиш коэффициенти:

$$\beta = \frac{8+11+15}{8+3+11+4+15+5} = 0,74$$

| Юк қабул<br>құлупчилар | Юк жүнатувчилар |                |                |                |
|------------------------|-----------------|----------------|----------------|----------------|
|                        | A <sub>1</sub>  | A <sub>2</sub> | A <sub>3</sub> | A <sub>4</sub> |
| Б1                     | 60              | 60             |                |                |
| Б2                     |                 |                | 80             | 80             |
| Б3                     | 80              |                | 80             |                |
| Б4                     |                 | 60             |                | 60             |
| Б5                     | 20              |                |                | 20             |
| Б6                     |                 |                |                |                |

Халқасимон йүналиш шифри:

А1 Б5 - 16 км - 20 т

Б5 А4 - 15 км

А4Б2- 12 км - 20 т

Б2,А3 4 км

А3 Б3 - 15 км - 20 т

Б3 А1 - 5 км

Q режа = 60 т

Масофадан фойдаланиш коэффициенти:

$$\beta = \frac{16+12+15}{16+15+12+4+15+5} = 0,64$$

| Юк қабул<br>құлупчилар | Юк жүнатувчилар |                |                |                |
|------------------------|-----------------|----------------|----------------|----------------|
|                        | A <sub>1</sub>  | A <sub>2</sub> | A <sub>3</sub> | A <sub>4</sub> |
| Б1                     | 60              | 60             |                |                |
| Б2                     |                 |                | 60             | 60             |
| Б3                     | 60              |                | 60             |                |
| Б4                     |                 | 60             |                | 60             |
| Б5                     |                 |                |                |                |
| Б6                     |                 |                |                |                |

Халқасимон йұналиш шифри:

- А1 Б1 - 8 км - 60 т
  - Б1 А2 - 3 км
  - А2Б4 - 11 км - 60 т
  - Б4,А4 - 4 км
  - А4 Б2 - 12 км - 60 т
  - Б2 А3 - 4 км
  - А3 Б3 - 15 км - 20 т
  - Б3 А1 - 5 км
- 

$$Q \text{ режа} = 240 \text{ т}$$

Масофадан фойдаланиш коэффициенті:

$$\beta = \frac{8+11+12}{8+3+11+4+15+4+15+5} = 0,74$$

### Билимларни текшириши дастуры

101. Автомобил транспортида иқтисодий-математик усуллар ва компьютерларни құллаш неchanчи шыдан бошланған?
1. 1960 йылдан
  2. 1964 йылдан
  3. 1980 йылдан
  4. 1990 йылдан
  5. 2000 йылдан
102. Чизиқлы дастурлаш масалалари қайси усуллар ердамида ечилади?
1. Графика
  2. Вариантларни яхшилаш
  3. Графика ва вариантыларни яхшилаш
  4. Математика
  5. Иқтисодий
103. Юкларни ташиш ҳақи нимага қараб белгиланади?
1. Юкнинг синфиға
  2. Ташиш масофасига
  3. Ҳаракатланувчи қысм турiga
  4. Юк синфи ва ташиш масофасига
  5. Ташиш ҳаражатларига
104. Бир хил түрда юклар ташилаётган бўлса, ташиш ҳақи нимага боелиқ бўлади?
1. Ташиш масофасига
  2. Ҳаракатланувчи қысм турiga
  3. Юк синфиға
  4. Юк синфи ва ташиш масофасига
  5. Ҳаракатланувчи қысм юк кўтарувчандигига

*105. Матрицада юкли катақлар сони нимага тенг бўлиши керак?*

1. Қаторлар ва устунлар сони йигиндисидан бир сонининг айрмасига
2. Қаторлар ва устунлар сони йигиндисидан икки сонининг айрмасига
3. Қаторлар ва устунлар сони йигиндисига
4. Қаторлар сонидан устунлар сони айрмасига
5. Устунлар сонига

*106. Потенциалли катак деб қандай катакка айтилади?*

1. Юксиз катакдаги масофадан ёрдамчи коэффициентлар йигиндиси кичик бўлса
2. Юксиз катакдаги масофадан ёрдамчи коэффициентлар йигиндиси катта бўлса
3. Ёрдамчи коэффициентлар йигиндиси 8 га тенг бўлса
4. Ёрдамчи коэффициентлар йигиндиси қаторлар сонидан катта бўлса
5. Ёрдамчи коэффициентлар йигиндиси қаторлар сонидан катта бўлса

*107. Қандай йўналишлар рационал йўналишлар деб аталади?*

1. Масофадан фойдаланиш коэффициенти 1 га тенг бўлса
2. Масофадан фойдаланиш коэффициенти 0.5 дан катта бўлганда
3. Масофадан фойдаланиш коэффициенти 0.99 га тенг бўлганда
4. Масофадан фойдаланиш коэффициенти 0.8 га тенг бўлганда
5. Масофадан фойдаланиш коэффициенти 0.6 га тенг бўлса

## 7-б ў л и м

### Юк ташинни ташкил қилиш ва тижорат ишлари

#### 7.1. ЮК ТАШИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ. БОШЛАНГИЧ ТОВАР-ТРАНСПОРТ ҲУЖЖАТЛАРИ

##### 7.1.1. Юк ташинни ташкил қилиш

Автомобил транспортида юк ташинни ташкил қилиш мураккаб жараёндир. Юк ташинни ташкил этиш олдиндан тузилган йиллик ва чорак режалари асосида амалга оширилади.

Юкларни ташинни ташкил қилиш ўз ичига ташинга тайёргарлик кўриш ва бажариш, ташинни бошқариш, назорат қилиш, ҳужжатларнинг айланишини, юк ташини ҳисоби ва ҳоказоларни олади.

Ташишни ташкил қилиш даражаси ташиш жараёни сифатига боғлиқ бўлади.

Автотранспорт корхоналари билан буюртмачи ташкилотлар ўртасида муносабатлар таъсир қилаётган асосий меъёрлаштирилган далолатномалар билан бошқарилиб борилади ва бу муносабатлар ташиш шартномасида акс эттирилади.

Юк ташишни ташкил қилиш қоидалари автомобил транспорти уставида белгиланади.

Ҳаракатланувчи таркибларнинг иши тонна ва тонна-километрда ҳисобланади. Айrim ҳолатларда ташишлар вақтбай тарифда ишловчи ҳаракатланувчи таркибларда бажарилади.

Юк ташишлар шартномага асосан буюртмалар бериш йўли билан ҳисоб йўл ва рақаси ва товар-транспорт хужжатларида юритилади. Амалда йўл ва рақасининг 4-и рақамли (ишбай); 4-в рақамли (вақтбай); 4-ш рақамли (шаҳарлараро) шаклларидан фойдаланилади.

Йўл ва рақаларининг 4-рақамли (ишбай), 4-в (вақтбай); 4-ш рақамли (шаҳарлараро) шаклларидан ташишлар ишбай ва вақтбай тарифларда бажарилганда, 4-ш(шаҳарлараро) шаклидан шаҳарлараро юк ташилганда қўлланилади.

Йўл ва рақаси товар-транспорт хужжати билан биргаликда ҳаракатланувчи таркиб ва ҳайдовчининг ишини, иш ҳақини, юк ташиш ҳисобларини аниқловчи бирламчи асосий хужжат бўлиб ҳисобланади.

Товар-транспорт хужжатига асосан юклар расмийлаштирилади. Баъзи ҳолларда товар характеристига эга бўлса, товар-транспорт хужжати 2 нусхада ёзилади. Бу хужжатнинг 1-нусхаси юк жўнатувчидаги қолади, 2-нусхасини ҳайдовчи юк қабул қилувчига топширади, 3-нусха автотранспорт корхонасида буюртмачи ташкилот билан ҳисоб-китоб қилишда асос сифатига қолади, 4-нусха ва бажарилган транспорт ишнинг ҳисоби маҳсус хужжатга расмийлаштирилиб, биргаликда буюртмачи ташкилотга қайтариб берилади.

Амалда товар-транспорт хужжатининг № 1-Т ва № 2-ТШ шаклларидан фойдаланилади. Товар-транспорт хужжатининг № 2 ТШ шакли юк автошохбекатлари томонидан шаҳарлараро юк ташишда қўлланилади.

Автомобил транспорти ишини ташкил қилиш тизимида ташиш ва бошқа ёрдамчи ишларни бажарувчи

барча бўлим ва бўлинма ишлари мувофиқлаштирилади.

Ташиб ишлари режага асосан ва бошқаришни ташкил этиш хужжатлари талаблари асосида бажарилиши лозим. Бошқаришни ташкил этиш хужжатлари автомобил транспорти корхоналари ва мижозлар орасидаги ўзаро муносабатларни белгилайди. Бундай хужжатлар қаторига Ўзбекистон автомобил транспорти Устави ва унинг иловалари, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари", "Автомобил транспорти корхонаси низоми", шаҳарлараро юк автомобиллари ҳаракат графиги, шаҳарлараро юк ташибини ташкил қилиш қоидалари ва бошқалар киради.

Автомобил транспорти корхонаси устави юк жўнатувчи ва юк қабул қилувчиларнинг ўзаро муносабатини белгиловчи хужжат бўлиб қуидаги бўлимлардан иборат:

1. Умумий қоидалар.
2. Корхонанинг мақсади ва вазифалари.
3. Корхонанинг мулки.
4. Хўжалик молиявий ижтимоий фаолияти, корхона фойдаси.
5. Корхона мустақиллиги.
6. Корхонани бошқариш.
7. Корхонани тутатиш ва қайта ташкил қилиш.

Автотранспорт корхоналарининг асосий мақсади: ҳалқ хўжалиги ва аҳолисининг автотранспорт хизматига бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида юқори савиядада тўла қондиришдан иборат. Бозор муносабатларидаги хизматлар маркетингига асосланиб ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболини белгилаш, ишловчиларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш, муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида замонавий техника воситалари билан таъминлаш керак.

### 7.1.2. Йўл варақаларини тўлдириш

Йўл варақаларининг реквизитларини тўлдириш ушбу кўрсатмаларга мувофиқ кетма-кет бажарилади ва ҳамма автотранспорт корхоналари ва хўжалик ташкилотлари учун уларнинг ташкилий-хукуқий шаклларидан қатъи назар мажбурийдир.

Автомобил қабул қилишни (чиқишида) ва топширишни (қайтишида) тасдиқловчи имзолардан ташқари ҳолларда ҳайдовчининг йўл варақасини тўлдиришда иштирок этишга рухсат этилмайди.

Йўл варақаларининг тўғри тўлдирилиши учун жавобгарликни автокорхоналар раҳбарлари, шунингдек, газ автомобилларини ишлатишга жавобгар ва ҳужжатни тўлдиришда иштирок этувчи шахслар ўз зиммаларига оладилар.

Йўл варақаси ҳайдовчига берилгунча автокорхона нозими ёки бунинг учун ваколатли шахс томонидан куйидаги тартибда тўлдириллади: йўл варақасининг олд томонида ҳужжатнинг номи тагида унинг берилган санаси (йил, ой, кун) ёзилади. Бу берилган йўл варақаси нозимлик журналида қайд этилган санага мос келиши керак.

“Иш тартиби” қаторида иш тартибининг коди ёки номи ёзилади (иш кунларида ишлаш, хизмат сафари, иш вақтни умумий ҳисоблаш, иш вақтни ҳар куни ҳисоблаш, дам олиш ёки байрам, шанбалик кунлари ишлаш, жадвал бўйича ёки жадвалдан ташқари ишлаш ва ҳоказо) ва шунга кўра ҳайдовчига иш ҳақи ёзилади.

“Жамланма, бригада “деган қатори таркибида автомобил ва ҳайдовчи бўлган жамланма ва бригада бўйича ҳайдовчи ва автомобилларнинг ишини ҳисобга олиш учун хизмат қиласиган жамланма ва бригадаларнинг рақамлари ёзилади.

“Автомобил” деган қаторига автомобилнинг давлат рақами ва русуми, шунингдек, автомобил ишини автоматлашган усулда ҳисобга олиш учун гараж рақами ёзилади.

“Ҳайдовчи” деган қаторига ушбу йўл варақаси бўйича ишлётган ҳайдовчининг шарифи, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, гувоҳномасининг рақами ва синфи ёзилади.

“Табел рақами” қаторида ҳайдовчининг автокорхонадаги рақами ёзилади.

“Тиркамалар” қаторига автомобил билан йўлга чиқариладиган тиркама ва ярим тиркамаларнинг русуми, давлат ва гараж рақамлари ёзилади. Бу қаторларга жойларда алмаштирилган тиркама ва ярим тиркамаларнинг рақамлари ҳам ёзилади.

“Кузатиб борувчи шахс” деган қаторга топшириқни бажариш учун автомобилни кузатиб борувчи шахслар (юкчи, экспедитор, стажер ва бошқалар)нинг шарифи, отаси исмининг бош ҳарфлари ёзилади.

“Ҳайдовчи ва автомобилнинг иши” бўлимида 2 ва 3-устунларга жадвал бўйича йўлга чиқадиган ва қайтадиган автомобилнинг чиқиш санаси (ой, кун) ва қайтиш вақти (соат ва дақиқа) ёзилади.

“Ҳайдовчига топшириқ бўлимида” Кимнинг ихтиёрига“ деган 16-устунга буюртмачининг талаби асосида автомобил топшириқларини бажариш учун кимнинг ихтиёрига борса ўша буюртмачининг номи ёзилади.

“Келиш вақти” деган 17-устунга шартнома шартлари бўйича автомобил буюртмачининг талаби ёки иш жадвалига кўра буюртмачига келиш вақти (соат, дақиқа) ёзилади.

“Юк қаердан олинади” деган 18-устунда ва “Юк қаерга олиб борилади” деган 19-устунда буюртмачиларнинг талаби ёки шартнома шартларига мувофиқ юк ортиш ва юк тушариш жойларининг манзили ёзилади.

“Юкнинг номи” деган 20-устунга буюртмачининг талабномасига асосан юкни бошқа автомобилга кўчириб оптиладиган ва автомобилни ташишга тайёрлаш (брезент, арқон, мустаҳкамлайдиган мосламалар ва ҳоказо) ва ҳайдовчига ахборот берадиган нарсаларнинг номлари ёзилади.

“Юк билан қатнов сони“ деган 21-устунга талабнома ёки бир марталик буюртма асосида топшириқни бажариш учун зарур бўлган юкли қатновнинг сони ёзилади.

“Масофа” деган 22-устунга масофалар жадвали, жойлар ёки харита бўйича масофаларни ўлчаш далолатномалари асосида юк ташиш жойлари орасидаги масофа ёзилади. Реквизитлар ҳайдовчига ахборот бериш, йўлда назорат қилиш ва талаб этиладиган ёнилги миқдори ва бошқа ҳисобларни белгилашта хизмат қиласи.

“Тонналарни ташиш” деган 23-устунга буюртмачига олиб бориш лозим бўлган юклар сони ёзилади.

“Ҳайдовчига топшириқ” бўлимида кўрсатилган топшириқни фақат автокорхона ўзгартириш хукуқига эга. Айрим ҳоллардаги буюртмачи “Айрим белгилар” деган

қатордаги ёзувларга мувофиқ топшириқни ўзгартириш мүмкін.

Йўл варақасининг олд томонидаги “Ёнилги берилсин” деган қаторига аввалги кундаги ишдан қолганини ҳисобга олиб, топшириққа мувофиқ беришта рухсат этилган. Ёқилғи миқдори сўз билан ёзилади.

“Нозимнинг имзоси” деган қаторга нозим, йўл варақасининг реквизетлари тўғри тўлдирилмаганлиги ва ҳайдовчининг гувоҳномаси борлигини ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Гараждан чиқиштагача йўл варақалари куйидаги тартибда тўлдирилади:

“Ёқилғи сарфлаш” бўлимида 7,9 - устунларидаги тегишли қаторларга ёқилғи қуовчи, ёқилғи мойлаш материаллари бўйича техник ёки бундай шахснинг вакили берилган ёқилғи (бензиннинг русуми ва суюлтирилган газнинг) миқдорини ёзиб боради.

Йўл варақасининг олд томонига тиббий ходим қатнов олдидан тиббий кўрик ўтказища ҳайдовчининг соғлиги ва уни автомобильни бошқаришга қўйиш имконияти ёзиб, имзо кўйиб тасдиқлайди.

“Ҳайдовчи ва автомобиль иши” бўлимида “Спидометр кўрсаткичи” деган 5-устунда назоратдан ўтказиш жойи ёки техника назорати бўлими автомобильни йўлга чиқариша спидометрнинг кўрсаткичини ёзиб боради. “Ҳақиқий вақти” деган 6-устунда штамп-соат билан автомобильнинг гараждан чиқсан ҳақиқий вақти куйилади. Штамп - соат бўлмаса ёки бузилса, вақт (кун, ой, соат, дақиқа) кўлда ёзилади. Сўнгра “Ёнилғи сарфи” бўлимидаги “Йўлга чиқишдаги қолдик” деган 10-устунда назоратдан ўтказиш жойи ёки техника назорати бўлими йўлга чиқишда автомобиль бакида қолган ёнилғи миқдорини ёзиб боради ва бу устунда барча ёзилганларнинг тўғрилигини имзо билан тасдиқлайди.

“Механикнинг имзоси” деган қаторда назоратдан ўтказиш жойи ва техника назорати бўлимининг механиги автомобильни техник томондан соз ҳолда ҳайдовчига топширилиши ва гараждан чиқишга рухсат берилгандигини имзо кўйиб тасдиқлайди. “Ҳайдовчининг имзоси” деган қаторга ҳайдовчи автомобильни техник томондан соз ҳолатда қабул қилгани ва ишлашга топшириқ олгандигини имзо кўйиб тасдиқлайди.

Йўл варакаси йўлда куйидагича тўлдирилади: 4-е рақамли “Топширикни бажариш тартиби” бўлимида юк жўнатувчи 24-устунга бажарилган ишнинг (қатнов) тартиб рақамларини ёзади.

“Товар-транспорт хужжатига илова қилинган рақамлари” деган 25-устунга юк жўнатувчи ушбу қатновга алоқадор бўлган барча товар-транспорт хужжатининг рақамлари ёзилади.

“Келиш вақти” деган 26-устунга ҳайдовчи йўл варакасини юк жўнатувчи ёки юк олувчига чиқиш дарвозаси олдида ёки назоратдан ўтказиш жойи, юк ортиш ёки юк тушириш жойи (темир йўл бекатидан ташқари) да тақдим этган вақти (соат ва дақиқа) ёзилади.

Чиқиш дарвозаси ёки назоратдан ўтказиш жойи бўлмаганда кўрсатилган устун тўлдирилмайди, юк ортиш ёки юк тушириш вақти товар-транспорт хужжати (ТТХ) да кўрсатилади.

“Имзо ва муҳр” деган 27-устунга юк олувчи йўл варакасига ёзилган реквизитларнинг тўғрилигини тасдиқлаб имзо қўяди ва муҳр босади.

“Автокорхона белгилари” деган 28-устундан АТК ва АЖ автомобил ва тиркама ишидаги қўшимча ҳисоблаш кўрсаткичларини ёзишда фойдаланиши мумкин.

“Йўлда туриб қолиш” бўлимида техник ёрдам кўрсатиш хизмати ходими ёки унинг вакили тегишли устунларда туриб қолиш куни, вақти, (число, ой, соат, дақиқа)нинг бошланиши ва тугашини ёзади, туриб қолиши сабабини имзо қўйиб, штамп босиб тасдиқлайди.

“Айрим белгилар” бўлимига йўл варакасида кўзда тутилмаган маълумотлар (давлат автомобил назорати органларининг белгилари, буортмачиларнинг автомобил юк ортишдан воз кечиши, йўл хизмати ва бошқаларнинг белгилари) ёзилади.

Автомобил гаражга қайтганда йўл варакаси қуйидаги тартибда тўлдирилади:

“Ҳайдовчи ва автомобил иши” бўлимида 6-устунга назоратдан ўтказиш жойининг механизги автомобилнинг гаражга қайтиш вақтини (ой, кун, соат, дақиқа) ёзади ёки штамп-соат билан белгилайди ва “Спидометр кўрсаткичи” деган 5-устунни тўлдиради.

“Ёнилғи сарфланиши” бўлимида техника назорати

бўлими ва назоратдан ўтказиши жойининг механиги “Кайтгандаги қолдиқ” деган 11-устунни тўлдиради ва унинг остига имзо кўяди.

“Ёнилғи сарфланиши” бўлимида ёнилғи мойлаш материаллари бўйича техник ёки ёнилғи қувовчи ҳайдовчига ёнилғи мойлаш материаллари учун талон берадиганда “Берилди” деган 12-устунни тўлдиради ва унинг тагига имзо кўяди.

“Топширди” деган қаторга ҳайдовчи автомобилни назоратдан ўтказиши жойининг механик томонидан соз ҳолатда топширганини тасдиқлаб имзо кўяди. Назоратдан ўтказиши жойининг механиги “Қабул қилинди” деган қаторга имзо кўйиб, “Ҳайдовчи ва автомобил иши” бўлимининг “Қайтиш” қаторида 5 ва 6-устунларнинг тўғри тўлдирилганлигини ва ҳайдовчидан автомобилнинг техник томондан соз ҳолатда қабул қилганлиги тасдиқлайди.

Ҳайдовчи йўл варақасини нозимига ёки корхона, ташкилот, муассасанинг бу иш бўйича вакилига топширгандан сўнг бу хужжат куйидаги тартибда тўлдирилади:

“Ҳайдовчи ва автомобил иши” бўлимида “Нўл масофи” деган устунга масофа жадвали бўйича гараждан биринчи юк ортиш жойигача бўлган масофа ва юк тушириш жойидан гаражгача бўлган масофа ёзилади.

“Ёнилғи сарфланиши” бўлимидаги “Меъёрнинг ўзариш коэффициенти” деган 13-устунга автомобилнинг кун бўйи иши учун битта умумий ёнилғи сарфлаш нормаси ўзариши коэффициенти, “Махсус ускуналарнинг иш вақти” деган 14-устунга ёнилғи сарфлаш нормасини ошираётган автомобил иши билан боғлик бўлган ва “Двигателнинг ишланиш вақти” деган 15-устунга йўл варақасига илова қилинган ТТХ асосида тегишли маълумотлар ёзилади, шунингдек махсус ускуналарининг ишланиш вақти ва алоҳида шароитда ишлатишда (двигател, юк ортиш-тушириш механизмлари иши ва ҳоказо) двигател ишининг кўшимча вақти ёзилади. Бу реквизитлар ёнилғи сарфлашнинг кўшимча меъёрларини белгилаш учун зарурдир.

Нозим ушбу реквизитлар тўғри тўлдирилганлигини тегишли устун тагига имзо кўйиб тасдиқлайди.

“Топширикни бажариш тартиби” бўлимдаги 24-устунга қатновнинг умумий сони ёзилади, “ТТХ сони”

деган қаторга эса топширилган товар-транспорт ҳужжатининг умумий сони ёзилади. Топширилган ва қабул қилингандан товар-транспорт ҳужжатининг умумий сони учун йўл ва рақасининг орқа томонидаги “Ҳайдовчи топшириди” қаторига эса, топширилган товар-транспорт ҳужжатининг умумий сони учун йўл ва рақасининг орқа томонидаги “Ҳайдовчи топшириди” қаторига ҳайдовчи, “Нозим қабул қилди” қаторига нозим имзо кўядилар.

П рақамли шаклдаги йўл ва рақасининг “Ҳайдовчига топшириқ” бўлимидағи “Кимнинг ихтиёрига“ деган 16-устунда буортмачининг талабномаси ёки бир марталик буортмачи асосида нозим автомобил топшириқни бажариш учун ихтиёрига борувчи буортмачининг номи ва манзилини ёзади, 17 ва 18-устунларда режа бўйича келиш ва кетиш вақти, 19-устунга режадаги соати ва 20-устунга режадаги қатновнинг сони ёзилади.

4-В рақамли шаклдаги йўл ва рақасининг “Ҳайдовчига топшириқ” бўлимидағи “Кимнинг ихтиёрига“ деган 16-устунда буортмачининг талабномаси ёки бир марталик буортмаси асосида нозим автомобил топшириқни бажариш учун ихтиёрига берувчи буортмачининг номи ва манзилини ёзади, 17 ва 18-бўлимларда режа бўйича келиш ва кетиш вақти, 19-устунга ишнинг режадаги соати ва 20-устунга режадаги қатновнинг сони ёзилади.

4-В рақамли шаклдаги йўл ва рақаси буортмачининг қирқиб оладиган талонига эга бўлиб, АТК ва АЖ нинг транспорт хизматига ҳақ тўлаш учун тақдим этишга асос бўлади.

Буортманинг қирқиб олинадиган талонига: ҳайдовчи топширган йўл ва рақасига асосан тегишли қаторларга йўл ва рақасининг рақами ва берилган вақти ҳаракатланувчи тартибда, юк ташувчи автокорхонанинг номи, келган автомобил ва тиркаманинг русуми ва давлат рақамини ёзади.

“Буортмачи” деган қаторга автомобилдан фойдаланишга масъул бўлган ташкилотнинг номи, мансабдор шахснинг шарифи ва отаси исменинг бош ҳарфи-ни ёзади.

“Вақт” деган қаторга автомобилнинг буортмачига келган ва бу ердан кетган вақтини кўрсатади.

“Спидометр” деган қаторга буюртмачига келган ва ундан кетгандаги “Спидометр” кўрсаткичи ёзилади.

“ТТХ” иловаси деган қаторга ТТХ рақамлари ёзилади, унинг бир нусхаси йўл варагасига илова қилинади ва уларнинг умумий сони кўрсатилади.

Вақтбой тариф бўйича ҳақ тўланадиган иш учун берилган автомобил йўл варагасига ТТХ илова автомобил ишига ҳақ тулаш шаклини ўзгартириш учун асос бўла олмайди.

“Қатнов сони” қаторига бажарилган қатновнинг умумий сонини кўяди.

“Буюртмачининг имзоси ва штампи” деган қаторига йўл варагасининг тегишли қаторига реквизитлари ни тўлдиришнинг тўғрилигини тасдиқлаб, имзо кўяди ва штамп босади.

“Топширикни бажариш” бўлимида буюртмачи ҳар куни бир қатнов бўйича ҳаракат йўналишининг қаердан қаерга боришини ёзib боради ва бу ёзувларни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

4-Ш шаклидаги йўл варагасини “Назоратдан ўтказиш жойи, транспорт экспедицияси корхонаси бошқармаси, нозим назорати жойи ва ”юк автобекати” бўлимида:

— автокорхонанинг нозими 27-устунга автомобил қатнайдиган йўлдаги назорат жойи, дам олиш ва тунаш жойларининг номларини, шунингдек, ҳайдовчи автомобилга юк оладиган транспорт экспедицияси корхонаси бошқармаси, нозим назорати жойи ва юк автобекати, шу жумладан, йўналишда юрадиган автомобилларнинг номларини ёзади, 28.1-устунга уларнинг жадвал бўйича юриш санаси ва вақтини ёзади.

— ТЭКБ, ННЖ ёки ЮАБ нозими 28.2-устунга назорат жойи, дам олиш ва тунаш жойларидан ўтиш вақти ва санасини ёзади, жадвалдан чиқишини аниқлайди ва “Фарқланиш” деган 28.3-устунга ёзади, 28.4-устунга имзо кўяди ва штамп босади.

— рақамни (халқаро) шаклидаги йўл варагасининг асосий қисми 4-М шаклидаги йўл врағаси сингари тўлдирилади.

“Автотранспорт корхонасини тўлдиради” деган бўлимнинг “Автомобилнинг бекор туриш вақти” деган кичик бўлимига юк ортиш, туширишда туриш санаси (ой ва кун) ва бунга кетган вақти (соат ва дақиқа),

автомобилнинг техник томондан бузуклиги бўйича дам олиш, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар худудида қайтишда бошқа сабабларга кўра туриб қолиши ёзилади.

“Соат” деган кичик бўлимдаги тегишли устунларга ишда, ҳаракатда, бекор бўлган вақти (ҳаммаси, шу жумладан, техник бузуклиги сабабли) ёзилади.

“Йўл юриш, км” деган кичик бўлимдаги тегишли устунларга автомобилнинг ҳақиқий умумий юрган йўли (километр ҳисобида), шу жумладан, юк билан (ҳаммаси ва шу жумладан хорижий худудда) юриши ёзилади.

“Ташилган тонналар” кичик бўлимидаги тегишли устунлар амалда ташилган юкнинг ҳаммаси, шу жумладан, хорижий худудда ташилгани ёзилади.

“Бажарилди” (ТКМ) деган кичик бўлимдаги тегишли устунларга ҳақиқий бажарилган тонна километр, шу жумладан, хорижий худудда бажарилгани ёзилади.

“Ёнилғи” деган кичик бўлимдаги тегишли устунларга Ўзбекистон Республикаси худудида олинган ёнилғи (дизел мойи, бензин)нинг шифри, аниқ микдори ва хорижий худуддаги ҳисоблашни усуллари (ДКВ, Минод, Петродекс, ГВ ва нақд пулга олиш) ёзилади.

“Ёнилғи” кичик бўлимидаги тегишли устунларга барча олинган ёнилғи, мойнинг аниқ микдори, йўлга чиқишидаги қолдиги, қайтишдаги қолдиги, аниқ сарфланиши, формула бўйича сарфланиши, ёнилғи мойини тежац(+), ёки ортиқча сарфлаш(-) ёзилади.

Йўл варакалари икки усулда қайта ишланиши мумкин:

- ЭҲМни кўллаш билан автоматлашган усул;
- Кўл билан бажариладиган усул;

ЭҲМда автомобиллашган усулда қайта ишланадиган йўл варакалари, ахборотларни кодлаш (устунларни тўлдириш)дан иборат дастлабки қайта ишлашдан ўтади.

Йўл варакаларини автомобиллашган усулда қайта ишлашда ЭҲМдан олинган машинограмма маълумотларини йўл варакаларини бланкаларига ўtkазилмаслиги мумкин. Бунда машинаграмма “Автомобил ва тиркамалар иши натижалари” деган тасдиқланган бўлим кўрсаткичларига мос кўрсаткичига эга бўлиши лозим.

“Автомобил ва тиркамалар иши натижалари” бўлимида ёнилғи сарфлаш автомобилнинг умумий юрган

йўли ва унинг бир кун (смена)даги ишида бажарилган тонна километр бўйича белгиланади.

Ишга якун чиқаришда автомобилларнинг айрим руслами учун тасдиқланган норма бўйича ҳақиқий сарф харажатлар йўл варақасида кўрсатилади.

Автомобилнинг ишдаги бўлган вақти унинг гараждан чиқишидан гаражта қайтишгача бўлган вақти, овқатланиши ва дам олиш учун кетган вақтини (авто-транспортга тегишли низомга мувофиқ) чиқариб ташлаб, соат ҳисобида белгиланади. Йўлсизлик, техник бузуклик ва шу каби сабабли бир кунлик бекор туриш учун кетган вақт ишдаги соатлардан чиқариб ташланади.

Харакатдаги вақт ишдаги ва бекор туришдаги вақтнинг фарқини ташкил этади. Бекор туриш учун кетган вақт юк ортиш ва юк тушириш, автомобилнинг йўлда техник томондан бузилиши, шина алмаштириш, йўлнинг нокулайлиги ва бошқа сабаблар билан бекор турилган вақтни кўшиш билан белгиланади.

Юк юклаш ва юк туширишда туриш вақти, товар-транспорт хужжатида кўрсатилган бекор туриш ҳақидаги ёзувлар бўйича белгиланади.

Техник бузуклик ва бошқа сабабларга кўра бекор туриш вақти йўл варақасининг “Йўлда бекор туриб қолиши” бўлимидаги ёзувлар бўйича белгиланади. Юк юклаш ва туширишда туриш, меъёрдан ортиқ туриб қолиш ва техник бузукликдан келиб чиқсан бекор туришлар алоҳида белгиланади.

Юк билан қатнов сони дастребки юк юклаш жойи билан охирги юк тушириш жойи ўртасидаги юк билан барча қатновни ҳисоблаш йўли билан белгиланади. Охирги юк юклашга ва туширишга кириш, товар-транспорт хужжатларидағи ёзувлар бўйича белгиланади.

Юк билан юрилган масофа ТТХда кўрсатилган барча юк билан юрилган масофалар йигиндисига тенг келади.

Юксиз юрилган масофа умумий юрилган масофа билан юкли юрилган масофа ўртасидаги фарқни ташкил этади. Автомобилнинг умумий юрган йўли спидометрнинг гараждан чиқишидаги кўрсаткичи билан гаражга қайтиб келганидаги кўрсаткичи ўртасидаги фарқига тўғри келиши лозим.

Автомобилда ташилган юкнинг умумий миқдори товар-транспорт хужжати бўйича белгиланган манзилга ташилган юкнинг миқдорини ҳисоблаш йўли билан белгиланади.

Тонна-километрлар ҳар бир қатновда ташилган юкнинг миқдорини (оғирлигини) юк ортиш ва юк тушириш жойлари ўртасидаги ҳар бир қатнов масофасига кўпайтириш йўли билан белгиланади.

Юк автомобили бир кунда (сменада) бажарган тонна-километрнинг умумий миқдори юк билан барча қатновдаги тонна-километрларнинг йифинидисига тенг бўлади.

Ҳайдовчиларнинг иш ҳақи барча йўл варақаларига илова қилинган товар-транспорт хужжатларидағи “нархни белгилашда” акс эттирилган маълумотларга асосланаб кўрсатилади.

### 7.1.3. Товар-транспорт хужжатини (юк хатини) тўлдириш

Юк жўнатувчининг ТТҲни қўйидагилар тўлдиради:

- юк жўнатиш учун масъул шахс (сотиш, таъминот бўлимининг ходими ва бошқалар);
- товарларни жўнатувчи моддий жавобгар шахс (омборхона мудири, омборчи ва бошқалар);
- нархларни ТТҲнинг товар бўлими бошқа молиявий маълумотларни тўғри кўллаш учун масъул бўлган ходимлар.

Юк жўнатувчиларда товарларни юклаб жўнатиш жараёнининг хусусиятига кўра юк юклаш масъулияти, бойликларни жўнатиш учун моддий жавобгарлик ва юк юклаш маълумоти ТТҲнинг жадвал бўйича ўз имзоси ва тамфаси билан тасдиқланган ТТҲда кўрсатилган маълумотларнинг етарлиги учун жавобгар бўлган шахсга юклатилиши мумкин.

ТТҲ бланкаларида юк жўнатувчилар қўйидаги реквизитларни тўлдириши шарт:

- товар-транспорт хужжатининг сарлавҳа қисмида ТТҲнинг берилган вақти кўрсатилади;
- буюртмачи (тўловчи) қаторида ТТҲ маълумоти бўйича транспорт иши учун ҳақ тўлайдиган ташкилотнинг номи ёзилади;

— «Юк жўнатувчи» ва «Юк олувчи» қаторига товар моддий бойликларнинг хужжатларида санаб ўтилган юк жўнатувчи (ҳисобдан чиқарувчи ва юк олувчи кирим қилувчи) ташкилотларнинг номи ёзилади;

“Жўнатувчи жойи” ва “Тушириш жойи” деган қаторига юклаш ва тушириш жойларининг номлари ёзилади.

Юк ҳақидаги маълумотлар бўлимида 1 дан 7 гача бўлган устунлар юк олувчига юклаб жўнатиладиган товар-моддий бойликлар ҳар бирининг алоҳида номи ва миқдори, шунингдек, уларнинг қиймати ҳақида маълумотлар билан тўлдирилади.

Юкларни контейнерларда ташишида 3-устунда ”Контейнерлар” уларнинг рақамлари ва миқдори кўрсатилади.

Йўриқноманинг 8-бандига мувофиқ ТТҲ га илова қилинган товар бўлими сифатида ихтисослаштирилган шакл расмийлаштирилади, бунга асосан омборхона, тезкор бухгалтерия ҳисоби олиб берилади ва товар-моддий бойликлар ҳисобдан чиқарилади ва кирим қилинади. Бундай ҳолатларда ТТҲ «Юк тўғрисида маълумотлар» бўлимининг 1, 2, 4, 5, 6 ва 7-устунлари тўлдирилмайди.

Кўрсатилган устунларнинг очиқ қолган қаторларига ихтисослаштирилган шаклнинг номи, рақами ва уларни ёзиб бериш вақти кўрсатилади.

“Ҳаммаси бўлиб шунча пуллик берилди” деган қаторга юклаб жўнатилган товарларнинг умумий қиймати сўз билан ёзилади.

«Жўнатишга рухсат берувчи” деган қаторда товар-моддий бойликларни жўнатишга масъул бўлган хужжатдаги ёзувларнинг тўғрилиги учун имзо қўювчи ва юкни олувчига жўнатиш учун рухсат берувчи мансабдор шахс кўрсатилади.

Товар-транспорт хужжатининг сарлавҳа қисми:

— “Йўл варақасининг рақами” деган қаторга йўл варақасининг рақами ёзилади;

— “Автокорхона” деган қаторга ҳайдовчи тақдим этган йўл варақаси асосида ҳаракатланувчи таркибда юк ташиётган автокорхонанинг номи ёзилади;

— “Ҳайдовчи” деган қаторга ҳайдовчининг исми-шарифи ёзилади;

— “Автомобил” ва “Тиркама” қаторларига юк юк-

лашга келган автомобиль ва тиркамаларнинг русуми ҳамда давлат рақамлари ёзилади.

“Юк ҳақидағи маълумотлар” бўлимида олд томонидаги ёзувлар асосида куйидаги реквизитлар тўлдирилади:

— “Юк билан келувчи ҳужжатлар” деган 8-устунга товар-транспорт ҳужжатига илова қилинадиган ҳужжатлар (темир йўл накладнойлари, сертификатлар, гуваҳномалар ва бошқалар)нинг рақамлари ва номлари ёзилади. Ҳайдовчи экспедитор кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиши ва уни юк билан бирга юк олувчига топшириши шарт;

— “Ўрам тури” деган 9-устунда юк ташиладиган идишлар тури (масалан «иш», «корз», «боч», »пак» ва ш.к) қисқартирилиб ёзилади;

Ташиш учун ўралмаган ҳолда олиб келинган юклар қисқартирилган ҳолда ”Ўр-н” ёзиб қўйилади;

— «Ўринлар сони» деган 10-устунда 1-устунда келтирилган ҳар бир юкнинг алоҳида эгаллаган жойининг сони ёзилади ва ҳар бир ўрам бўйича ҳам ёзилади.

Юклар контейнерларда ташилаёттанида ана шу устунга контейнерлар сони кўрсатилади.

Юклар тагликларда пакетларда бўлса пакетлар сони кўрсатилади.

Юклар сочишувчан ҳолда бўлса шунга мос белги ёзилиб, жой сони кўрсатилмайди.

— «Оғирликни аниқлаш усули» деган 11-устунда юкнинг оғирлиги қандай усулда белгиланганлиги ёзилади. Юклар торозида тортилганида торозининг тури («төв торози») «авт, тарози» ва ш.к кўрсатилиши лозим. Агар барча юклар стандартга кўра ўлчангандек ёки чамалаб кўрилган бўлса, шу устунга тегишли ёзув туширилади;

— 12 ва 13-устунлар автокорхона томонидан тўлдирилади:

— «Брутто оғирлиги тонна» деган 14-устунга юкнинг оғирлиги ёзилади, ТТХнинг товар бўлимида ҳам шундай оғирлик акс эттирилади.

Юкнинг оғирлиги тонна хисобида 0.01 тоннагача аниқлик билан ташилаётган юкларнинг турлари ва юкнинг умумий оғирлиги бўйича кўрсатилади.

— Юклар бир товар-транспорт ҳужжати бўйича талонлар билан ташилиб, бир неча катнов расмийлаш-

тирилган бўлса. «Қатнов сони» деган қаторда қатновларнинг умумий сони кўрсатилади.

ТТҲнинг транспорт бўлимидаги қаторларида ҳайдовчи-экспедитор ва товарларни жўнатувчи моддий жавобгар шахс ўртасида юкни топшириш ва қабул қилиш акс эттирилади, пломбанинг (юклар контейнерларда, цистерналарда ва ш.к пломбаланган ҳолда ташилганда) намунаси ёки пломбанинг рақами кўрсатилади, юклар ўрнининг ёки контейнерларнинг умумий сони сўз билан ёзилади, ушбу товар-транспорт хужжати бўйича ташишга берилган юкларнинг умумий оғирлиги 0.01 тоннагача аниқликда (сўз билан) ёзилади.

«Топшириш» деган қаторга юкларни ташишга берган юк жўнатувчи вакилнинг лавозими, исми шарифи ва отасининг исми ёзилади. Ана шу қаторда шу вакилнинг имзоси ва юк жўнатувчи корхонанинг тамфаси ва муҳри қўйилиб товар-транспорт хужжатида ёзилган барча маълумотларнинг тўғрилиги тасдиқланади, шунингдек юкни ташишга берган юк жўнатувчи томонидан шу тартибда расмийлаштирилади, ёзувлар бўлмаган устунларга чизиб қўйилади, «Ҳайдовчи-экспедитор қабул қилди» деган қаторда юкни ташишга қилган қабул ҳайдовчи экспедиторнинг исми-шарифи, отасининг исми ёзилади ва бу қаторга имзо қўяди. У мана шу қаторга ташиш учун қабул қилган юкларнинг эгаллаб турган жойлари сони, контейнерларнинг сони, пломбаларнинг рақамини ёзиб, ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Ҳайдовчи-экспедитор ТТҲнинг барча нусхаларида ташиш учун юк жўнатувчидан қабул қилган юкларни ёзма равишда тасдиқлайди. Товар-моддий бойликларни ташиш учун юк олувчининг ишонч қофози билан қабул қилаётган шахс «Юкни олдим» деган қаторга олувчи учун имзо қўяди. Бу вақтда юк жўнатувчи ишонч қофозини ким бергани, рақами ва берилган вақтини кўрсатади. Кейинги қаторга юк юклаш учун масъул бўлган шахс юк жўнатувчидан олинган маълумотларни туширади.

«Юклаш-тушириш жараёни» бўлимида «Юклаш» деган қаторда қуидаги реквизитлар ёзилади:

— Ижрочи деган 15-устунга юк юклаш жараёнини бажарувчи ташкилотлар (автокорхона, товар бекати,

юк жүннатувчи, ихтисослашган ташкилот ва ш.к.)нинг номлари ёзилади.

— «Усул» деган 16-устунда юклаш усули (қўлда механизация билан, кўйиб, бункердан ва ш.к) кўрсатилиади.

— 18 ва 19-устунлар «Сана ва келиш вақти» ҳамда «Сана ва кетиш вақти» дейилиб, автомобилнинг юк юклашга келиши ва бу ердан кетиш вақти: йил, ой, кун, соати, дақиқаси ёзилиб, тамга, муҳр масъул лавозимидағи шахснинг имзоси билан тасдиқланади.

Юк юклаш учун келиш вақти ҳайдовчининг йўл варақасини кириш дарвозаси ёки назорат ўтказиш жойидаги юк жүннатувчи ташкилотнинг товар жўнатиш учун масъул кишига кўрсатган вақти ҳисобланади. Автомобилнинг юк юклашдан кетиш вақти товарни жўнатиш учун масъул бўлган шахснинг товар-транспорт хужжатини имзолаб ҳайдовчига берган вақти ҳисобланади. Агар бир қатновда юк бир неча товар-транспорт билан юкландиган бўлса, юк юклаш учун келиш вақти улардан биринчиси ва кетиш вақти охиргиси ҳисобланаби, қолганлари ТТҲнинг тегишли устунларига ёзилиб, очик қолганларига чизиб кўйилади.

Юк талонлар бўйича ташилса ва бир неча қатнов битта товар-транспорт хужжати билан расмийлаштирилса, 18-устундаги «Юк юклаш учун келиш вақти» ушбу товар-транспорт хужжати бўйича биринчи қатновдаги юк юклаш учун келиш вақти ёзилади, 19-устунга эса охирги қатновдаги кетиш вақти ёзилади.- Бир вақтнинг ўзида 20-устунга автомобилнинг юк юклаш ва юк туширишда турган вақтининг умумий йиғиндиси кўрсатилади.

«Кўшимча жараёнлар» деган 21, 22-устунларда юк юклашда бажарилган кўшимча жараёнлар (тортиш, таҳлил, қайта ҳисоблаш ва ш.к) ҳар бирининг сони ва уни амалга ошириш учун кетган вақт кўрсатилиб, ёзиб кўйилади.

— «Транспорт хизмати» деган қаторда юк ортища ҳайдовчи томонидан кўрсатилган транспорт хизмати (юкни ўраш, боғлаш, брезент билан ёпиш, ахборот хизмати ва бошқалар), уларнинг сони кўрсатилиб, санаб ўтилади.

Юк жўннатувчида ортиш ва санаб ўтилган реквизитларнинг тўғри тўлдирилиши учун масъул бўлган шахс

23-устундаги «Масъул шахс имзоси» деган устунга имзо қўяди. Агар йўлда юраётганда юкнинг бориш манзилини ўзгартирилишга зарурат туғилса, ёки юк ташишга оид далолатнома тузишга эҳтиёж туғилса, бу ҳақда ҳайдовчидаги бўлган товар-транспорт хужжатининг барча учта нусхасининг орқа томонидаги «Манзилни ўзгартириш» ёки «Далолатнома тузиш тўғрисида белги» деган қаторга ёзиб қўяди.

Юкнинг бориш жойини ўзгартиришда «Юк олувчи» ва «Юк тушуриш жойи» деган қаторларидаги реквизитлар устига чизиб қўйилади (чунки, уларни уқиш мумкин бўлади) ва «Манзилни ўзгартириш» деган устунга янги юк олувчининг реквизитлари кўйилади, шунингдек, манзил ким томонидан ўзгартирилганлиги, фармойиш рақами ҳам ёзиб қўйилади. Бу ёзувларнинг ҳаммаси автотранспорт корхонасининг вакили бўлган ҳайдовчининг имзоси билан тасдиқланади.

Ушбу жўнатишга оид далолатнома тузишда «Далолатнома тузиш ҳақида белги» устунига далолатнома рақами тузилган сана ва нима тўғрисида тузилганлиги (масалан, жойнинг етишмаслиги ҳақида, "Пломба бузилганлиги тўғрисида" ва ш.к.) ёзиб қўйилади.

Йўлда кетаётганда юкни бошқа автомобилга юкланган ҳолатда «Ҳайдовчи», «Автокорхона» ва «Автомобил» деган қаторлардаги аввалти реквизитлар чизиб ташланади (чунки уларни ўқиш мумкин бўлади) ва автомобил ва ҳайдовчи тўғрисида янги маълумотлар, шунингдек, автотранспорт корхонасининг реквизитлари кўйилади. Бу йўналиш юкни бошқа автомобилга кўчиришга раҳбар бўлган ходимнинг имзоси билан тасдиқланади. Шу билан бирга юкни бир ҳайдовчи экспедитордан бошқа ҳайдовчи экспедиторга олиб бериш ҳақида белгиланган тартибда далолатнома тузилади, бу ҳақда «Тузилган далолатнома ҳақида белги» деган қаторга тегишли белги қўйилади.

### **Юк олувчидағи товар-транспорт хужжатини тўлдириш**

Юкни юк олувчига етказиб бергандан кейин ҳайдовчи экспедитор товар-транспорт хужжатининг учта нусхасини юк олувчи ташкилотнинг юкни қабул килишга жавобгар вакилига топширади, у копирка

қоғоз ёрдамида кетма-кет тўргинчи, учинчи, иккинчи нусхаларининг орқа томонини (транспорт бўлими) тегишли реквизитлар билан тўлдириши шарт.

Юк юклаш ва тушириш ишлари бўлимида «Юк тушириш» қатори қуийдаги реквизитлар билан тўлдирилади:

— «Бажарувчи» деган 15-қаторда юк тушириш ишларини бажарувчи ташкилотнинг номи (автокорхона, юк олувчи юк автобекати, ихтисослашган ташкилот ва ш.к) ёзилади, юк тушириш ишларини бажарган механизмининг номи ва унинг тавсифи (бир вақтда кўтариладиган юкнинг оғирлиги, экскаватор чўмичнинг сиғими ва ш.к) ёзилади.

— «Усул» деган 16-қаторда юк тушириш усули ёзилади (кўлда, механизациялашган, кўйиш афдарма машина билан ва ш.к).

— 18, 19-қаторларда автомобилнинг юк юклашга келган ва юк юкландидан кейин кетган соати ва дақиқалари ёзилади ёки штамп-соат билан белгилаб кўйилади ва 20-қаторга юк юклашда турган вақти ёзилади.

Юк тушириш ҳайдовчига тегишли равищда расмийлаштирилган товар-транспорт ҳужжати берилгандан кейин тамомланган ҳисобланади.

— «Кўшимча жараёнлар» 21, 22-устун юкни туширища ва қабул қилишда бажарилган қўшимча жараёнлар (тортиш, ҳисоблаш, таҳлил ва ш.к) ҳар қайси жараён бўйича миқдорини кўрсатиш билан санаб ўтилади.

«Жавобгар шахснинг имзоси» деган 23-қаторда юк олувчининг юк тушириш учун жавобгар вакили тегишли қаторларнинг, шунингдек, юк туширища ҳайдовчига кўрсатилган хизматлар ҳар бир хизмат бўйича миқдорини кўрсатиш билан, санаб ўтиладиган «Транспорт хизматлари» қаторидаги ёзувларнинг тўғрилигини ўзининг имзоси билан тасдиқлайди.

ТТХ нинг транспорт бўлимида ҳайдовчи экспедитор билан товарларни қабул қиливчи моддий жавобгар шахс ўртасидаги қабул қилиш топширишни акс эттирувчи қаторларида етказиб берилган юкнинг тамғаланган наимунаси (ёки рақами) кўрсатилади. Юк олувчига юк контейнерларда, фургонларда, цистерналарда тамға остида етказиладиган ҳолларда юк жойларининг ва контейнерларнинг умумий сони (сўз билан), шу товар-

транспорт хужжати билан етказилган юкнинг умумий оғирлиги тонна ҳисобида 0.01 т гача аниқликда сўз билан ёзиб кўрсатилади.

«Қабул қилди» қаторида юкни қабул қилган моддий жавобгар шахснинг лавозими исми, шарифи, отасининг исми ёзилади ва шу қаторнинг ўзида унинг имзоси ва юк олувчи корхонанинг штампи билан юкнинг қабул қилинганлиги тасдиқланади.

«Ҳайдовчи-экспедитор топширилди» қаторида ҳайдовчи ўз имзоси билан юкни юк олувчига топширилганини тасдиқлайди.

### **Автокорхонада товар-транспорт хужжатини тўлдириши**

Юк жўнатувчи ва юк олувчининг имзолари ва муҳрлари билан тасдиқланган товар-транспорт хужжатининг учинчи ва тўртинчи нусхалари йўл ва рақаси билан биргаликда ҳайдовчи томонидан автокорхона нозимига топширилади.

Автокорхона ТТҲнинг сарлавҳа қисмida:

- «Буортмачи коди», «Йўналиш рақами», «Тиркамаларнинг гараж рақами» қаторлари тўлдирилади.
- «Юк ташиш усули» қаторида юк ташиш турларини ҳисобга олувчи юк ташиш усулининг номи ёзилади.

«Юк ҳақида маълумотлар” бўлимнинг 12, 13-қаторларида юкнинг коди ва класси ёзилади.

«Бошқа маълумотлар” бўлимида:

- 24, 25, 26, 27 ва 28-қаторларда юк ташиш масофаси йўллар гурӯхларига бўлиш билан ёзилади.
- 29 қаторда юкни жўнатиш коди ёзилади.
- 30 ва 31-қаторларда транспорт буортмачисидан ҳайдовчига кўрсатилган транспорт хизмати учун берилиши лозим бўлган пул ва кўрсатилган транспорт хизматлари кодлари ёзилади.
- 32 ва 33-қаторларда ҳайдовчининг иш ҳақини тўғриловчи коэффициентлар ёзилади (ҳайдовчи иш ҳақини низомларга биноан юк ташиш шароитларига мувофиқ ўзгартириш учун).

Нархни ҳисоблаш ва нархни белгилаш бўлимларида автокорхонанинг нарх қўйувчи ходими берилган товар-транспорт хужжати бўйича автомобил хизматлари нархини ва ҳайдовчининг иш ҳақини ҳисоблайди.

## 7.2. Юк ташиш тарифлари ва транспорт тұлови ҳисоби

Ташилған юк учун буортмачи ташкилотлар автотранспорт корхонасига маълум пул миқдорини тұлайдилар. Автомобил транспортида ана шу пул миқдорларини ҳисоблаш учун тарифлар ўрнатылған.

Тариф маълум бирлікдеги транспорт ишига давлат томонидан қўйилған баҳодир. Ҳозирги кунда 1990 йил 1 январдан тадбиқ қилиниб № 13-01-04 прейскурантида акс эттирилған автомобил транспортида юк ташиш тарифларидан фойдаланилади.

Амалда автотранспорт корхонаси ташиш харажатларини қоплаш ва маълум пул маблағи түплашни таъминлаш мақсадида тарифларга ўстириш коэффициентини кўллаб ташиш ҳисобларини қиласылар.

Юк ташиш тарифлари ўз ичига куйидаги тарифларни олади:

1. Қисм.

3.1. Ишбай юк ташиш тарифлари.

1. Ағдарма автомобилларидан бошқа ҳаракатланувчи таркибларда улом бўлмаган юкларни ташиш тарифи.

2. Карьерлардан ташқари ишловчи ағдарма автомобилларida юк ташиш тарифи.

3. Карьерларда ағдарма автомобили ва ағдарма автобоездларда юк ташиш тарифи.

2. Қисм.

3.2. Ҳақ тўланадиган автотонна-соатларида юк ташиш тарифи.

3. Қисм.

3.3. Юк автомобилларидан фойдаланиш тарифи.

1. Вақтбай услубда юк автомобилларидан фойдаланиш тарифи.

2. Юк таксомоторларидан фойдаланиш тарифи.

3. Километр ҳисобида юк автомобилларидан фойдаланиш тарифи.

4. Қисм.

Ҳаракатланувчи таркибларни олиб бориш (перегон) тарифи.

5. Қисм.

3.5. Қўшимча ва чегирмалар тарифи.

6. Қисм.

3.6. Ташиш билан боғлиқ хизмат тарифи.

## 7. Кисм.

### 3.7. Келишилган (шартнома) тарифи.

Юк ташиш тарифларида фойдаланиш қоидаларида тарифларни қўллаш услублари кўрсатилади.

Ағдарма автомобилларида бошқа турдаги автомобиларда юкларни ташиш ва бошқа хизматларни бажариш ҳақи (даромад) қўйидагича аниқланади:

$$Д = (Тжун \cdot Пжун \cdot К + Дк) б + Дют + Дж; сўм.$$

Бунда: Т жўн — бир жўнатиш тарифи, сўм;

Пжун — жўнатишлар сони;

Дк — қўшимча жараёнларни бажариш даромади, сўм;

К — ҳаракатланувчи таркибнинг махсус эканлигиги-ни эътиборга оловчи коэффициент;

б — туман тузатиш коэффициенти (Хоразм вилояти учун = 1.15);

Дют — юклаш ва тушириш ишларида меъёрланган вақтдан ортиқ тўхтаб турганлиги учун жаримадан тушадиган даромад; сўм;

— юклаш-тушириш ишларида меъёрланган вақтдан ортиқ тўхтаб турганлиги учун жаримадан тушадиган даромад.

Қўшимча жараёнларни бажариш ҳақи даромади қўйидагича аниқланади:

$$Дк = n tк Tк; сўм.$$

Бунда: n — қўшимча жараёнлар сони у қатновлар со-нига боғлиқ бўлади;

тк — қўшимча жараёнларни бажариш вақт меъёри ( $\#$  13-01-04 прейскуренти, ишбай тарифларни қўллаш қоидалари 13-пункт);

Тк — қўшимча жараёнларни бажариш учун тўхтаб туриш тариф ҳақи ( $\#$  13-01-04 прейскуренти, 5-қисм 2-пункти).

Уюм юкларни ағдарма автомобилларида ташиш ҳақи (даромади) ва бошқа хизматлар қўйидагича аниқланади:

$$Д = (ТtQ + Дк) б + Дют + Дж ; сўм.$$

Бунда: Тt — 1 тонна юкни ташиш тарифи;

Q — юк ташиш ҳажми.

Карьерлардан ташқарыда ишловчи ағдарма автомобилларда юк ташиш ҳақи (даромад) ишбай тарифининг 1-қисми, 2-пунктига асосан ҳисобланади. Бунда ташпиладиган ҳар бир тонна юк учун ташиш масофасига қараб ташиш ҳақи олинади. Бу тарифларни 50 километр масофагача ҳисобларда күллаш мүмкін. Агарда ташиш масофаси 50 километрдан катта бўлса, жўнатиладиган юк массасига боғлиқ бўлмасдан ишбай тарифнинг 1-қисм, 1-пункти, 9-графаси асосида ташиш ҳақи ҳисобланади.

Турли шароитлар учун ташиш ҳақи (даромад) ҳисоблари автомобил транспортида юк ташиш ва бошқа хизматлар тарифларига (13-01-04 прейскуранти, 1-қисм, 1-пункт) асосан аниқланади. Масалан, 1. Умумий ҳажми 100 тонна бўлган қопларга унни юк кўтарувчанилиги 6 тонна бўлган бортли автомобилда 16 км масофага ташиш ҳақини (даромади) аниқлаш керак (№ 13-01-04 прейскуранти, ишбай тарифлари 1-қисм, 1-пункт, 9-графа).

Жўнатиладиган юк ҳисоб массаси:

$$\text{ЖХМ} = \frac{q\Phi}{Y_c} = \frac{6}{1} / 1 = 6 \text{ тонна}$$

Бир жўнатиш тарифи:

$$\text{Тжён} = 1.58 \cdot 6 = 9,48 \text{ сўм.}$$

Жўнатишлар сони:

$$\text{Пжён} = \frac{Q}{q} = \frac{100}{6 \cdot 1} = 16,67.$$

Ташиш ҳақи (даромади):

$$D = \text{Тжён} \cdot \text{Пжён} \cdot 6 = 9,48 \cdot 16,67 \cdot 1,15 = 181,70 \text{ сўм.}$$

2. Умумий ҳажми 284 тонна, бир жўнатиш массаси 14,2 тонна бўлган 1-синфдаги юкни 20 км масофага ташиш ҳақини аниқлаш керак (№ 13-01-04 прейскуранти ишбай тарифлари 1-қисм, 1-пункт, 9 ва 11-графалар).

Жўнатиладиган юк ҳисоб массаси:

$$\text{ЖХМ} = \frac{q\Phi}{Y_c} = \frac{14,2}{1} = 14,2 \text{ тонна}$$

Бир жўнатиш тарифи:

$$\text{Тжүн} = 1,86 \cdot 10 + 0,42 \cdot 4,2 = 20,32 \text{ сүм.}$$

Жұнатишлар сони:

$$\text{Пжүн} = \frac{Q}{q_{\text{НЧ}} C} = \frac{284}{14,2 \cdot 1} = 20.$$

Ташиш ҳақы(даромади):

$$D = \text{Тжүн} \cdot P_{\text{жүн}} \cdot 6 = 20,32 \cdot 20 \cdot 1,15 = 467,36 \text{ сүм.}$$

3. Ағдарма автомобилида 300 тонна шағални 42 км масофага ташиш ҳақини аникланг (№ 13-01-04 прейскуранти, ишбай тарифлари 1-қисм, 2 пункт).

Ташиш ҳақы (даромади):

$$D = T_t \cdot Q \cdot 6 = 3,13 \cdot 300 \cdot 1,15 = 1079,85 \text{ сүм.}$$

*Изоҳ:* Юқоридаги мисоллардаги ҳисобларда ташиш ҳаражатларини қоллаш ва маълум пул маблағларининг түпланишини таъминлаш мақсадида (ташиш рентабеллиги 20+30 фоиз) юк ташиш тарифларга қўлланиладиган ўстириш коэффициентларидан фойдаланилади.

Ягона юк ташиш тарифларида ҳаракатланувчи таркибни маҳсус транспортлиги учун тарифларни ўстириш қўшимча фоизлари белгиланган. Масалан, нон ва нон маҳсулотларини ташувчи фургон кузовли автомобиллар учун ташиш масофаси 50 кмгача бўлганда 30%, 50 километрдан катта бўлганда 50% ва ҳоказо ҳолатларда ташиш тарифлари ўстирилади.

Автомобилларнинг қўшимча жараёнини бажарипда мөъёрланган вақтдан ортиқ тўхтаб турғанлиги учун ҳам қўшимча ҳақ белгиланган.

### 7.3. Юк ташиш шартномаси

Юк ташиш шартномаси автотранспорт корхонаси билан буортмачи ташкилотларнинг битими бўлиб, бунда автотранспорт корхонаси река топшириқда кўрсатилган ҳажмдаги юкни белгиланган муддатларда ташиш, юк жўнатувчи ташкилот эса юкни кўрсатилган муддатда ташишга тайёрлаб бериш ва ташиш ҳақини ўз вақтида тўплаш мажбуриятини оладилар.

Юк ташиш шартномаси автокорхона иш фаолиятини белгилаб берувчи асосий хужжат бўлиб ҳисобланади ва бир йил муддатга тузилади.

Юк ташиш шартномаси асосида юк ташиш ҳажми, ҳисоб-китоб тартиби, самарали юк ташиш йўналишлари аниқланади.

Автомобил транспортида умумий кўринишдаги ҳаммабоп йиллик юк ташиш шартномасидан фойдаланилади. Бу шартнома кириш қисми ва бешта бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда юк ташиш ҳажми ва юк айланиши, ойлик ва 10 кунлик режа топшириқларини тузиш тартиблари, бажарилиши керак бўлган ташишларнинг пул бирлигидаги тахминий ҳақи кўрсатилади.

Иккинчи бўлимда юк ташиш шароитлари ва томонларнинг вазифалари белгилаб берилади.

Учинчи бўлимда юк ташиш ҳақини ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва шартлари келишиб олинади.

Тўртинчи бўлимда шартномадаги мажбуриятларни автотранспорт корхонаси ва юк жўнатувчилар томонидан қисман ёки бажарилмаганда томонларга қўлланиладиган моддий жавобгарлик чоралари аниқланади.

Бешинчи бўлимда шартнома муддати, томонларнинг юридик манзили, банклардаги ҳисоб рақами, поча белгилари ва бошқа маълумотлар келтирилади. Автотранспорт корхоналари йиллик шартномага асосан буюртма-талабномалар қабул қилиш билан юк ташиш ишларини бажарадилар.

Буюртма-талабномада юк ташишни конкрет шароит ва муддатларда амалга ошириш учун керакли бўлган автомобилларнинг юк жўнатувчиларга бориш вақти, уларнинг манзилгоҳи, юк олиб бориладиган корхонанинг номи ва манзилгоҳи, юк ташиш масофаси ва бошқа маълумотлар келтирилади.

Буюртма-талабномалар юк ташиладиган кундан 14 соат аввал ёзма ёки оғзаки тарзда берилади (шаҳарларро юк ташишда 48 соат аввал).

Кўп корхона ва ташкилотлар юк ташишга ҳар замонда юзага келадиган эҳтиёжларини қондириш учун (масалан, ўкув юргига кичик партиядаги мебелни ташиш ва шунга ўхшаш ҳоллар) автотранспорт корхонаси билан бир марталик шартнома тузадилар. Бу шартнома шакли буюртма-талабнома кўринишида бўлади. Буюртма-талабномада юк ташишни амалга ошириш учун керакли бўладиган барча маълумотлар бўлиши керак.

Йиллик юк ташиш шартномаси қоидага асосан автотранспорт корхонаси ва буюртмачи ташкилот раҳбари ёки уларнинг мувонилари томонидан имзоланиб, жорий йилнинг 15 мартадан кечикмай тузилиши керак.

Йиллик юк ташиш шартномасининг бажарилиши таъминланмаган ҳолларда томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги автомобиль транспорти Уставида белгилаб берилган. Автомобил транспорти Уставининг айрим Низомлари йиллик юк ташиш шартномасида акс эттирилади.

#### 7.4. Марказлашган юк ташишни ташкил қилинган ва унинг самараадорлиги

Марказлашган юк ташиш ҳаракатланувчи таркибларидан фойдаланиш ва ташиш жараёнининг бажарилишини таъминловчи илфор услуг бўлиб ҳисобланади. Бу транспорт жараёнида факат уч томон: автомобил корхона, юк жўнатувчи ва юк қабул қилувчи ташкилотлар иштирок қиласи. Марказлашган юк ташишда ўзаро алоқа муносабатлари куйидаги тасвирда кўрсатилади.



##### 7.1. Марказлашган юк ташишида ўзаро алоқа муносабатлари.

Бу ерда: 1. Буюртма. 2. Йигма буюртма. 3. Ҳаракатланувчи таркибларни ажратиш. 4. Юкларни ташиш ва транспорт экспедиция хизматларини бажариш. 5. Юк қабул қилувчиларнинг юк жўнатувчилар билан ҳисоби. 6. Юк жўнатувчиларнинг автомобил корхона билан ҳисоби.

Марказлашган юк ташишни ва экспедиция хизматларини автомобил транспорт корхонаси мувофиқлаштирилган график асосида амалга оширади.

Марказлашган ташишни куйидаги ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир:

1. Умумфойдаланишдаги алоҳида бир автотранспорт корхонаси ҳаракатланувчи таркибда битта юк жўнатувчидан юкларни бир неча юк қабул қилувчиларга ёки бир неча юк жўнатувчидан битта юк қабул қилувчига ташишда.

2. Умумфойдаланишдаги автомобил транспортидан фойдаланиб, темир йўл бош бекатига, порт (пристан), аэропортларга юкларни олиб келиш (кетиш)даги ташишда.

3. Мунатазам шаҳарлараро юк ташишда.

4. Кишлоқ хўжалиги юкларини ташишда.

5. Курилиш юкларини ташишда.

Марказлашган юк ташишининг қуидаги ташкилий турлари мавжуд. 1. Юк жўнатувчи асосида; 2. Тармоқ ёки худуд бўйича транспорт корхонаси асосида; 3. Шаҳарлараро юк ташишни марказлаштириш асосида.

Юк жўнатувчи асосида марказлашган юк ташишда буюртма жўнатувчи томонидан берилади. Юк жўнатувчи ўз кучи ва механизмлари билан юк юклаш ишларини бажаради. Барча ҳисоб-китоб ишларини юк жўнатувчи амалга оширади. Автотранспорт ташкилоти буюртмада кўрсатилган сондаги ҳаракатланувчи таркибларни ажратиб ташиш жараёнига катта тъисир кўрсатмайди.

Тармоқ бўйича транспорт корхонаси асосида марказлашган ташишда юк ташиш жараёнини бажариш учун алоҳида ташкилот тузилиб, шу тармоқ юкини етказиб беришни ўз зиммасига олади. Масалан, бир гуруҳ фишт заводи ёки темир-бетон заводининг маҳсулотларини етказиб берадиган ташкилотлар (экспедиция ташкилоти).

Марказлашган юк ташишда ҳаракатланувчи таркиблардан яхши фойдаланиш ҳисобига маълум ҳисобдаги юк ташишни бажаришга керак бўлган ҳаракатланувчи таркиблар сони камаяди, транспорт жараёнини бир маромда самарали ташкил этиш имконияти пайдо бўлади. Ҳаракатланувчи таркибларни юклаш-туширишда тўхтаб туриш вақти ва юксиз юриш масофалари камаяди, катта юк кўтарувчанликка эга бўлган ҳаракатланувчи таркибларни шаҳарлараро йўналишларда қўллаш имконияти яратилади. Нозим бошқаруви яхши йўлга кўйилади, юкларни юклаш-тушириш ишларида исрофгарчилик камаяди, юк жўнатувчилар ва олувчилар юкни

ташиш, кузатиб бориш, бир транспорт воситасидан лозим бўлганда иккинчисига ўтказиш ва шу каби ишлардан озод бўлади.

### 7.5. Ҳайдовчилар ишини ташкил қилиш

Ҳайдовчилар иши зўр гайрат ва диққат талаб қилувчи жуда масъулиятли меҳнат турига киради. Ҳайдовчилар ишини режалаштириш ва ташкил қилишда меҳнат ва дам олиш тартибиға қаттиқ амал қилиш керак. Ҳайдовчининг иш вақти транспорт ва тайёрлов-туталлаш ишларини бажаришга сарф бўлади.

Тайёрлов-туталлаш жараёнида куйидаги ишлар бажарилади: йўл варакаларини тайёрлаш, автомобил асбобларини олиш ва топшириш, автомобилга ёқилғи ва совитувчи суюқлик қўйиш, двигателни мой билан камини тўлдириш, ишга тушириш ва қиздириш, автомобилнинг техник ҳолатини текшириш, автомобилни белгиланган жойга олиб бориб қўйиш ва ҳакозалар. Ҳайдовчининг тайёрлов-туталлаш ишларини бажариш учун кундалик тиббий кўригини ҳисобга олиб, сменага 0.38 соат меъёрланган вақт ажратилади.

Ҳайдовчилар ишини ташкил қилиш меҳнат қонунлари асосида бажарилади. Ҳайдовчиларнинг бир ҳафтадаги иш вақти 41 соатдан ошмаслиги керак. Ҳафтасига 6 кунлик ишда ҳайдовчиларнинг иш вақти 7 соатдир, дам олиш ва байрам кунлари олдидан 6 соатдан ошмаслиги керак.

Автокорхонада ҳайдовчилар ишини ташкил қилишда фақат бир иш кунидагина эмас, балки ҳафтадаги иш вақтида ҳам меъёрланган вақтга амал қилиш қийинлашади. Шунинг учун ҳам купчилик ҳолатларда автотранспорт корхонаси маъмурияти касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда ҳайдовчига бошқа иш куни вақтини ўрнатади. Бунда сменадаги иш вақти 12 соатдан ошмайдиган қилиб ўрнатилади.

Ҳайдовчилар иш вақтини назорат қилиш учун кунлик ва ойлик иш куни ҳисоби юртилади. Ташиш шароитларини ҳисобга олиб автотранспорт корхоналарида ҳайдовчилар ойлик иш куни ҳисоби кенг тарқалган ойлик иш вақти фондидан ошган иш соатлари меъердан ошган соатлар деб юртилади. Қонунда белгиланишича, меъердан ошган соатлар сони битта ҳайдовчи

учун кетма-кет 2 иш кунига 4 соатдан, ойда 10 соатдан ва йилига 120 соатдан ошмаслиги керак.

Автотранспорт корхонаси маъмурияти ҳайдовчиларга қонун асосида тушлик вақтини, дам олиш, байрам кунларини ва меҳнат таътилига чиқаришни режалаштиради.

Ҳайдовчиларнинг йўналишидаги иши битталанган, иккиталанган ва смена алмашинуви тамойиллари асосида ташкил қилиниши мумкин. Ҳайдовчилар иш вақтини иш графиклари ёрдамида режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ишлатиш шароити ва ҳайдовчилар меҳнатини ташкил қилиш турига асосан ҳаракатланувчи таркибларни йўналишда ишлаш 1; 1.5; 2 ва 3 сменага мўлжалланган ойлик графиклар тузилади.

Ойлик иш графикини тузиш учун ҳайдовчиларнинг иш кунларини аниқлаш керак. Ҳайдовчилар иш кунлари ойлик иш вақтининг кунлик иш вақтига нисбати билан аниқланади:

$$\Pi_{\text{см}} = \frac{\Phi_{\text{оив}}^{\text{режа}}}{T_u^{\text{см}} + t_{\text{мм}}}$$

Бунда:  $\Phi_{\text{оив}}^{\text{режа}}$  — режалаштирилган ойлик иш вақти фонди;

$T_u^{\text{см}}$  — автомобилнинг сменадаги нарядъ вақти;  
 $t_{\text{мм}}$  — тайёрлов-тугаллаш вақти.

Режалаштирилган ойлик иш вақти фонди куйидагича аниқланади:

$$\Phi_{\text{оив}}^{\text{режа}} = (K_k - K_d - K_b) t_{\text{см}} - K_{bo} \cdot 1; \text{ соат.}$$

Бунда:  $K_k$  — календар кунлари сони;

$K_d$  — дам олиш кунлари сони;

$K_b$  — байрам кунлари сони;

$t_{\text{см}}$  — смена вақти (ҳафтасига 6 кунлик — 7 соат);

$K_{bo}$  — дам олиш ва байрам олди кунлари сони.

Ҳайдовчининг ойдаги ҳақиқий иш вақти фонди хисоби куйидагича юритилади:

$$\Phi_{\text{оив}}^X = \Pi_{\text{см}} (T_u^{\text{см}} + t_{\text{мм}}); \text{ соат.}$$

Хайдовчининг ойдаги меъёрдан ошган соатлар ҳисоби қуидагича аниқланади:

$$\Phi = \Phi_{\text{оив}}^X - \Phi_{\text{оив}}^{\text{режа}}$$

17-жадвал

Битта автомобилга иккита хайдовчи биринтирилган кўринишдаги график тасвири

| Хайдовчилар | ой кунлари |   |   |   |   |   |   |   |   |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    | жами соатлар |
|-------------|------------|---|---|---|---|---|---|---|---|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|--------------|
|             | 1          | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30           |
| биринчи     | и          | н | д | и | о | и | о | и | о | и  | д  | и  | о  | и  | о  | и  | д  | и  | о  | и  | о  | и  | д  | и  | о  | и  | о  | и  | о  | 182,7        |
| иккинчи     | о          | и | н | д | и | о | и | о | и | о  | и  | п  | и  | о  | и  | о  | и  | д  | и  | о  | и  | о  | и  | д  | и  | о  | и  | о  | и  | 182,7        |

Бунда: автомобильнинг смена вақти — 11.5 соат, тайёрлов-тугаллаш вақти 0.38 соат. Иш кунлари сони (и) 15 кун, дам олиш кунлари сони (д) — 4 кун, смена орасидаги дам олиш кунлари сони (о) — 11 кун.

Хозирги вақтда хайдовчилар ишини бригада ва ижара пудрати услубида ташкил қилиш кенг тарқалган бригада пудрати услубида аъзолари сони 12+20 кишидан иборат бўлади. Автотранспорт корхонаси маъмурияти билан бир йил ёки маълум муддатта шартнома тузилади. Бригада пудратида иш ташкил қилинганда қуидаги тадбирларни бажариш кўзда тутилади:

- бригадага доимий буюртмачиларни беркитиши;
- ташиш ҳажмини ва уни бажариш муддатини белгилаш;
- ташиш ҳажмига қараб бригада аъзоларининг сонини аниқлаш;
- ҳаракатланувчи таркиблар турларини танлаш ва йўналишда иш режимини аниқлаш;
- бригада аъзолари ўртасида иш шароити ва вазифаларини муҳокама қилиш;
- бригада аъзолари билан келишилган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартибини ўрнатиш;
- бригада аъзолари ўз ичидан бригада бошлиғи ва ёрдамчисини танлайдилар;

— корхона раҳбари буйруги билан бригада бошлиғи ва ёрдамчисини тасдиқлайди;

— бригадага буортмачилар бўйича йиллик, чорак ва ойлик ташиш топшириқлари, меҳнат унумдорлиги-нинг ўсиши ва ташиш сифатини яхшилаш топшириқлари ўрнатилади.

Бригада пудрати услубида меҳнат унумдорлиги ўсибина қолмай, ташиш режасининг бажарилишига бригада аъзоларининг жавобгарлиги ва иш натижасига қараб моддий қизиқиши ортади.

Бригада аъзосининг ҳар бир кўшган ҳиссасига қараб меҳнатда қатнашиши коэффициентлари орқали меҳнат ҳисоби юритилади. Меҳнатта қатнашиш коэффициентини (МҚҚ) кўллаш ҳайдовчиларниң ўзлари бажарган ишларини тўғри баҳолашларига ҳамда шунга яраша ҳақ тўланишига имкон беради.

Ҳайдовчилар ишини ташкил қилишнинг якка тартибдаги ижара пудрати шаклида ҳайдовчи билан маъмурият ўртасида ижаравчилик муносабатлари ўрнатилади. Ижаравчилик муносабатининг мухим шарти ижарага олинган ҳаракатланувчи таркибга зарар етказмаслик ва ижара ҳақини вактида тўлаб туришdir.

### **Билимларни текшириш дастури**

**108. Юкларни ташишини ташкил қилиши ўз ичига нималарни олади?**

1. Ташишга тайёргарлик кўриш ва бажаришни
2. Ташишни бошқариш ва ҳисобни
3. Ҳисоб ва назорат қилишни
4. Ҳужжатларниң айланиси ва юк ташиш ҳисобини
5. Ташишга тайёргарлик кўриш, бошқариш, ҳисоб ва назорат қилишни

**109. Юк ташиши қондалари қандай ҳужжатда белгиланади?**

1. Прейскурант № 13-01-04 да
2. Автомобил транспорти низомида
3. Юк ташиш шартномасида
4. Юк ташиш буортмасида
5. Юк ташиш режасида

**110. Юк ташишлар ҳисоби қандай ҳужжатларда юритилади?**

1. Йўл варагасида
2. Йўл варагаси, товар-транспорт ҳужжати ва айрим ҳолатларда ўлчов актида
3. Товар-транспорт ҳужжатида
4. Ўлчов актида
5. Йўл варагаси ва ўлчов актида

**111. Ташилаётган юк товар характерида бўлса, товар-транспорт ҳужжати неча нусхада ёзилади?**

1. 2 нусхада
2. 3 нусхада
3. 4 нусхада
4. 1 нусхада
5. 5 нусхада

**112. Ташилаётган юк товар характеристига эга бўлмаса, товар-транспорт ҳужжати неча нусхада ёзилади?**

1. 2 нусхада
2. 3 нусхада
3. 4 нусхада
4. 1 нусхада
5. 5 нусхада

**113. Товар-транспорт ҳужжатининг № 2 ТМ формаси қайси ташишда қўйланади?**

1. Шаҳарда
2. Шаҳар атрофига ташишда
3. Шаҳарлараро ташишда
4. Шаҳар атрофига ва республикалараро ташишда
5. Халқаро ташишда

**114. Карьерлардан ташқари ишловчи автомобилларда юк ташиши ҳақи (даромади) қайси усулда аниqlанади?**

1. Ишбай тарифнинг 1-қисм, 2-пунктига асосан
2. Ишбай тарифнинг 1-қисми, 1-пунктига асосан
3. Ишбай тарифнинг 5-қисми, 2-пунктига асосан
4. Ишбай тарифининг 1-қисми, 1 ва 2-пунктларига асосан
5. Ишбай тарифининг 1-қисми 2 ва 3-пунктларига асосан

**115. Нон ва нон маҳсулотларини ташувчи фургон кузовли ҳаракатлашувчи қисмлар учун неча фоиз қўшимча тариф ҳақи белгиланади?**

1. 20 %
2. 30 %
3. 30% – 40 %
4. 50 %
5. 10%

**116. Цистерна кузовли автомобиллар учун ташиш масофаси 50 км.дача бўлганда неча фоиз қўшимча тариф ҳақи белгиланади?**

1. 20 %
2. 30 %
3. 30%
4. 50 %
5. 10%

**117. Цистерна кузовли автомобиллар учун ташиш масофаси 50 км.дан катта бўлганда неча фоиз қўшимча тариф ҳақи белгиланади?**

1. 20 %
2. 30 %
3. 30% – 40 %

4. 50 %

5. 10%

118. Юк ташиш шартномасидан нима аниқланади?

1. Юк ташиш ҳажмлари
2. Ҳисоб-китоб тартиби
3. Самарали юк ташиш йұналишлари
4. Юк ташиш ҳажмлари, ҳисоб-китоб тартиби, самарали юк ташиш маршрутлари
5. Ҳисоб-китоб тартиби, юк ташиш ҳажми

119. Марказлашган юк ташиш қандай услугуб ҳисобланади?

1. Ҳаракатланувчи қысмлардан фойдаланиш ва ташиш жараёнинг бажарилишини тәъминловчи
2. Ташиш жараёнининг бажарилишини тәъминловчи
3. Автокорхона, юк жүнатувчи ва юк қабул қылувчи ташкилотлар иштирок қылувчи
4. Автокорхона ва юқори транспорт ташкилоти иштирок қылувчи
5. Арапаш услугда ташишни тәъминловчи

120. Марказлашган юк ташишини ва экспедиция хизматларини автотранспорт корхонаси қандай ҳүзіжат асосида амалга оширади?

1. Мувоғиқлаштирилған график асосида
2. Йұналишга чиқыш ва қайтиш графиги асосида
3. Техник хизматларни үтказиш графике асосида
4. Ҳайдовчиларнинг йұналишда ишлаш графике асосида
5. Юқлаш-тушириш механизмларни ишлаш графике

121. Марказлашган юк ташишнинг қандай ташкилий турлари мавжуд?

1. Юк жүнатувчи асосида
2. Тармоқ ёки ҳудуд бүйіч транспорт корхонаси асосида
3. Шаҳарлараро юк ташишни марказлаштириш асосида
4. Юк жүнатувчи, тармоқ ёки ҳудуд бүйіч транспорт корхонаси асосида, шаҳарлараро юк ташишни марказлаштириш
5. Юк жүнатувчи ва юк қабул қылувчи асосида

122. Ҳайдовчининг тайёрлов түгеллаш вақты ишларини бажарыш учун кундалик тиббиёт күргигини ҳисобга олғыб сменага неча соат мөттөрланған вақт ажратылади?

1. 0,3
2. 0,38
3. 0,5
4. 0,2
5. 0,4

123. Ҳайдовчилар иш вақтини назорат қилиши учун қандай ҳисоб қорытылади?

1. Күнлік
2. Ойлік
3. Күнлік ва ойлік
4. Ылділік
5. Чорак

*124. Меъёрдан ошган иш соатлари ойда неча соатдан ошмаслиги керак?*

1. 4 соатдан
2. 6 соатдан
3. 8 соатдан
4. 10 соатдан
5. 12 соатдан

*125. Меъёрдан ошган иш соатлари йилига неча соатдан ошмаслиги керак?*

1. 100 соат
2. 110 соат
3. 120 соат
4. 180 соат
5. 130 соат

*126. Ҳайдовчиларнинг йўналишида ишлани неча сменали бўлади?*

1. 1 сменали
2. 1; 1.5 сменали
3. 1; 1.5; 2 сменали
4. 1; 1.5; 2; 3; сменали
5. 1; 2 сменали

*127. Автокорхона ҳисоб рақамида буюртмага ташкилотнинг ташиб ҳақининг неча фоиз маблағи бўлган ҳолатда буюртмаси қабул қилинади?*

1. 15 фоиздан юқори
2. 10 фоиз
3. 25 фоиз
4. 40 фоиз
5. 100 фоиз

## **8-б ў ли м**

### **Юк ташинида оператив раҳбарлик қилиш**

#### **8.1. АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ХИЗМАТИ ТАРКИБИ ВА ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИ**

Эксплуатация хизмати автотранспорт корхонасининг асосий бўгинини ташкил қилади. Белгиланган ташкилотлар бўйича ҳаракатланувчи таркибларни самарали ишлатиб юк ташибни ташкил қилиш эксплуатация хизматининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Автомобил транспортида эксплуатация хизматининг таркиби ва хизмат вазифалари бўлади. Марказлашманган тизимда автотранспорт корхонаси юк ташибни

бошқаришдаги барча ишларни ўзи бажаради. Бунда эксплуатация хизмати юк ташишни оператив режалаштиради, унинг бажарилишини назорат қилади, ҳисобга олади ва тъминлайди. Эксплуатация хизмати бўлимида: юк нозимлиги ва ҳисоб-китоб гурухлари ташкил қилинади. Юк гуруҳи шартномалар тузади, буортма-талабномалар қабул қилади, юк ташиш смена-сутка режаларини ишлаб чиқади, юк оқими ва юк айланнишини, юклаш-тушириш жойларининг ҳолати ва уларнинг механизмлар билан тъминланиши ва ҳоказоларни ўрганади.

Нозимлик гуруҳи юк ташишта оператив раҳбарлик қилади, автомобилларни йўналишга чиқаради ва қайтишини тъминлайди. Уларнинг йўналишидаги ишини назорат қилади. Иш куни охирида нозимлик ҳисботини беради. Нозимлик гуруҳи марказий ва йўналиш нозимларидан ташкил топади.

Ҳисоб-китоб гуруҳи юк ташиш ҳисобини қилади, бошлангич транспорт ҳужжатлари маълумотларини қайта ишлайди, буортмачи ташкилотлар бўйича автокорхонанинг ташиш режасини бажариш ҳисботини тузади, автокорхонанинг ишини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқади ва ҳоказо.

Марказлашган бошқариш тизимида оператив режалар тузиш ва юк ташишни бошқариш марказий эксплуатация хизмати ёки марказий нозимлик хизмати орқали амалга оширилади.

Автотранспорт корхонаси эксплуатация хизмати марказий нозимлик хизмати кўрсатмаларига мувофиқ автомобилларни йўналишга чиқаришни ташкил қилади.

Юк ташишнинг марказлашган тизимида бошқариш ишлари бир неча автокорхоналар учун марказлаширилади. Бунда катта ҳажмдаги маълумотлар йиғиш ва қайта ишлашга эҳтиёж пайдо бўлади. Шунинг учун марказий нозимлик хизмати таркибида ҳисоблаш маркази ташкил қилинади. Ҳисоблаш марказида автотранспорт корхоналари иш фаолиятидаги ҳисоб-китоблар, оператив режалар тузиш, бошлангич транспорт ҳужжатларини қайта ишлаш ва ҳоказолар бажарилади.

Автотранспорт корхонаси нозимлик гуруҳи ҳаракатланувчи таркибларнинг йўналишга график асосида чиқишини тъминлайди.

Ҳаракатланувчи таркибларнинг йўналишига чиқариш графигини автокорхона техник хизмати билан келишган ҳолда эксплуатация хизмати тузади.

Ҳаракатланувчи таркибларни йўналишга чиқариш кетма-кет, гуруҳ ва жамланма (колонна) услубларида амалга оширилади. Йўналишга чиқариш графиги асосида ҳайдовчиларнинг иш жадваллари тузилади.

## 8.2. ОПЕРАТИВ НОЗИМЛИК РАҲБАРЛИГИ ВА ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБНИНГ ЙЎНАЛИШДАГИ ИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Юк ташиш оператив нозимлик раҳбарлиги вазифаси юк ташишга буюртмалар қабул қилиш; смена-сутка режасини тузиш; автомобиларнинг йўналишга чиқиши ва қайтишини ташкил қилиш; йўналишдаги ишини кузатиб бориш, ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш; транспорт ишининг бетўхтовлиги ва самарадорлигини таъминлашдан иборатdir.

Автотранспорт корхонаси нозимлик гуруҳи ҳаракатланувчи таркибнинг йўналишдаги ишига раҳбарлик қилиш жараёнида қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

1. Юк юклаш-тушириш пунктлари, юк жўнатувчи ва юк қабул қилувчи ташкилотлар билан оператив алоқани таъминлаш.
2. Ўрнатилган йўналишларда автомобилларнинг ҳаракатини кузатиш.
3. Ҳар бир юк жўнатувчи ташкилотдан режа бўйича юк микдорининг ташилишини назорат қилиш.
4. Қисқа муддатли ва муҳим ташишларнинг биринчи навбатда бажарилишини таъминлаш, шароитта қараб юк ташиш йўналишларини ёки йўналишларда ишлайдиган автомобиллар сонларини ўзгартириш.
5. Йўналишда юк ташиш режасини бажариш мобайнида юзага келалиган бъзи бир камчиликларни барта-рафт қилишга чора кўриш.
6. Ҳайдовчилар талабномасига асосан йўналишга техник ёрдам автомобилларини жўнатиш.

Доимий юк айланишига эга бўлган йирик юк жўнатувчи ва қабул қилувчи ташкилотларда маҳсус нозимлик пунктлари ташкил қилинади. Масалан, темирйўл бош бекатидан контейнерларни ташишда, ялпиг юклар

(пакта, чигит, бүгдой, шоли, шағал) ташишда ва шунга үхшаш ҳолатларда.

Юк ташишни бошқаришда нозимлик алоқасини ташкил қилиш катта аҳамиятта эга. Бунда телефон, телеграф ва радио алоқасидан фойдаланилади.

Телефон алоқаси 2 ва кўп томонлама (селектор) гаплашиш имкониятини пайдо қиласди. Агарда юк пунктлари ва автотранспорт корхоналари шаҳар телефон тармоғига уланган бўлса, бундай алоқа АТС тармоғи орқали амалга оширилади.

Бевосита телефон алоқалари нозимлик комутаторлар орқали амалга оширилади. Бунда ДКЗ-40, ДКС-70 комутатор курилмаларидан фойдаланилади.

Телеграф алоқасида телетайп курилмаси ёрдамида турли масофаларга қисқа вақтда жуда юқори тезликда маълумотлар узатилади ва қабул қилинади.

Автомобил транспортида радиоалоқани кўллаш кенг тарқалган. Бунда радиоалоқа нозимлик пунктлари ва автомобиллар билан ташкил қилинади. Одатда, бундай алоқа воситаси каръерларда ва катта курилишларда ишлатилади.

Кейинги пайтларда сув иншоотлари, темир-йўл бош бекатлари, катта қурилишлар ва шу кабиларда телевизион алоқалари ишлатилмоқда. Бундай жойларда автомобилларнинг иши маҳсус телекамералар ёрдамида кузатилиб, бошқарилади.

Кўрилган тадбирий чоралар ҳайдовчиларга эшиттириш курилмалари орқали етказилади.

### **8.3. ЮК ТАШИШ УЧУН БУОРГМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ. СМЕНА-СУТКА ЮК ТАШИШ ОПЕРАТИВ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ**

Эксплуатация хизмати нозимлик юк гуруҳи буортмачи ташкилотлардан ташкил топиб, улар автомобилларнинг юк жўнатувчиларга бориши вақти, уларнинг манзилгоҳи, юк олиб бориладиган ташкилотнинг номи ва манзилгоҳи, юк ташиш масофаси ва бошқа маълумотларни таҳдил қилиб ва керакли аниқлик киритиб, маҳсус шаклда юк ташиш шартномасига асосан ташишга буортма қабул қиласди.

Буортма (талабнома) юк ташиладиган кундан 14 соат (шаҳарлараро юк ташишда 48 соат) аввал ёзма

тарзда берилади. Автотранспорт корхонаси буортмани қабул қилишдан бош тортиши ёки уни бошқа кунга кўчиришни юк жўнатувчи билан келишиши мумкин.

Автокорхона хисоб ракамида буортмачи ташкилот ташиш ҳақининг 15 фойздан юқори пул маблағи бўлган ҳолатда буортма қабул қиласди.

Биринчи навбатда баҳтсиз ҳодиса, бошқа транспорт ишини енгиллаштириш (темирийл транспортида контейнерларни ташиш) ва шу каби буортмалар қабул қилинади.

*Буортмачилар талаблари ва эҳтиёжларини, эксплуатацияга тайёр бўлган ҳаракатланувчи таркиблар сонларини ҳамда аниқ юк ташиш шароитини ҳисобга олган ҳолда суткалиқ (кунлик) юк ташиш режасини тузиш оператив режалаштириш деб айтлади.*

Смена-сутка режаси ҳаракатланувчи таркиблардан самарали фойдаланиб, белгиланган юк айланишининг бажарилишини таъминлайди.

Смена-сутка режасининг ташиш куни олдидан буортма асосида нозимлик юк гурӯҳи тузади.

Смена-сутка режасида ҳар бир автомобил ва ҳайдовчига кунлик (смена) топшириғи белгиланади. Агар автомобиллар икки сменада ишлатилаётган бўлса, кунлик режа сменаларга бўлиб тузилади.

Смена-сутка режаси тузилиб автотранспорт корхонаси директори томонидан тасдиқлангандан кейин нозимлик гурӯҳи ҳайдовчиларга йўл варажаси ёзib беради.

Йўл варажасида ҳайдовчига кунлик топшириқ кўрсатилади. Йўл варажасининг орқа томонида ҳайдовчига берилган топшириқнинг бажарилгани тўғрисида маълумотлар берилади. Бу маълумотлар товар-транспорт хужжати билан тасдиқланиши лозим. Кунлик юк ташиш бажарилгандан кейин топширилган йўл варажалари асосида ўтган кун учун нозимлик гурӯҳи ҳисобот тайёрлайди. Бу ҳисоботда кунлик бажарилган транспорт иши таҳлил қилинади.

Смена-сутка режасини тузиш тартибини куйидаги амалий мисолда кўриб чиқамиз. Масалан, кум, карьеридан уйсозлик комбинатига 630 тонна кум ташишга буортма қабул қилинган. Буортмада куйидаги маълумотлар кўрсатилган. Ўртacha ташиш масофаси 8 км. Автокорхонадан биринчи юклаш пунктигача 5 км, охир-

ги юк тушириш пунктидан автокорхонагача 5 км. Юклар учинчи йўл шароитида ташлади, юклаш ишлари экскаваторда механизация ёрдамида бажарилади. Ҳаракатланувчи таркибнинг ишда бўлиш вақти 16 соатга тенг. Смена-сутка режасини тузиш учун қуидаги ҳисобларни бажарамиз.

1. Кўрсатилган ҳажмдаги юкни ташиш учун юк кўтариувчанилиги 14 тонна бўлган КаМАЗ 53102, ГКБ 8527 русумли ҳаракатланувчи таркибни танлаймиз.

2. Қатновлар сонини аниқлаймиз:

$$t_{кв} = \frac{2\ell_{кв}}{V_t} + t_{кот} = \frac{2 \cdot 8}{28} + \frac{14+14}{60} = 1,03 \text{ соат}$$

3. Қатновлар сонини аниқлаймиз:

$$n_k = \frac{T_t - \frac{\ell_{H_1} + \ell_{H_2}}{V_t}}{t_{кв}} = \frac{16 - \frac{5+5}{28}}{1,03} = 15,18 \approx 15 \text{ қатнов}$$

4. Ҳаракатланувчи таркибнинг кунлик унумдорлигини аниқлаймиз:

а) тоннада:

$$Q = Пк q_n Y_c = 15 \cdot 14 \cdot 1 = 210 \text{ тонна}$$

б) ткмда:

$$P = Пк q_n Y_c l_{кв} = 15 \cdot 14 \cdot 1 \cdot 8 = 1680 \text{ ткм.}$$

5. Зарур ҳаракатланувчи таркиблар сонини аниқлаймиз.

$$A = \frac{\text{Орежа}}{Q} = \frac{630}{210} = 3 \text{ дона.}$$

6. Смена топшириғини аниқлаймиз:

а) Сменалардаги қатновлар сони:

$$n_k^I = \frac{n_k}{2} = \frac{15}{2} = 7,5 \approx 8 \text{ қатнов}$$

$$n_k^{II} = n_k^I - n = 15 - 8 = 7 \text{ қатнов}$$

б) Смена топшириғи

1-смена учун тоннада:

$$Q^I = n_k^I q_n Y_c = 8 \cdot 14 \cdot 1 = 112 \text{ тонна}$$

$$P^I = \Pi_k^I \text{ qн Yg lky} = 8 \cdot 14 \cdot 1 \cdot 8 = 896 \text{ ткм}$$

2-смена учун тоннада:

$$Q^II = \Pi_k^{II} \text{ qн Yc} = 7 \cdot 14 \cdot 1 = 98 \text{ тонна}$$

тонна-километрда.

$$P^II = \Pi_k^{II} \text{ qн Yg lky} = 7 \cdot 14 \cdot 1 \cdot 8 = 784 \text{ ткм}$$

Жами күнлик топшириқ:

а) тоннада

$$Q = Q^I + Q^{II} = 112 + 98 = 210 \text{ тонна}$$

б) т.км да

$$P = P^I + P^{II} = 896 + 784 = 1680 \text{ ткм}$$

#### 8.4. АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ИШГА ЧИҚИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ИШГА ЧИҚАРИШ ГРАФИГИНИ ТУЗИШ

Нозимлик гуруҳи ҳаракатланувчи таркибни йўналишга чиқариш графиги асосида ишга чиқишини ташкил қиласиди. Ҳаракатланувчи таркибни ишга чиқариш графиги эксплуатация хизмати томонидан техник хизмат билан келишилган ҳолда тузилади. Ҳаракатланувчи таркиблар йўналишга маълум вакт оралиғида ёки узлуксиз ҳолатда чиқарилади.

Йўналишга чиқиш графигини тузишда қўйидагилар хисобга олинади. Жумладан, режа бўйича ҳаракатланувчи таркибларни бир суткала ишга чиқариш ўртача сони, ҳаракатланувчи таркибларнинг йўналишдаги ишларининг давомийлиги, ойлик график асосида автомобилларга 2 ТХК ва ЖТ ишларининг ташкил этилиши, хизмат кўрсатилаётган мижозларининг иш режими, юклаб-тушириш ишларини бажариш усули.

Автомобилларни ишга чиқиш графигига мувофиқ равишда ҳайдовчиларни ишлаш графиги тузилади.

**Ҳаракатланувчи таркибинг йўналишга чиқиш ва қайтиш графиги**

| Автомобилларни йўналишга чиқиш графиги                                 | Чиқиш бўйича тартиб рақами | Сутка соатлари                                                                         |                                                  |
|------------------------------------------------------------------------|----------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------|
|                                                                        |                            | 1.2.3.4.5.6.7.8.9.10.11.12.13.14.15.16.17.18.19.20.                                    |                                                  |
| ж<br>ў<br>н<br>а<br>т<br>и<br>ш<br><br>ҳ<br>у<br>ж<br>ж<br>а<br>т<br>и | AЭ1<br><br>AЭп             | Чиқишнинг бошланиши<br><br>Чиқиш<br><br>Йўналишда иш вақти Ти.<br><br>Чиқишнинг тугаси | Қайтишнинг бошланиши<br><br>Қайтиш<br><br>Қайтиш |

Ҳозирги пайтда илғор автотранспорт корхоналарида йўналишга чиқишини ва қайтишини оператив назорат қилиш учун турли курилмалардан фойдаланилади. Нозимлик хонасида маълумот таблоси, алоқа тармоғи ва бошқариш пульти бўлади. Бошқариш пульти орқали маълумот таблосидаги гараж рақамига мувофиқлашган чирокнинг ёниши автомобилларнинг йўналишга чиққанлигини кўрсатади. Нозимлик гуруҳи томонидан юқори ташкилотта, йўналишга чиқарилган ҳаракатланувчи таркиблар сони ва ташиш тури ҳақида маълумотлар бериб борилади.

### **8.5. ЮК ТАШИШНИ БОШҚАРИШДА АЛОҚА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Юк ташишни бошқаришда нозимлик гуруҳларини йўналиш нозимлари, юк жўнатувчи ва юк қабул қилувчилари ҳамда айрим автомобиллар билан алоқасини ташкил қилиш мухим аҳамиятга эга. Бунинг учун уяли ва умумфойдаланадиган телефон алоқа тармоқларидан,

телеграф ва радио телефон алоқаларидан фойдаланилади.

Телетайпнинг афзалиги маълумотномани қисқа вақтда жуда юқори аниқликда етказишидир. Телетайпда матн ёзув машинасига терилади, сўнгра узатиш курилмасига берилади. Телетайп аппарати матнни автоматик равища ёзиб олади ва узатади.

Автомобил транспортида турли хил гизимдаги радио ва радиотелефон алоқаларидан фойдаланилади. Бунда ўрта қисқа тўлқинли радиостанциялар қўлланилади. Ушбу радиостанциялар қўзғалмас, ҳаракатланувчи марказий ва абонент турларида бўлади.

Ҳаракатланувчи радиостанциялар асосан автомобилларга ўрнатилади. Марказий радиостанциялар қўзғалмас ва ҳаракатланувчи турда бўлади. Кўзғалмас ва ҳаракатланувчи радиостанциялар алоқа узунлиги 20—30 километрни ташкил қиласди.

### **8.6. ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБ ИШИННИНГ ОПЕРАТИВ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИ**

Автотранспорт корхонасининг эксплуатация бўлими ҳисоб-назорат гуруҳи ҳаракатланувчи таркиб иши натижаси бўйича оператив ҳисобни йўл ва рақаси ва товар-транспорт ҳужжатига асосан юритилади.


Ҳайдовчи йўналишдан қайтгандан кейин йўл ва рақаси билан товар-транспорт ҳужжатини навбатчи диспетчерга топширади. Нозим бу ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганини, йўл ва рақасидаги ёзувларнинг товар-транспорт ҳужжатига тўғри келишини, смена топшириқларининг бажарилишини ва бошқа маълумотларни жуда аниқлик билан текшириши керак.

Навбатчи нозим ҳужжатларни расмийлаштиришда йўл кўйилган хатоликлар, смена топшириқларининг бажарилмаслиги ва шу каби камчиликларни аниқлаб катта нозимга маълумот бериши лозим.

Ҳисоб-назорат гуруҳи йўл ва рақаси ва товар-транспорт ҳужжатининг дастлабки ишловини қиласди. Дастлабки ишлов куйидаги ишларни ўз ичига олади: умумий ва юкли масофани ҳисоблаш, юрилган умумий масофани спидометр кўрсаткичи билан тақослаш, ҳаракатланувчи таркибининг иш, ҳаракат ва тўхтаб туриш вақтларини, натижавий ишини (қатновлар сони,

ташилган юк ҳажми ва юк айданиши) аниқлаш; кўлланилётган тариф асосида транспорт иши ва бошқа хизматлар ҳисобини қилиш.

Йўл варақалари ва товар-транспорт ҳужжатлари дастлабки ишловдан кейин яна қайта ишловини бажариш учун режа-иктисод ва ҳисоб бўлимларига берилади.



8.1-расм. Ҳужжатларнинг айланиш тасвири.

Бу ерда:

1. Юк ташиш режаси.
2. Юк ташиш шартномаси.
3. Юк ташиш буюртмаси.
4. Оператив юк ташиш режаси.
5. Юк ташиш учун ҳаракатланувчи қисмларнинг тайёргарлиги хақида маълумот.
6. Йўл варақалари.
7. Йўл варақаларини рўйхатга олиш ҳисоби қайдномаси.
8. Товар-транспорт ҳужжати.
9. Юк ташиш сметлари.
10. Техник-эксплуатацион кўрсаткичлар ҳисоби.
11. Автошиналарнинг юрган масофаси ҳисоби.

Катта нозим, автотранспорт корхонаси раҳбарига ва юқори ташкилотта кундуз соат 12 гача күнлик иш якуни тұғрисида нозим ҳисоботини беради. Ҳаракатланувчи таркибининг йұналишга чиқарилиши ва йўл варажалари ишлови маълумотномалари асосида автотранспорт корхонаси смена-сутка ташиш режасининг бажарилишини таҳлил қиласи ва камчиликларни аниқлайди. Таҳлил натижалари бўйича камчиликларни бартараф қилиш тадбирлари белгилаб чиқиласи.

### **Билимларни текшириш дастури**

**128. Нозимлик гурӯҳи қандай ишларни бажаради?**

1. Юк ташишга оператив раҳбарлик қиласи
2. Автомобилларни йўналишга чиқарали
3. Автомобилларни йўналишдаги ишини назорат қиласи
4. Иш куни охирида диспетчир ҳисобини беради
5. Автомобиллар ишини ташкил қилиш, бошқариш ва назорат қилиш

**129. Ҳисоб-китоб нозим гурӯҳи қандай ишларни бажаради?**

1. Юк ташиш ҳисобини қиласи
2. Бошлангич транспорт ҳужжатлари маълумотларини қайта ишлайди
3. Ташиш ҳисоботини тайёрлайди
4. Автокорхонанинг ишини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқади
5. Бошлангич ҳужжатларни қайта ишлаш, ҳисоблаш ва ҳисобот тайёрлаш

**130. Ҳаракатланувчи таркибларнинг йўналишга чиқиши графигини қайси хизмат тайёрлайди?**

1. Эксплуатация
2. Техник
3. Эксплуатация хизмати техник хизмат билан келишилган ҳолда тузади
4. Техника таъминоти бўлими
5. Эксплуатация ва таъминот бўлими

**131. Юк ташиши учун буюртма ёзма равишда ташиши бошланниши кунидан неча соат олдин қабул қилиниши тўхтатилади?**

1. 12 соат ( шаҳарлараро юк ташинида 48 соат)
2. 16 соат ( шаҳарлараро юк ташинида 52 соат)
3. 24 соат
4. 2 соат
5. 4 соат

**132. Автокорхона ҳисоб рақамида буюртмачи ташкилотнинг ташиш ҳақини неча фойз маблаги бўлган ҳолатда буюртмаси қабул қилилади?**

1. 15 фоиздан юқори
  2. 10 фоиз
  3. 25 фоиздан юқори
  4. 30 фоиздан юқори
  5. 100 фоиз
- 133. Смена-сутка режасида нима белгиланади?**
1. Автомобил ва ҳайдовчига күнлік (смена) топшириғи
  2. Автомобилга күнлік топшириқ
  3. Ҳайдовчига ойлик ва ўн күнлік топшириқ
  4. Бир Ыншылар жөндеу мөмкін
  5. Ҳайдовчиларга ойлик
- 134. Ҳаракатлануучы қысм иши нағызаси қандай ұжымжатта асосан жүртілади?**
1. Йүл варақаси
  2. Юк ташиш смена-сутка режасига
  3. Ойлик юк ташиш режасига
  4. Товар-транспорт ұжымжатига
  5. Йүл варақаси, юк ұжымжаты, ташиш режасига
- 135. Йүл варақалари ва товар-транспорт ұжымжатлари дастлабки шиловдан кейин яна қайта шиловини бажарииш учун қайси бўлимларда берилади?**
1. Техник бўлимга
  2. Таъминот бўлимига
  3. Режа-иқтисод бўлимига
  4. Режа-иқтисод ва ҳисоб бўлимларига
  5. Ҳисоб бўлимига
- 136. Куплик иш якуни түғрисида диспетчер ҳисоботи қайси вақтда корхона раҳбарига берилади?**
1. Кундуз соат 12 гача
  2. Кундуз соат 14 гача
  3. Кундуз соат 15 гача
  4. Кечкүрун соат 18 гача
  5. Эрталаб соат 9 гача

## 9-б ў ли м

Автомобил транспортида юклаб-тушириш ишларини ташкил қилиш ва механизациялаш

### 9.1. ЮКЛАБ-ТУШИРИШ ИШЛАРИ ВА УНИ БАЖАРИШ ҮСУЛЛАРИ

Транспорт жараёни ўз ичига юклаш, ташиш ва тушириш ишларини олади. Автомобилларда юк ташиш масофасининг қисқалиги сабабли транспорт жараёни-

да юклаб-тушириш ишларига кўп вақт сарфланади. Юклаб-тушириш ишларини механизациялаш натижасида автомобилларнинг иш унумдорлиги ўсади ва ташиб таннархи камаяди.

Юклаб-тушириш ишлари асосий ва ёрдамчи юклаб-тушириш ишларидан ташкил топади.

Асосий юклаб-тушириш ишларига:

- юкни кўтариб юклаш;
- ўрнидан силжитиш;
- юкни тушириш;
- юкни таҳлаш ва жойлаштириш киради.

Ёрдамчи юклаб-тушириш ишларига:

- юкларни илгичларга илдириш ёки ажратиб олиш;
- юкни йўналтириш;
- маҳкамлаш ва бошқалар киради.

Юклаб-тушириш ишлари кўйидаги усулларда бажарилади: кўлда, механизмда, автоматларда.

Юклаб-тушириш ишлари кўлда бажарилганда автомобилларнинг юклаб-тушириш пунктларида кўп тўхтаб қолиши ҳисобига халқ хўжалиги катта зарар кўради. Бундай ишларни бажариш учун кўп кўл меҳнати талаб қилинади.

Умумий бажарилган юклаб-тушириш ишларидан машиналар билан бажарилган юклаб-тушириш ишларининг микдорига қараб механизациялаштириш даражаси 2 турда бўлади, яни:

1. Қисман механизациялашган.
2. Тўлиқ механизациялашган.

Қисман механизациялашган турида автомобилларга юкни юклаш ва тушириш ишлари машина ва механизмлар ёрдамида тўлиқ бажарилмайди, чунки юклаш-тушириш жараёнида ишчиларнинг кўл меҳнатидан ҳам фойдаланилади. Агар юклаб-тушириш жарёнида кўл меҳнатидан фойдаланилмаса, юклаб-тушириш ишлари тўлиқ механизациялашган бўлади.

Комплекс механизациялашган усулдаги юклаб-тушириш ишлари факат машина ёки машиналар тизими ёрдамида бажарилади, ишчилар кўл меҳнатидан умуман фойдаланилмайди. Бу усулда инсоннинг фаолияти машиналарни бошқаришдан иборат бўлади холос.

Автоматлашган усулдаги юклаб-тушириш ишлари машина ва механизмлар ёрдамида олдиндан тузилган дастур асосида бажарилади.

## **9.2. АВТОМОБИЛЛАРНИ ЙОКЛАБ-ТУШИРИШ ПУНКТЛАРИДА ТҮХТАБ ТУРИШ ВАҚТИ**

Автомобил транспортида транспорт юклари қисқа масофаларга ташилади. Шунинг учун ҳам автомобилларнинг юклаб-тушириш пунктларида түхтаб туриш вақти умумий иш вақтининг ўртача 25 фойзигача қисмини, айрим турдаги юклар учун эса 50 фойзигача қисмини ташкил қылади. Юклаб-тушириш пунктларида автомобилларнинг түхтаб туриш вақти юклаб-тушириш ишларини бажариш усулига боғлиқ бўлади.

Меҳнат унумдорлигининг даражаси ва ташиш таннархига юклаб-тушириш вақти катта таъсир кўрсатади.

Автомобилларнинг юклаб-тушириш пунктларида түхтаб туриш вақти юк хужжатига асосан аниқланади. Юк хужжатида автомобилнинг юклаб-тушириш пунктига келган ва кетган вақтлари қайд қилинади.

Автомобилнинг юклаб-тушириш пунктига келганидан кетганингача оралигидаги вақти юклаб-тушириш пунктида түхтаб турган вақтини ташкил қылади. Юклаб-тушириш вақтининг таркиби қуидагича бўлади:

- юклаб-туширишни кутиш вақти;
- автомобилни юклаб-тушириш пунктида жойлаштириш вақти;
- юклаб-тушириш ишларини бажариш вақти;
- хужжатларни расмийлаштириш вақти.

Айрим ҳолатларда юклаб-туширишни кутиш вақти автомобилни юклаб-туширишда туриш вақтидан ҳам катта бўлади. Юклаб-туширишни кутиш вақтини камайтириш ташишни тўғри ташкил қилиш натижасида амалга оширилади. Йўналишдаги автомобиллар сони пунктларнинг ўтказувчанлигига мос келиши керак.

Автомобилларни юклаб-тушириш пунктларида жойлаштириш вақти, майдон юзасига ўлчамларига, ҳаракатланувчи таркиб турига, кириш йўлларининг ободонлаштирилганлигига, ҳаракатланувчи таркибни ва юклаб-тушириш машиналарини жойлашиш тасвирига боғлиқ бўлади.

Юклаб-тушириш ишларини бажариш вақти автомобилнинг юк кўтарувчанлигига ва юк турига боғлиқ бўлади. Юклаб-тушириш ишлари кўлда бажарилганда юклаб-тушириш пунктларида туриш вақти фақатгина ав-

томобилнинг юк кўтарувчанлигига боғлиқ бўлмасдан балки юк турига, ишчилар сонига ва малакасига ҳам боғлиқ бўлади.

Юклаб-тушириш ишлари механизациялашган усулда бажарилганда юклаб-тушириш пунктларида туриш вақти машина тури ва унинг иш унумдорлигига, машина-нинг ишлари шароитига боғлиқ бўлади. Бевосита юклаб-тушириш ишлари асосий жараёнга киради. Ёрдамчи жараёнга автомобил кузови эшикларини ёки бортларини очиш ва беркитиш, юкни ўлчаш ва санаш, юк устини брезент ёки шолча билан беркитиш, юкни боғлаш, тамғалаш ва бошқа ишлар киради.

Хужжатларни расмийлаштириш вақтининг қиймати иш нотўғри ташкил қилинганда асосий юклаб, тушириш вақтларидан ҳам ошиб кетади.

Хужжатларни расмийлаштириш жараёни юклаб-тушириш ишларини бажариш билан бир вақтда амалга оширилганда автомобилларнинг тўхтаб туриш вақти анчага камаяди.

Автомобилларни юклаб-тушириш пунктларида тўхтаб туриш меъёрий вақти меҳнатни меъёrlаш асосида белгиланади. Бу вақт автомобилнинг юк кўтарувчанлигига, юк турига ва юклаб-тушириш ишларини бажариш усулига боғлиқ бўлади.

### Меъёрий маълумотлар

Автомобилларнинг (автопоездларнинг) юклаш ва тушириш пунктларида тўхтаб туриш меъёр вақтлари куидаги ўлчамларда бўлади:

1. Бортли автомобиллар (1), фургон-автомобиллар, стандарт тент билан жиҳозланган тиркама ва ярим тиркамали автомобиллар, автомобилдан олинмасдан тушириладиган (юкландиган) универсал контейнерлар (2) учун:

21-жадвал

| Жўнатиш масофаси, тонна                                                | Юклаш ва тушириш меъёр вақти, минут |    |
|------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------|----|
|                                                                        | I                                   | II |
| — 1,0 тоннагача                                                        | 12                                  | 13 |
| — 1,0 тоннадан ортиқ ҳар бир тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган тоннага кўшилади | 2                                   | 2  |

**2. Ағдарма-автомобиллар ва турли цистернали автомобиллар учун:**

22-жадвал

| Харакатланувчи қисм                                        | Бир тоннага меъёр вақти, минут |
|------------------------------------------------------------|--------------------------------|
| 1. Карьердан ташқарыда ишловчи ағдармали автомобиллар учун | 1,0                            |
| 2. Карьерларда ишловчи ағдарма автомобиллар учун           | 0,2                            |
| 3. Цистерна-автомобиллар учун                              | 4,0                            |

3. Пахтани тарасиз услугуда ташишда механизациялашган юклаб-тушириш ишлари учун 1 тонна юкни юклашга 10.2 минут, 1 тонна юкни тушаришга 6.8 минут меъёр вақти белгиланади.

**Эслатма:** Юклаш-тушириш ишлари кўлда бажарилганда меъёр вақти 50% га ошади.

4. Универсал контейнерларни ташувчи автомобилга механизациялашган юклаш-тушириш ишлари учун 1 дона контейнерни юклашга ёки автомобилдан уни тушаришга қуидагича меъёр вақти белгиланади:

23-жадвал

| Брутто массаси, тонна | 1 дона контейнерни юклаш ёки тушариш меъёр вақти, минут |
|-----------------------|---------------------------------------------------------|
| 0,63                  | 4                                                       |
| 1,25                  | 4                                                       |
| 2,5—3,0               | 7                                                       |
| 5,0                   | 7                                                       |
| 10,0                  | 10                                                      |
| 20,0                  | 10                                                      |
| 25,0                  | 12                                                      |
| 30,0                  | 12                                                      |

5. Юклаш-тушириш пунктларида қўшимча жараёнларни бажариш қуидаги меъёр вақти белгиланади:

| Күшимчалар номи                                                             | Меъёр вақти, минут |
|-----------------------------------------------------------------------------|--------------------|
| 1. Автомобиль тарозиларида юкларнинг ўлчами (юксиз ёки юк билан биргаликда) | 4                  |
| 2. Юк ўринларинни ҳисоблаш                                                  | 4                  |
| 3. Оралық юклаш ёки тушириш пунктларига кириш                               | 9                  |

### 9.3. ЮКЛАБ-ТУШИРИШ ПУНКТЛАРИ

Юклаб-тушириш пункти деб юкларни қабул қиласидиган, жўнатадиган, сақладиган ва хужжатларни расмийлаштирадиган жойга айтилади. Юклаб-тушириш пунктлари доимий ва вақтингчалик турда бўлади. Доимий пунктларда юклаб-тушириш ишлари узоқ вақт давомида бажарилади. Вақтингчалик юклаб-тушириш пунктларидаги эса юклаб-тушириш ишлари киска муддатда ёки мавсумий даврда бажарилади.


Юклаб-тушириш пунктлари таркибида юклаб-тушириш постлари бўлади.

Юклаб-тушириш постлари деб, бевосита юклаб-тушириш ишлари бажариладиган майдонга айтилади. Юклаб-тушириш ишлари механизацияланган усулда бажарилганда юклаб-тушириш постлари юклаб-тушириш машиналари билан жиҳозланган бўлади.

Юклаб-тушириш кенглиги постлар сонига, автомобилларнинг габарит ўлчамларига ва танланган юклаб-тушириш машиналарига боғлиқ бўлади.

Юклаб-тушириш пунктлари кириш йўллари, автомобилни маневр қилиш учун майдончалар, юкларни саралаш ва саклаш учун омборлар, торози, майший хизмат хоналари, юклаб-тушириш жараёнида қўлланиладиган керакли курилма ва жиҳозлар билан ҳам жиҳозланган бўлади. Юклаб-тушириш постларида автомобиллар қўйидаги тартибда жойлаштирилади:

- а) автомобиль ён томони билан;
- б) автомобиль орқа томони билан;
- в) қия ёки зинасимон тартибда.



9.5-расм

Юклаб-тушириш постларида автомобиллар жойлашиш тартибини танлашда омборлар ва кириш йўлларининг жойлашишини, юклаб-тушириш машиналарининг мақсадга мувофиқлигини, ҳаракатланувчи таркиб турини ва бошқаларни ҳисобга олиш лозим.

Юклаб-тушириш кенглиги қуидаги формулалар орқали аниқланади:

1. Автомобиллар ён томони билан жойлаштирилганда:

$$\text{Лютк} = A (Ha + a) + a ; \text{метр}$$

2. Автомобиллар орқа томони билан жойлаштирилганда:

$$\text{Лютк} = A (Ba + v) + v ; \text{метр.}$$

Бунда:  $A$  — автомобиллар сони;

$Ha$  — автомобилнинг узунлиги;

$Ba$  — автомобилнинг эни;

$a$  ва  $v$  — автомобиллар оралиғидаги масофа,  $a=1\text{м}$ ,  $v=1,5 \text{ м}$  дан кичик эмас.

#### 9.4. ЮКЛАБ-ТУШИРИШ ПУНКТЛАРИНИНГ ҮТКАЗУВЧАНЛИК ҚОБИЛИЯТИ

Юкраб-тушириш пунктлари автомобилларни юкраб-туширишда кам вақт туришини таъминлаши керак. Юкраб-тушириш пунктлари ишини характерловчи кўрсаткичлардан бири унинг ўтказувчанлик қобилияти хисобланади.

Юкраб-тушириш пунктларининг ўтказувчанлик қобилияти автомобилларнинг иш унумдорлигига сезиларли таъсир кўрсатиб юкраб-тушириш постларининг ўтказувчанлик қобилиятига ва сонига боғлиқ бўлади.

Постларнинг ўтказувчанлик қобилияти қўйидаги формула билан аникланади:

а) Тонналарда

$$M_t = \frac{1}{t \cdot \eta_h} ; \text{ т/соат}$$

б) Автомобилларда

$$M_a = \frac{1}{t \cdot q_h \cdot \eta_h} ; \text{ автомобиль / соат}$$

Бунда:  $t_t$  — бир тонна юкни юклаш ёки тушириш вақти, соат;

$q_h$  — автомобилнинг юк кўтарувчанилиги, т;

$\eta_c$  — автомобилнинг юк кўтарувчанилигидан фойдаланиш коэффициенти;

$\eta_h$  — автомобилларни юкраб-тушириш пунктларига нотекис келишини ифодаловчи коэффициенти, у автомобиллар ва юкраб-тушириш машиналари ишининг ташкил қилининишига боғлиқ бўлади ва 1—2 га тенг бўлади.

Нотекислик коэффициенти автомобилларни юкраб-тушириш пунктларига келишининг графикдан фарқ қилиш вақтлари йигиндисини, постнинг белгиланган иш ритмига нисбати билан аникланади.

*Масалан.* Агар автомобилларнинг постга келишини графикдан ўртача фарқ қилиш вақти 5 минут, пунктнинг иш ритми 10 минут бўлса, нотекислик коэффициенти 1,5 га тенг бўлади.

$$\eta_h = \frac{5 + 10}{10} = 1,5.$$

Постнинг ўтказувчанлик қобилияти асосида пунктнинг суткадаги иш унумдорлиги аниқланади:

а) тоннада  $Q_{\pi}^T = M_t T$ ; т/соат

б) автомобилларда  $Q_{\pi}^a = M_a T$ ; автомобиль/соат.

Бунда:  $T$  — постнинг бир суткадаги ишлаш вақти, соат;

Бир хил ўтказувчанликка эга бўлган пости бор пунктнинг ўтказувчанлиги:

$$\Pi = MN$$

Бунда:  $M$  — постнинг ўтказувчанлиги;

$N$  — бир хил ўтказувчанликка эга бўлган постлар сони.

Ҳар хил ўтказувчанликка эга бўлган постли пунктнинг ўтказувчанлиги:

$$\Pi = M_1 + M_2 + \dots + M_p.$$

Бунда:  $M_1, M_2, \dots, M_p$  ҳар бир постнинг ўтказувчанлиги.

*Масала.* Юқлаш-тушириш пункти 4 та постга эга, юк ЗИЛ-130 автомобилида ташилади, 1т юкни юқлаш вақти 6 мин. автомобиль юклаб-тушириш пунктларига текис келади.  $\eta_h = 1$  автомобильнинг юк кўтарувчанилигидан фойдаланиш коэффициенти  $Y_c = 1,0$  га teng бўлса, пунктнинг тоннадаги ва автомобиллар сони бўйича ўтказувчанлик қобилияти аниқлансин.

Ечиш:

$$\Pi_t = M_t N = \frac{N}{t \cdot \eta_h} = \frac{4}{0,05 \cdot 1} = 80 \text{ тонна/соат}$$

$$\Pi_a = M_a N = \frac{N}{t \cdot q_y \eta_h} = \frac{4}{0,05 \cdot 16 \cdot 1 \cdot 1} = 5 \text{ автомобиль}$$

## 9.5. ЮКЛАБ-ТУШИРИШ ПОСТЛАРИ СОНИНИ АНИҚЛАШ

Берилган ҳажмдаги ишни бажариш учун автомобилларни юкаб-тушириш постларида турыш вақтини ва мәхнат сарфини камайтириш лозим. Юкаб-тушириш ишларини бажариш учун эса зарур юклаш ва тушириш постлари сонини аниқлаш керак.

Бир суткадаги юк жүннатиш ҳажмининг ишлаш вақтига нисбати билан пунктдаги зарур постлар сони күйидеги формуладан аниқланади:

$$N = \frac{Q_c}{Q_n^r} = \frac{Q_c}{M_r T} = \frac{Q_c t_{io} \eta_h}{T} .$$

Бунда:  $Q_c$  — суткадаги юк жүннатиш ҳажми; тонна.

Автомобиллар билан ва юкаб-тушириш пунктлари ишини мослашда пунктнинг иш ритми ( $R$ ) ва автомобилларнинг ҳаракат интервали ( $J_a$ ) ҳисобга олинади. Пунктнинг иш ритми деб, юкландын ёки туширилған автомобилнинг пунктідан жүннатиш оралиқ вақтига айтилади. Пунктнинг иш ритми автомобилларнинг юкаб-тушириш пунктларыда тұхтаб турыш вақтига ва пунктдаги постлар сонига бөлек бўлади:

$$R = \frac{t_{io}(T) \eta_h}{N}; \text{ соат},$$

бунда:  $t_{io}(t)$  — юклаш ёки тушириш вақти, соат;  
 $N$  — пунктдаги постлар сони.

Автомобилларнинг ҳаракат интервали деб автомобилларни юклаш ёки тушириш пунктінде келиш оралиқ вақтига айтилади ва автомобил айланиш вақтининг йўналишдаги автомобиллар сонига нисбати билан аниқланади:

$$J_a = \frac{t_a}{A_i}; \text{ соат } t_a = t_x + t_{tot} = \frac{\ell_{io}}{V_t \beta} + t_{io} + t_i; \text{ соат},$$

бунда:  $t_x$  — автомобилнинг ҳаракатдаги вақти, соат;

$t_{tot}$  — юкаб-тушириш вақти, соат;

$\ell_{io}$  — юкли қатнов узунлиги, км;

$\beta$  — масофадан фойдаланиш коэффициенти;

$V_t$  — техник тезлик, км/соат;

$t_{lo}$  — юклаш вақти, соат;

$t$  — тушириш вақти, соат.

Пунктнинг иш ритми ва автомобилларнинг ҳаракат интервали тенглик шарти ( $R=Ja$ ) бажарилгандагина пунктда автомобиллар юклаш ёки туширишни кутиб туриб қолмайдилар.

Ушбу тенгликтан фойдаланиб зарур юклаш ёки тушириш постлари сонини аниқлаш мумкин:

$$N = \frac{t_{lo}(m)\eta}{Ja} = \frac{A/t_{lo}(m)\eta}{ta}.$$

Пунктнинг бетўхтов ишлари учун зарур автомобиллар сони қўйидаги формуладан аниқланади:

$$A_{il} = \frac{Nta}{t_{lo}(t)\eta_h}.$$

Бунда:  $t_{lo}(t) = t_q Y$  бўлса

$$A_{il} = \frac{Nta}{qyt\eta_h} \text{ бўлади.}$$

Пунктнинг маълум иш ҳажмини бажариш учун зарур автомобиллар сони қўйидагича аниқланади:

$$A_{il} = \frac{Qct_a}{TqY};$$

бунда:  $N$  — пунктдаги постлар сони;

$ta$  — автомобилнинг айланиш вақти, соати;

$t_{lo}(t)$  — юклаш ёки тушириш вақти, соат;

$\eta_h$  — автомобилларнинг юклаш ёки тушириш пунктага келишининг нотекислик коэффициенти;

$t_t$  — бир тонна юкни юклаш ёки тушириш вақти;

$Y$  — автомобилнинг юк кўтарувчанлигидан фойдаланиш коэффициенти;

$Q$ сут — пунктнинг бир суткадаги иш ҳажми, т;

$T$  — иш вақти, соат.

### I-масала.

8 та КАМАЗ-5511 автомобили тўхтовсиз ишлари учун зарур юклаб-тушириш постлари сони аниқлансин. Агарда юкли қатнов узунлиги  $l_{юк}=3$ км, масофадан фойдаланиш коэффициенти  $B=0.5$ , автомобилнинг юк кўтарувчанлигидан фойдаланиш коэффициенти  $Y=1$ , техник тезлик  $V_t=20$  км/соат, автомобилни юклаш

вақти  $t_{io}=10$  минут, тушириш вақти  $t_T=10$  минутта тенг автомобиль юклаш ва тушириш пунктларига текис келади.

Берилған мағынамоттар:

Ай = 8 автомобиль

Іюк = 3 км

В = 0.5

Y = 1

$V_T = 20$  км/соат

$t_{io} = 10$  минут

$t_T = 10$  минут

$\eta_h = 1$

$N = ?$

*Ечиш.*

1. Автомобилнинг айланиш вақти:

$$t_a = \frac{\ell_{io}}{V_T \beta} + t_{io} + t_T = \frac{3}{205} + \frac{10+10}{60} = 0,63 \text{ соат}$$

2. Ҳаракат интервали:

$$J_a = \frac{t_a}{A_a} = \frac{0,63}{8} = 2,11 \approx 2 \text{ пост}$$

3. Юклаш постлари сони:

$$N_{io} = \frac{t_{io}}{J_a} = \frac{0,17}{0,079} = 2,11 \approx 2 \text{ пост}$$

4. Тушириш постлари сони:

$$N_T = \frac{t_T}{J_a} = \frac{0,17}{0,079} = 2,11 \approx 2 \text{ пост}$$

*2-масала.*

Тарали донадор юкларни ташиш учун зарур автомобильлар ва юклаш постлари сони аниқлансинг. Агарда корхонанинг бир суткада жүнатадиган юк микдори  $Q_{cut}=320$  т, постнинг ишлеш вақти  $T=10$  соат, автомобильни юк күтәрүчанлигидан фойдаланиш коэффициенти  $\gamma = 1$ , автомобильни юклаш вақти  $t_{io}=18$  мин, тушириш вақти  $t_T = 18$  мин, юкли қатнов узунлиги  $l_{ju} = 8$  км, техник тезлик  $V_T=32$  км/соат, масофадан фойдаланиш коэффициенти  $B=0,5$ , автомобильни корхонага келиш нотекислик коэффициенти  $\eta_{ii} = 1,2$  бўлса,

юк ташиш ишлари ГАЗ-53А автомобилида бажарилади.

Берилганлар маълумотлар:

Qсут = 320 т, T = 10 соат, γ = 1, t<sub>io</sub> = 18 мин, t<sub>r</sub> = 18 мин, ℓ<sub>кү</sub>=8 км, V<sub>T</sub>=32км/соат, η<sub>H</sub>=1,2, A<sub>й</sub>=?, N<sub>ю</sub>=?

*Ечши:*

1. Бир тонна юкни юклаш вақти:

$$t_r = \frac{t_{io}}{qV_60} = \frac{18}{41 \cdot 60} = 0,075 \text{ соат.}$$

2. Битта постнинг ўтказувчаник қобилияти:

$$M_r = \frac{1}{t_r \eta_H} = \frac{1}{0,075 \cdot 1,2} = 11,11 \text{ тонна/соат}$$

3. Юклаш постлари сони:

$$N_{io} = \frac{Q_{сут}}{M_r T} = \frac{320}{11,11 \cdot 10} = 2,88 \approx 3 \text{ пост}$$

4. Автомобилни айланиш вақти:

$$t_a = \frac{\ell_{кү}}{V_r \beta} + t_{io} + t_r = \frac{8}{32 \cdot 0,5} + \frac{18}{60} + \frac{18}{60} = 1,1 \text{ соат}$$

5. Зарур автомобиллар сони:

$$A_{ж} = \frac{Q_{сут} t_a}{T q \gamma} = \frac{320 \cdot 1,1}{10 \cdot 4 \cdot 1} = 8,8 \approx 9 \text{ автомобил}$$

## 9.6. ЮКЛАБ-ТУШИРИШ ИШЛАРИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШНИНГ АВТОМОБИЛ ИШ УНУМДОРЛИГИГА ВА ТАШИШ ТАННАРХИГА ТАЪСИРИ

Автомобилнинг ишини баҳоловчи асосий кўрсаткич бўлиб тонналарда ташилган юк ҳажми ҳисобланади.

Бажарилган транспорт ишини аниқлаш учун юкни ташиш масофасини ҳисобга олиш керак. Транспорт иши тонна-километрда ўлчанади.

Юк автомобилларида ташилиб қабул қилиш пунктида туширилгандан кейингина ташиш тугалланган ҳисобланади. Бутун транспорт жараёни юклаш, ташиш ва тушириш вақтларини ўз ичига олади.

Юк туширилгандан кейин автомобиль кейинги юклаш пунктiga бориши керак. Бу элементларнинг йифиндиси, яъни юклаш, ташиш, тушириш ва кейинги юклаш пунктiga бориш қатновни ташкил қилади.

Шундай қилиб, қатнов вақти автомобильнинг юклаб-тушириш ва ҳаракатдаги вақтларининг йифинди-сидан иборат бўлади:

$$t_k = t_x + t_{tot}; \text{ соат.}$$

Бунда:  $t_x$  — ҳаракат вақти, соат;  
 $t_{tot}$  — юклаш-тушириш вақти, соат.

Автомобилнинг ҳаракатдаги вақти:

$$t_x = \frac{\ell_{lo}}{V_t \beta}; \text{ соат.}$$

Қатнов вақти:

$$t_k = \frac{\ell_{lo}}{V_t \beta} + t_{tot}; \text{ соат.}$$

Автомобилнинг йўналишда ишлаш вақтида бажар-ган қатновлар сони кўйидаги формула билан аниқла-нади:

$$\Pi_k = \frac{T_h}{t_k} = \frac{T_h V_t \beta}{\ell_{lo} + V_t \beta t_{tot}}.$$

Иш вақти давомидаги автомобилнинг бажарган қат-новлар сонини, унинг юк кўтарувчанилигига ва юк кўта-рувчанилигидан фойдаланиш коэффициентига кўпайт-маси билан сутка давомида ташилган юк ҳажми ва транспорт иши аниқланади:

$$W_Q = \Pi_k Q \gamma = \frac{T_h V_t \beta Q \gamma}{\ell_{lo} + V_t \beta t_{tot}}; \text{ тонна}$$

$$W_p = \Pi_k Q \gamma \ell_{lo} = \frac{T_h V_t \beta Q \gamma \ell_{lo}}{\ell_{lo} + V_t \beta t_{tot}}; \text{ ткм}$$

Бунда:  $T_h$  — автомобильни ишлаш вақти, соат;  
 $V_t$  — техник тезлик, км/соат;  
 $B$  — масофадан фойдаланиш коэффициенти;  
 $\gamma$  — автомобильни юк кўтарувчанилигидан фойдала-ниш коэффициенти;

$L_{10}$  — юкли қатнов узунлиги, км;  
тот — юклаб-тушириш вақти, соат.

Охирги формуладан автомобилнинг иш унумдорлиги юклаб-тушириш вақтига тескари пропорционаллиги кўринади. Автомобил юклаб-тушириш пунктларида қанча кам тўхтаб турса, шунча кўп вақт ҳаракатда бўлади.

Автомобилларнинг юклаб-тушириш пунктларида туриш вақтларининг камайиши юклаб-тушириш ишлари билан боғлиқ барча жараёнларни тез бажариш орқали амалга оширилади.

Юклаб-туширишни кутиш ва хужжатларни расмийлаштириш вақтларини камайтириш, ташиш жараёнини яхши ташкил қилиш, автомобилларнинг соат графигида ишлашини жорий қилиш, юк хужжатларини олдиндан тайёрлаб қўйиш ва юкларни саралаш орқали эришилади.

Автомобилларнинг юклаб-тушириш пунктларида тўхтаб туриш вақтининг кўп қисмини асосий жараён, яъни юклаб-тушириш ишларини бажариш ташкил қиласиди.

Юклаш ва тушириш вақтини камайтиришнинг самарали тадбири бўлиб юклаб-тушириш жараёнларини механизациялаш ҳисобланади.

Юклаб-тушириш жараёнларини механизациялаш транспорт харажатларининг камайишига олиб келади.

Автомобилнинг юклаб-тушириш пунктларида тўхтаб туриш вақтининг ткм таннархига таъсири қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$S_{tkm} = \frac{\frac{X_{uzg} \ell_{10}}{\beta} + X_{doim} \left( \frac{\ell_{10}}{V_t \beta} + t_{tot} \right) + KIX_a^x}{\ell_{10} q \gamma}$$

Бунда :  $X_{uzg}$  — ўзгарувчан харажатлар, сўм/т.км;  
 $X_{doim}$  — доимий харажатлар, сўм/т.км;

$IX_a^x$  — ҳайдовчиларнинг асосий иш ҳақи, сўм;

$K$  — ҳайдовчиларнинг кўшимча иш ҳақини ҳисобга оловчи коэффициенти 1,25-1,27.

## 9.7. ЮКЛАБ-ТУШИРИШ МАШИНАЛАРИНИНГ ТОИФАЛАРИ

Автомобил транспортида ишлатиладиган юкраб-тушириш машиналари техник ва эксплуатацион кўрсаткичлари бўйича тоифаларга ажратилади. Барча юкраб тушириш машиналари тўхтовсиз ишлайдиган ва тўхтаб ишлайдиган (цикл бўйича) ишчи қурилмали машиналар ғурухларидан ташкил топади.

Биринчи ғурухдаги машиналарга ишчи қурилмаси тўхтовсиз ишлайдиган мосламали машиналар киради. Бундай машиналарга лентали, пластинкали транспортерлар, кўп чўмичли юклагичлар, пневма юклагичлар киради.

Ишчи қурилмаси тўхтаб ишлайдиган машиналар цикл бўйича ишлайдилар. Бу ғурухдаги машиналарга автомобил кранлари, автоюклагичлар, электроюклагичлар, бир чўмичли юклагичлар, лебеткалар, телферлар, механик кураклар, автомобил туширгичлар, таллар ва бошқалар киради.

Юкраб-тушириш машиналари эксплуатацион кўрсаткичлари бўйича юкланаётган юкнинг тури, юкни силжитиш йўналиши ва ҳаракатланувчи қурилмасининг борлигига қараб тоифаланади.

Барча юкраб-тушириш машиналари юкланаётган ва туширилаётган юкнинг турига қараб куйидаги турларга бўлинади:

- донадор юкларни юклаш-тушириш машиналарига (автокран, автоюклагич электро-юклагич, телфер ва бошқалар);
- улом юкларни юcalaш машиналарига (экскаватор, бир ва кўп чўмичли юклагичлар, лавлаги-юклагичлар ва бошқалар);
- сочилувчан юкларни юcalaш-тушириш машиналарига (донюклагич пневмаюклагич ва бошқалар);
- ҳар хил турдаги юкларни юcalaш -тушириш машиналарига.

Юклаш-тушириш машиналаридан уларнинг вазифаларига қараб фойдаланилади. Юклаш-тушириш жараёнида ҳар хил турдаги қурилма ва мосламалар қўлланилади.

Юкни йўналиш бўйича силжитиш юкраб-тушириш машиналари ва қурилмалари 4 та ғурухга бўлинади:

1-гурух — юкни горизонтал силжитадиган (механик кураклар);

2-гурух — юкни вертикал силжитадиган (бункер);

3-гурух — юкни қия силжитадиган (дон юклагич, транспортёрлар, күп чўмичли юклагичлар);

4-гурух — юкни вертикал ва горизонтал силжита-диган (кранлар, автоюклагичлар, электроюклагичлар ва бошқалар).

Ҳаракатланувчи қурилмасининг борлигига қараб бар-ча юклаб-тушириш машиналари икки гуруҳга ажрати-лади:

1. Турғун юклаб-туширувчи машиналарга.

2. Ҳаракатланувчи машиналарга.

Стационар юклаб-тушириш машиналарида ҳаракат-лантирувчи қурилмасиз юклаб-тушириш машиналари киради (кўприксимон кранлар, бункерлар ва бошқа-лар).

Ҳаракатланувчи юклаб-тушириш машиналарида ҳаракатланиш қурилмаси бўлади. Ушбу қурилма ёрда-мида юклаб-тушириш машиналари бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиб турилади.

Стационар ва ҳаракатланувчи юклаб-тушириш ма-шиналари универсал ва махсус юклаб тушариш ма-шиналарига ажратилади.

Универсал юклаб-тушириш машиналари ёрдамида ҳар хил турдаги тарали, донадор, оғир массали уом ва бошқа юклар юклаб тушрилади. Бундай машиналарга автоюклагич, электрюклагич ва бошқалар киради.

Махсус юклаб-тушириш машиналари бир турдаги юкларни юклаш ва тушариш учун мўлжалланган бўла-ди. Бундай машиналарга лавлаги юклагич, дон юклагич ва бошқалар киради.

## Кранлар

Кранлар ишчи қурилмаси тўхтаб, яъни цикл бўйи-ча ишлайдиган юк кўтарувчи машиналарга киради. Улар турли жиҳозларни, оғир машиналарни, йигма темир-бетон буюмларни ва шунга ўхшашиб юкларни юклаб-туширишга мўлжалланади.

Кранлар грейфер ва чўмич юк илгич қурилмалари билан жиҳозланганда уом ва сочилувчан юкларни (ша-фал, тош, кўмир, қум, тупроқ), электромагнит билан

жиҳозланганда эса метал парчаларини юклаш ва туширишда фойдаланилади. Стационар кранларга кўприксимон кранлар, кран-штобеллар, миорали кранлар ва портал кранлар киради. Ҳаракатланувчи кранлар ички ёниш двигателлари билан жиҳозланган бўлиб, мустақил ҳаракатланади. Буларга автомобил кранлари; пневмагилдиракли, занжирли ва темир йўлда юрувчи кранлар киради. Уларнинг ишчи қурилмаси узунлиги ўзгарувчан қилиб ишлаб чиқарилади. Двигателининг турига қараб кранлар: электр, карбюраторли, дизелли, дизел электр кранларига бўлинади.


### Автокранлар

Автокранлар кенг тарқалган юклаб-тушириш машинасидир. Улар автомобил транспортида контейнер, қурилмалар, жиҳозлар, металларни ва қурилиш жиҳозларини юклаб-тушириш учун ишлатилади.

Автомобил кранлари автомобил шассига ўрнатилади. Уларнинг юк кўтарувчанилиги 4 т дан 80 т гача бўлади. Автомобил кранларининг ҳаракатлантирувчи қисми механик, электр, гидравлик ва аралаш турда бўлади. Иш режимига қараб автомобил кранлари икки тоифага бўлинади.

1. Енгил иш режимли (қисқа муддатда жадал ишлаш учун мўлжалланган) юкни кўтариш тезлиги катта бўлмаган автокранлар.

2. Ўртacha иш режимли.



9.7-расм. Автокран КС-2571.

Барча автокранлар грейфер билан ишлашга ҳам мүлжалланган бўлади, шунинг учун улар сочилувчи юкларни юклаб-туширишда ҳам ишлатилиши мумкин. Автокран КС-2571 Драгобицкий ва Баюшенский автокран заводи томонидан ишлаб-чиқарилади.

### Пневмагилдиракли ва занжирли кранлар

Пневмагилдиракли кранлар пневмагилдиракли шас-силарда автомобилларнинг айрим қисмларидан фойдаланиб ишлаб чиқарилади. Пневмагилдиракли кранлар юк кўтарувчанлигига қараб икки ва уч ўқли бўлади.

Пневмагилдиракли кранлар қўйидаги моделларда ишлаб чиқарилади:

КС — 4363 — юк кўтарувчанлиги 16 тонна

КС — 5363 — юк кўтарувчанлиги 25 тонна

КС — 6362 — юк кўтарувчанлиги 40 тонна

КС — 7362 — юк кўтарувчанлиги 63 тонна

Айрим моделдаги пневмагилдиракли кранлар турли иш жиҳозлари, жумладан, экскаватор чўмичи билан ҳам ишлатилади. Занжирли кранлар маҳсус занжирли шассига ўрнатилади. Занжирли шасси краннинг йўлсиз шароитда тупроқ устида ҳаракатланишини таъминлайди. Занжирли кранлар пневмагилдиракли кранлар каби юқори юк кўтарувчанликка эга. Шунинг учун улардан оғир юклар билан бажариладиган ишларда фойдаланилади.


### Стационар кранлар

Стационар кранлар бир жойда туриб ишлаш учун мўлжалланади. Уларга қўприксимон турдаги кранлар киради.


Қўприксимон кранлар юқори иш унумдорлигига эга бўлган машиналар бўлиб донали ва уюм юкларни юклаб-тушириш учун мўлжалланади. Қўприксимон кранлардан контейнер майдончаларида, метал базаларида, ишлаб чиқариш корхоналарида ва бошقا шунга ўхшаш жойларда фойдаланилади.

Қўприксимон электр кранлари ҳаракатланувчи қисмли бўлиб, юк кўтарувчанлиги 5—50 т, пролети 11—32

м қилиб ишлаб чиқарилади. Кўприксимон кранларнинг кўтариш баландлиги 16 м дан ошмайди. Ўртача иш режимида юкни кўтариш тезлиги 8—10 м /мин, аравачанинг ҳаракатланиш тезлиги 40м/мин, кўпприкнинг ҳаракатланиш тезлиги 80 м/минни ташкил қиласди.



9.3-расм. Кўприксимон кран.




9.4-расм. Бандаргоҳ крани.

## 9.8. ҮЛӨМ ЮКЛАРИ ЮКЛАБ-ТУШИРИШ МАШИНАЛАРИ


Экскаваторлар ўзи юрадиган ер қазувчи машина ҳисобланади. Экскаваторлардан конларда қазиш ва қурилишда, тупроқ ишларини бажаришда фойдаланилади. Экскаваторларда ишчи, ҳаракатланиш ва қувват олиш курилмалари куч узатиш механизми ва ишчи қурилмаси ўрнатилган платформа бўлади.

Ишчи қурилмасининг турига қараб экскаваторлар: тўхтаб ишлайдиган (бир чўмичли) ва тўхтовсиз ишлайдиган (кўп чўмичли) экскаваторларга ажратиласди. Ҳаракатланиш қурилмасига қараб: пневматик гидравлика, занжирли, қадамловчи; двигателининг турига қараб: электр, дизел ва дизел-электр турида бўлади. Бир чўмичли экскаваторлар ишлатилиши мақсадига ва конструктив тузилишига қараб қўйидагиларга бўлинади:

1. Курилиш экскаваторлари, чўмич ҳажми  $0.15\text{--}6 \text{ m}^3$  гача.
2. Карьер экскаваторлари, чўмич ҳажми  $2\text{--}20 \text{ m}^3$ .
3. Очик тоф ишларини бажарувчи экскаваторлари, чўмич ҳажми  $4\text{--}160 \text{ m}^3$ .
4. Қадамловчи экскаваторлар, чўмич ҳажми  $4\text{--}25 \text{ m}^3$ .




9.5-расм. Бир чўмичли экскаватор ЭО-4124.



9.6-расм. Бир чўмичли экскаватор Э—652 Б.

Кўп чўмичли экскаваторлар ишчи қурилмаси тўхтосиз ишлайдиган машиналар турига киради. Улардан транспорт воситаларига кум, шагал, кўмир ва бошқа уюм юкларни юклашда фойдаланилади. Ушбу экскаваторларнинг иш унумдорлиги 200 т/саатни ташкил қилади.




9.7-расм. Кўп чўмичли экскаватор:

1 – лентали конвейер; 2 – элеватор; 3 – шинек.

Күп чўмичли Д-452 юклагиши пневматик фидиракли бўлиб олдинги ва орқа ўқлари етакловчи шассидан иборат. Д-452 юклагичнинг ишчи қурилмаси 1-юкни қабул қилиб олувчи шнек, 2-чўмичли элеватордан ташкил топади.

Юклагичга қуввати 40 о.к бўлган дизел двигател ўрнатилган. Ҳаракат тезлиги олдинга 0.21 дан 19.3 км соатгача, орқага 0.29 дан 11.7 км-соатгача, чўмич қадами 300 мм, юк қабул қилувчи шнекнинг эни 2500 мм дан иборат.

ПГА-25 м юк туширгичи ёрдамида автомобиллардан юкни туширишда фойдаланилади. Унинг юк кўтариш қобилияти 26 тоннага тенг. Платформанинг кўтарилиш бурчаги 37 градусни ташкил қиласди.




9.8-расм. Автотуширгич ПГА-25 м.

## 9.9. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ЮКЛАРИНИ ЮКЛАБ-ТУШИРИШ МАШИНАЛАРИ

Қишлоқ хүжалик юкларини юклаб-тушириш үчүн юк түрига мөс юклаб-тушириш машиналари ишлатылади. Улар қаторига қуидагилар киради:

1. Дон юклагич ишчи қурилмаси тұхтосиз ишлайдын машиналар қаторига киради. Дон юклагичнинг ишчи қурилмаси электр-механик ва механик усулда ҳаракатланади.

Әңг күп тарқалған дон юклагич ЗПС-60 ҳисобланади (9,11-расм). ЗПС-60 уч ғилдиракли ўзи ҳаракаттағынан білбіт, күввати 7,5 КВт бўлган электродвигателдан ҳаракатни олади. Орқа икки ғилдираги етакловчи ҳисобланади.



9.9-расм. ЗПС-60 русумли дон юклагич.


Дон юклагичнинг ишчи қурилмаси күндаланг йиғувчи ва юкни етказиб берувчи транспортёрлардан тар-

киб топтган бўлади. Унинг кўрсаткичлари кўйидагилардан иборат:

1. Иш унумдорлиги, т/соат — 60
2. Транспортёрнинг ҳаракат тезлиги, м/с  
кўндаланг — 0.67  
бўйлама — 2.25
3. Ҳаракатланиш тезлиги, км/соат  
Ишчи ҳолатда — 0.04  
Транспорт ҳолатда — 0.6
4. Юкни қабул қиливчи кенглиги, мм — 5200
5. Транспорт ҳолатдаги ўлчамлари, мм  
узунлиги — 5700  
эни — 1820  
баландлиги — 3225

Лавлаги юклагич осма ишчи курилмасига эга бўлиб лавлаги ва шунга ўхшаш илдиз меваларини юклаш учун мўлжалланади.

Энг кўп тарқалган СНТ-2.1 лавлаги юклагич бўлиб, осма ишчи курилмаси МТЗ-2 трактори шассига тиркалади. Лавлаги юклагичнинг иш унумдорлиги 60 т/соатни ташкил қиласди.




9.10-расм. ГРС-50 русумли лавлати юклагич.

## 9.10. ЎЗИ ЮКЛАБ ТУШИРУВЧИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзи юклаб туширувчи автомобиллар нафақат юк ташиш ишларини бажаради, балки ўзига ўрнатилган курилмалар ёрдамида юклаб-тушириш ишларини ҳам бажаради. Автомобил транспортида ўзи юклаб туширувчи автомобилларни қўллашдан мақсад: кичик иш ҳажмига эга бўлган юклаб-тушириш пунктларининг мавжудлиги (дўконлар, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси), ташиш масофасининг қисқалиги, кичик иш ҳажмли пунктларда юклаб-тушириш машиналарининг йўқлиги ҳисобланади.

Ўзи юклаб-туширувчи автомобиллар эксплуатацион ва конструктив белгиларига қараб синфларга бўлиниди.

Ўзи юклаб-туширувчи автомобилларнинг асосий эксплуатацион кўрсаткичлари қўйидагилардан иборат: юк кўтарувчанилиги, тезлиги, узоқ муддатлилиги, мустаҳкамлиги ва ишончлилиги, ўтувчанлиги, осон тъьмирланиши, фойдаланиш ихчамлиги ва бошқалар.



9.11-расм. Ўзи юкловчи автомобил 4903 крани билан:  
1-кран колоннаси; 2-тиргаклар; 3 ва 4 стрелани кўтарувчи ва  
йигувчи гидроцилиндрлар; 5-теликопик стрелани узайтирувчи  
гидроцилиндр; 6-юк илгичнинг кичик стреласи.

## Консоль кранли айрим автомобилларнинг техник тавсифи

|    | Кўрсаткичлар                                                                      | 4030 П     | 4903         | 4033        |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------|------------|--------------|-------------|
| 1. | Кран ўрнатилган автомобилнинг русуми                                              | Зил-130    | Зил-133      | Зил-157     |
| 2. | Краннинг юк кўтарувчанилиги, кг стрела, ўртacha узунликда стрела, кичик узунликда | 500<br>900 | 1000<br>2500 | 550<br>1100 |
| 3. | Стреланинг энг катта узунлиги, мм                                                 | 3600       | 4500         | 1200        |
| 4. | Кран жиҳозининг оғирлиги, кг                                                      | 640        | 1460         | 1200        |
| 5. | Гидросистемадаги мойнинг энг катта босими КГС/см                                  | 100        | 105          | 100         |

## Билимларни текшириш дастури

137. Транспорт жараён таркиби қандай?

1. Барча русумдаги автомобиллар
2. Юклаб-тушириш ишлари
3. Юклаш-ташини ва тушириш ишлари
4. Ташибини ташкил қилиш
5. Ташибини режалаштириш

138. Аҳамияти бўйича юклаб-тушириш ишлари неча турга бўлинади?

1. Механизациялашган
2. Асосий ва қўшимча
3. Асосий автоматлашган
4. Қўшимча
5. Асосий механизациялашган

139. Асосий юклаб-тушириш ишларига нимлар киради?

1. Юклаш-тушириши машинасига юкни бериш
2. Юкни илиш
3. Юкни силжитиш
4. Юкни тушириши
5. Юкни кўтариш, силжитиш, тушириш

140. Ёрдамчи юклаб-тушириш ишларига қандай ишлор киради?

1. Юкни илиш ва бўшатиш
2. Илгичларни ёздириб олиш ва тахлаш
3. Юкни йўналтириши
4. Ҳаракатланувчи таркибни юклаш-тушириш ишларини бажаришга тайёрлаш
5. Юкни илиш ва бўшатиш, тахлаш

**141. Юклаб-тушириш ишлари қандай усулларда бажарылади?**

1. Күлдә содда механизмлар ёрдамида
2. Механизмлар ёрдамида
3. Комплекс механизмлар ёрдамида
4. Күлдә механизмлар ёрдамида, комплекс механизмлар ёрдамида автоматлаштырылған усул
5. Автоматлаштырылған

**142. Автомобилларни юклаб-тушириш пунктларыда тұхтаб туриш вақти үртаса неча фойзни ташкил қылади?**

1. 10 %
2. 12 %
3. 15 %
4. 25 %
5. 30 %

**143. Автомобилни юклаб-тушириш вақти нималарга таъсир қылади?**

1. Наряд вақтига
2. Йұналиш вақтига
3. Гаражға қайтиш вақтига
4. Тушликка чиқыши вақтига
5. Автомобилнің іш унумдорлығындағы ташиш таннархига

**144. Автомобилни юклаб-тушириш пунктларыга келиш ва кетиш вақти қайси ҳұжжатта қайд қилинади?**

1. Юк ҳұжжатида
2. Йүл варақасида
3. Смена толшыриғида
4. Йұналиш жадвалида
5. Үлчов вақтида

**145. Автомобилни юклаб-тушириш пунктларыда тұхтаб туриши вақти қайси элементлардан ташкил топған?**

1. Юклаб-туширишин кутиш
2. Автомобилни жойлаштырыш
3. Юклаб-тушириш ишларини бажариш
4. Ҳұжжатларни расмийлаштырыш
5. Юклап-туширишин кутиш, бажариш ҳұжжатларини расмийлаштырыш

**146. Автомобилнінг юклаб-тушириш пунктларыда тұхтаб туриши вақт мөбөри нималарга болып?**

1. Об-хаво шароитига
2. Йүл шароитига
3. Автомобилнінг юк күтартувчанлығы, юк турига, юклаб-тушириш ишларини бажариш усулига
4. Автомобилнінг юк күтартувчанлығынан кранлар турига
5. Автомобил русумига

**147. Бортли автомобиллар учун юклаб-туширишини вақт мөбөри неча минут?**

1. 12 ва 2
2. 13 ва 3
3. 10 ва 2

4. 15 ва 5  
5. 13 ва 2
148. Юклаб-тушириш пунктлари деб нимага айтилади?
1. Юкларни қабул қылувчи ва жұнатадиган жойларга
  2. Юкларни тайёрлайдиган ва юклайдиган жойларга
  3. Юкларни юклайдиган ва туширадиган жойларга
  4. Юкларни расмийлаштирадиган жойларга
  5. Барча жавоб түгри
149. Ишлаш муддатига қараб юклаб-тушириши пунктларининг қандай турлари мавжуд?
1. Асосий
  2. Күштімчак
  3. Вақтингчалық ва доимий
  4. Вақтингчалық
  5. Доимий
150. Юклаш-тушириш кенглиги деб нимага айтилади?
1. Юклаш механизмі кенглиги
  2. Бир майдонча ҳудудида жойлашған юклаб-тушириш постлари кенглигига
  3. Ҳаракатланувчи қысм кенглигига
  4. Юклаш-тушириш механизмининг ҳаракатланувчи қысм билан биргаликта кенглигига
  5. Юклаш постлари сонига
151. Автомобилларни юклаш-тушириши пунктларыда жойлашын схемасы қайси жағобда түлік күрсатилған?
1. Ёни, орқаси ва қия
  2. Ён томони билан
  3. Орқа томони билан
  4. Юклаб-тушириш пунктінде нисбатан, қия
  5. Ён ва орқа томони билан
152. Юклаб-тушириш машиналари қайси күрсаткічлари бүйічка синфларга бўлинади?
1. Ишлаш усулига қараб
  2. Техник ва эксплуатацион күрсаткічлари бүйічка
  3. Иш унумдорлиги бўйича
  4. Техник жиҳатдан
  5. Механизмлар турига
153. Техник жиҳатдан юклаб-тушириш машиналари неча гуруҳга бўлинади?
1. 3 та гуруҳга
  2. 4 та гуруҳга
  3. 1 та гуруҳга
  4. 2 та гуруҳга
  5. 5 та гуруҳга
154. Қандай эксплуатацион күрсаткічлари бўйича ЮТМ лари синфларга бўлинади?
1. Юкнинг тури бўйича
  2. Юкни йўналтириши бўйича

3. Ҳаракатланувчи қисмининг борлиги бўйича
  4. Барча жавоб тўғри
  - 5.
155. Бортли автомобиллар учун 1.0 тоннагача юклаш ва тушириш мезёр вақти қанча?
1. 10 минут
  2. 8 минут
  3. 12 минут
  4. 15 минут
  5. 6 минут

## 10-б ў л и м

### Юкларни контейнер ва пакет усулида ташини

#### 10.1. ЮКЛАРНИ КОНТЕЙНЕРЛАРДА ТАШИШ

Донадор юкларни контейнер ва пакет услубини кўллаб ташишида ҳаракатланувчи таркибнинг юклаш-тушириш жараёнида тўхтаб туриш вақти камаяди.

| түник     |       |       |       |       |        |        |        |       |        |       |
| ёки       |       |       |       |       |        |        |        |       |        |       |
| түник     |       |       |       |       |        |        |        |       |        |       |
| булмагы   |       |       |       |       |        |        |        |       |        |       |
| 25 км. га |       |       |       |       |        |        |        |       |        |       |
| күши-     |       |       |       |       |        |        |        |       |        |       |
| ләли      |       |       |       |       |        |        |        |       |        |       |

**2. Каравердан ташқарыда шиловчи ағдарма автомобилларида юкларни ташып учун  
(1 тоннага сүм ва тийин)**

| Ташып масофаси, км | Юк синфи |      |      |      |   |
|--------------------|----------|------|------|------|---|
|                    | 1        |      | 2    |      | 3 |
|                    | 1        | 2    | 3    | 4    | 5 |
| 1.                 | 0,25     | 0,31 | 0,42 | 0,50 |   |
| 2.                 | 0,34     | 0,42 | 0,57 | 0,68 |   |
| 3.                 | 0,43     | 0,54 | 0,72 | 0,86 |   |
| 4.                 | 0,52     | 0,65 | 0,87 | 1,04 |   |
| 5.                 | 0,61     | 0,76 | 1,02 | 1,22 |   |
| 6.                 | 0,70     | 0,87 | 1,17 | 1,40 |   |
| 7.                 | 0,79     | 0,99 | 1,32 | 1,58 |   |
| 8.                 | 0,88     | 1,10 | 1,47 | 1,76 |   |
| 9.                 | 0,97     | 1,21 | 1,62 | 1,94 |   |
| 10.                | 1,06     | 1,32 | 1,77 | 2,12 |   |
| 11.                | 1,15     | 1,44 | 1,92 | 2,30 |   |
| 12.                | 1,24     | 1,55 | 2,07 | 2,48 |   |
| 13.                | 1,33     | 1,66 | 2,22 | 2,66 |   |
| 14.                | 1,42     | 1,77 | 2,37 | 2,84 |   |
| 15.                | 1,51     | 1,88 | 2,52 | 3,02 |   |
| 16.                | 1,60     | 2,00 | 2,67 | 3,20 |   |
| 17.                | 1,69     | 2,11 | 2,82 | 3,38 |   |
| 18.                | 1,78     | 2,22 | 2,97 | 3,56 |   |
| 19.                | 1,87     | 2,34 | 3,12 | 3,74 |   |
| 20.                | 1,96     | 2,45 | 3,27 | 3,92 |   |
| 21.                | 2,03     | 2,54 | 3,39 | 4,06 |   |
| 22.                | 2,10     | 2,63 | 3,50 | 4,20 |   |
| 23.                | 2,17     | 2,72 | 3,62 | 4,34 |   |
| 24.                | 2,24     | 2,80 | 3,74 | 4,48 |   |
| 25.                | 2,31     | 2,88 | 3,85 | 4,62 |   |
| 26.                | 2,38     | 2,98 | 3,97 | 4,76 |   |
| 27.                | 2,45     | 3,06 | 4,09 | 4,90 |   |
| 28.                | 2,52     | 3,15 | 4,20 | 5,04 |   |
| 29.                | 2,59     | 3,25 | 4,32 | 5,18 |   |
| 30.                | 2,65     | 3,32 | 4,44 | 5,32 |   |
| 31.                | 2,69     | 3,37 | 4,51 | 5,40 |   |
| 32.                | 2,73     | 3,42 | 4,57 | 5,48 |   |
| 33.                | 2,77     | 3,47 | 4,64 | 5,56 |   |
| 34.                | 2,81     | 3,52 | 4,71 | 5,64 |   |

|     |      |      |      |      |
|-----|------|------|------|------|
| 35. | 2,85 | 3,57 | 4,77 | 5,72 |
| 36. | 2,89 | 3,62 | 4,84 | 5,80 |
| 37. | 2,93 | 3,67 | 4,91 | 5,88 |
| 38. | 2,97 | 3,72 | 4,98 | 5,96 |
| 39. | 3,01 | 3,77 | 5,04 | 6,04 |
| 40. | 3,05 | 3,82 | 5,11 | 6,12 |
| 41. | 3,09 | 3,87 | 5,18 | 6,20 |
| 42. | 3,13 | 3,92 | 5,24 | 6,28 |
| 43. | 3,17 | 3,97 | 5,31 | 6,36 |
| 44. | 3,21 | 4,02 | 5,38 | 6,44 |
| 45. | 3,25 | 4,07 | 5,44 | 6,52 |
| 46. | 3,29 | 4,12 | 5,51 | 6,60 |
| 47. | 3,33 | 4,17 | 5,58 | 6,68 |
| 48. | 3,37 | 4,22 | 5,64 | 6,76 |
| 49. | 3,41 | 4,27 | 5,71 | 6,84 |
| 50. | 3,45 | 4,32 | 5,78 | 6,92 |

Э слатма: Тасиши масофаси 50 км. дан катта бўлганда, тасиши ҳақи жўнатиладиган юк массасига қарамасдан, тарифнинг I пункти 9-графаси бўйича аниқланади.

## II ҚИСМ

### 1. Юк автомобилларидан вақтбай фойдаланиш тарифлари (сўм, тийин)

| Автомобилнинг (авто-поезд) юк кўтарувчанилиги     | Бир автомобиль соат фойдалангани учун | 1 км масофа учун | Автомобилдан фойдаланилганда минимал тасиши ҳақи миқдори |
|---------------------------------------------------|---------------------------------------|------------------|----------------------------------------------------------|
| 0,5 т ва унгача                                   | 1,85                                  | 0,04             | 10,00                                                    |
| 0,5 т дан 1,5 т ва унгача                         | 2,25                                  | 0,06             | 13,00                                                    |
| 1,5 т. дан 3,0 т. ва унгача                       | 2,70                                  | 0,09             | 17,00                                                    |
| 3,5 т. дан 5,0 т. ва унгача                       | 3,00                                  | 0,11             | 20,00                                                    |
| 5,0 т. дан 7,0 т. ва унгача                       | 3,50                                  | 0,14             | 26,00                                                    |
| Кейинги ҳар бир кўшимча тонна юк кўтарувчаниликка | +0,25                                 | +0,02            | +1,00                                                    |

### ІІІ ҚИСМ. ҚҰШИМЧА ВА ЧЕГИРМАЛАР

#### 1. Махсус ҳаракатланувчи қисм учун құшимча.

| Махсус ҳаракатланувчи қисм типи                                                                                                                           | Құшимча % да |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------|
| 1. Фургон-автомобиллари<br>Шундан нон ва нон маңсулотларини ташувчи фургон автомобилларига                                                                | 30<br>40     |
| 2. Изотермик кузовли фургон автомобиллари                                                                                                                 | 40           |
| 3. Рефрижератор-автомобиллари                                                                                                                             | 50           |
| 4. Цистерна автомобиллари — юклар 50 км гача ташилганда — юклар 50 км дан ортиқ масофага ташилганда барча масофага                                        | 30<br>50     |
| 5. Бетона аралашмасини ташувчи автомобиллар — 50 км. ташиш масофасынча — 50 км дан ортиқ ташиш масофасынча                                                | 30<br>60     |
| 6. Ёғоч, металл, труба, плита ташувчи ва бошқа махсус ҳаракатланувчи қисмлар                                                                              | 15           |
| 7. Саноат тентлари билан жиҳозланған автомобиль, тиркама ва ярим тиркамалар                                                                               | 15           |
| 8. Портловчи ва портлаш хавфи бор бўлган моддаларни ташища ташиш ҳақи ўстирилади, бундан баллонлардаги қисилган ва сутолтирилган газлар мустасно қилинади | 30           |
| 9. Кайта ўлчамдаги темир-бетон ва металдан тайёрланған формалар, устуналар ва ҳоказоларни ташиганды ташиш ҳақи ўстирилади                                 | 25           |

Э с л а т м а: Автомобиль (автопоезд)нинг құшимча жараёнларни бажариш учун тұхтаб туришига юк күтәрүвчанлығига қараб қуидегиша ҳақ олинади:

- 4 тоннагача — 3 тийин,
- 4 т. дан 7 т. гача — 4 тийин,
- 7 т. дан 10 т. гача — 5 тийин,
- 10 т. дан ортиққа — 6 тийин.

## 12-б ўлим

### Корхоналарга асосий транспорт-экспедиция хизмати кўрсатишни ташкил қилиш

#### **12.1. ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИЦИЯ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИНИНГ АҲАМИЯТИ**

*Транспорт экспедиция иши деб, ташишда юкларни қабул қилишда топширишгача бўлган комплекс жараёнлар мажмугига айтилади.*

Транспорт экспедиция ташкилотларининг автомобил транспортида ташкил қилиниши натижасида ташкилот, муассаса ва аҳолига транспорт-экспедиция хизматлари кўрсатиладиган бўлди. Халқ хўжалигида ташиш харажатлари кескин камаяди ва ташишда иштирок қиласидиган транспорт турларининг самарадорлиги ошади. Транспорт-экспедиция ишларини ташкил қилишда автомобил транспорти муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳозирги кунда автомобил транспорти ёрдамида шаҳарлараро юк ташишда транспорт экспедиция ишлари кенг тарқалди. Тўғри-аралаш ташишларда транспорт-экспедиция ишлари ҳажми ортди.

Автомобил транспортида бажариладиган транспорт-экспедиция ишларида контейнер ва пакет услубларидан кенг фойдаланилади. Автомобил транспортида транспорт-экспедиция ишларининг ташкил қилинишида юкларни орқа томонга ташишни ташкил қилишга юқори юк кўтарувчанликдаги бортли ва маҳсус ҳаракатланувчи таркиблардан фойдаланишга ва илгор услубларни кўлашга имконият яратади.

Республика транспорт-экспедиция хизмати транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш бошқармаси орқали амалга оширилади. Бунинг учун вилоятларда юк автобош бекатлари ва маҳсус транспорт-экспедиция агентликлари барпо этилган.

##### **12.1.1. Транспорт жараёнини ташкил қилиш**

Юк ташиш жараёнини ва тижорат ишларини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар қуйидаги жараёнлардан иборат бўлади:

- юкни қабул қилиш;
- тарозидан ўтказиш;
- қабул қилинган юкларни омборхонага жойлаштириш;
- юкни юклаш-тушириш;
- юкни эгасига топшириш;
- ҳужжатларни расмийлаштириш;
- ҳисоб-китоб дафтарларини түлдириш.

Бу жараёнлар барча турдаги транспортлардаги ишларни тартибга солувчи ҳужжатлар асосида ҳисобға олинади. Ушбу ҳужжатларга уставлар, тарифлар, құлланмалар, юк ташишни ташкил қилиш қоидалари ва йүриқномалари киради.

Юк ташиш ва тиженрат ишларини бажариш ва тартибга солиши учун технологик жараёнларни ишлаб чиқиши ва уни амалда тәдбиқ этиши керак.

*Технологик жараён деб, юқори самарали усулдарга асосланып бажарилиши лозим бўлган ишларга айтилади.*

Технологик жараён қўйидаги 6 бўлимни ўз ичига олади:

1. Юк пунктларининг техник ва эксплуатация кўрсатичларини ҳисобга олиш.
2. Бажарилиши режалаштирилган ишларни оператив бошқариш таркибини белгилаш.
3. Юк ташиш ва тиженрат ишларини бажариш учун юк жўнатувчи ва юк қабул қилювчи ташкилотларнинг ишини ташкил қилиш.
4. Юк ташиш ва тиженрат ишларини бажарышнинг техник масалалари билан шуғулланиш.
5. Ҳаракатланувчи таркибнинг юк пунктларида туриш меъёрларини белгилаш.
6. Юк пунктларида бажариладиган жараёнларни амалга ошириш ишини назорат қилиш ва таҳлил қилиш.

### **12.1.2. Ташкилот ва муассасаларга транспорт-экспедиция хизматини кўрсатиш ишлари**

Автомобил транспортида бажариладиган транспорт-экспедиция хизмати асосий жараёнлари юкларни ташишга, қабул қилиш, йўлда уни сақлаб кузатиб бориш ва топширишдан иборатdir.

Транспорт-экспедиция хизмати ишлари таркибига

юк ташиш транспорт ишлари, юклаш-тушириш ишлари, юкларни қабул қилиш, кузатиб бориш ва уни йўлда сақлаш, ҳар хил тўлов ва хужжатларни расмий-лаштириш каби экспедиция ишлари киради.

Транспорт-экспедиция хизмати ишлари юк жўнавучи, юк қабул қилувчи автотранспорт корхоналари ва транспорт-экспедиция ташкилотлари билан биргаликда тузилган ташиш ва хизмат кўрсатиш ширтномаси асосида бажарилади. Шартномада бажариладиган транспорт-экспедиция хизмати иш турлари ва ҳажмлари, томонларнинг ўзаро келишилган вазифалари, ҳисоб-китоб ва мунозарали масалаларни ҳал қилиш тартиби, шартноманинг муддати, томонлар хукукий манзилгоҳи кўрсатилади,

Ташишлар марказлашган услубда амалга оширилади.

Ташиш ва хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга хавфли ва габаритсиз юклардан бошқа барча турдаги юклар қабул қилинади.

Транспорт-экспедиция хизмати ишларини кўрсатиш мақсадида республикада транспорт экспедицияси бошқармаси ташкил қилинган. Вилоятлардаги ташкилотларнинг транспорт-экспедиция хизмати ишларини юк автобош бекатлари ва маҳсус транспорт экспедиция корхоналари бажаради. Бу корхоналарнинг йўналиш диспетчер пунктлари ёрдамида ҳаракатланувчи таркибларнинг юкли юриш масофалари ўстирилади. Транспорт-экспедиция корхоналарида омборхоналар, юкни очикда саклаш майдонлари, тарозилар, юклаш-тушириш механизмлари, тара ва юкларни материаллар билан ўраб жойлаштириш бўлими, агентлик биноси ва ҳайдовчилар дам олиш хоналари бўлади.

Юк пунктларида тасдиқланган технологик жараён асосида юкларни қабул қилиш ва топшириш хужжатларини расмийлаштириш ва бошқа ишлар бажарилади. Бу технологик жараён транспорт-экспедиция хизмати ишларини кўрсатишда иштирок қиласидиган барча томонлар билан келишилган ҳолда тузилади.

Технологик жараёнда ишнинг мақсади ва бажариш шароитлари, хужжатларни тайёрлаш, ташишни режалаштириш, диспетчер ишини ташкил қилиш ва шунга ўхшаш масалалар ёритилади. Технологик жараёнда юк

хөвлиси ва ҳужжатлар айланиши тасвирлари ҳам күрсатилади.

Транспорт-экспедиция хизмати ишлари ҳақи автомобил транспортида транспорт-экспедиция хизмати ишлари тарифи асосида ўстириш коэффицентларини келишилган ҳолда қўллаб ҳисобланади.

## 12.2. Транспорт тугувлари тўғрисида тушунча

*Юк ташиб жараёнида икки ва ундан ортиқ бўлган турдаги транспортлар тармоғи туташадиган жойга транспорт тугуни дейилади.*

Транспорт тугунлари катта шаҳарларда, саноат марказларида, автомобил ва темирйўл бекатларида бўлади.

Транспорт тугунларида куйидаги ишлар бажарилади:

- транзит юкларни бир йўналишдан иккинчи йўналишга ўтказиш;
- юкларни бир транспорт туридан иккинчи транспорт турига ўтказиш;
- саноат корхоналарига ва аҳолига транспортлар билан хизмат кўрсатиш;
- моддий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва истемол қилувчи корхоналарнинг юкларини узоқ масофа-ларга ташиш;
- темир йўл ва автомобил бошбекатларидан таъминот базалари ва йирик корхоналар юклаш-тушириш пунктларига ташиби ва аксинча;
- ҳаракатланувчи таркибларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмираш ишларини бажариш.

Транспорт тугуни таркиби куйидагилардан ташкил топади:

- темир йўл тугуни;
- автомобил йўллари тугуни;
- тайёрагоҳ;
- саноат корхоналари ички йўллари.

Транспорт тугунлари катта магистраллар кесишган жойларда ташкил этилади. Бундай тугунларда транзит ва маҳаллий ташишлар бажарилади.

## 12.2.1. Тұғри ва аралаш усулда юк ташиш

Маҳаллий юк ташишда транспорт жараёнлари биг-та транспорт корхонаси ҳаракатланувчи таркиби ёрдамида бажарилади.

Тұғри, юк ташишда бир неча автокорхона қатнашади. Бунда бир хил ҳаракатланувчи таркибдан фойдаланылади.

Аралаш юк ташишда бир неча транспорт турлари иштирок қилади.

Аралаш юк ташишда юклар бир транспортдан ик-кинчисига үтказилганды юлаш-тушириш жараёнлари сони күпаяди ва бу ҳолат ташиш таннархининг ошишига сабаб бўлади.

Аралаш юк ташишда транспорт турлари таркибларининг юлаш-тушириш пунктларида тўхтаб туриш вақтларини камайтириш мақсадида контейнерлардан ва тагликлардан фойдаланилади.

Тұғри ва аралаш усулда уюм, донали, тарали ва контейнердаги юклар ташилади. Бир юк ўрни массаси 10 кг дан кам бўлган, портловчи, тез таъсир қилувчи заҳарли мoddалар куйилиб ташиладиган юклар ташишга қабул қилинмайди.

Тез айнувчан ва аланталанувчи хавфли юклар юк қабул қилувчи ташкилот вакили кузатувида ташилади.


## 12.2.2. Контейнер усулида ташиш

Аралаш усулда контейнерларда юк ташиш бир қанча афзалликларга эга. Контейнер ва тагликлар ёрдамида юк ташилганда юлаш-тушириш ишларидан меҳнат сарфи анчага қисқаради. Юк ташиш режалари (чораклик, йиллик), юк ташиш қоидалари ва тарифлари, контейнер майдонларидаги ишларни бажариш технологик жараёнлар курсатмалари контейнерларда юк ташишда асосий хужжатлар бўлиб ҳисобланади.


Контейнер майдонлари таркибига куйидагилар киради:

- контейнерларни жойлаштириш ва сақлаш учун майдон;
- темир йўл ва автомобиль йўллари;
- автомобиль ва автопоездлар тўхтаб туриши учун майдон;

- юклаш-тушириш механизмлари;
- хизмат хоналари;
- ўлчаш курилмалари.



12.1-расм. Контрэйлерларни юклаш.



12.2-расм. Катта тоннали контейнерларни автопоездларда тасиши.

Контейнер майдонларида бажариладиган жараёнлар тубандагилардан иборат бўлади:

- темир йўл ва автомобиль транспортига контейнерларни юклаш ёки тушириш;
- контейнерларни қисқа муддатга сақлаш;
- транзит контейнерларни гурухларга ахратиш;
- контейнерларни юклаш транспорти турига қараб гурухлаш;
- ташиш хужжатларини расмийлаштириш;
- контейнерларнинг келганлиги тўрисида мижозларга хабар бериш;
- контейнерларнинг ташиб келтирилиши ва жўналишини режалаштириш;
- контейнерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш.

### **Билимларни текшириш дастури**

**174. Автомобил транспортида бажариладиган транспорт-экспедиция хизмати асосий жараёнларига нима киради?**

1. Юкларни ташишга қабул қилиш, йўлда уни сақлаб кузатиб бориш ва топшириш
2. Юкларни ташишта қабул қилиш
3. Юкларни сақлаш ва йўлда кузатиб бориш
4. Юкларни ташишга қабул қилиш, хужжатларни расмийлаштириш
5. Юкларни сақлаш ва хужжатларни расмийлаштириш

**175. Транспорт-экспедиция хизмати ишлари қандай асосда амалга оширилади?**

1. Ташиби ва хизмат кўрсатиш
2. Ташиби шартномаси
3. Ташиби ва хизмат кўрсатиш ишлари талабномаси
4. Транспорт-экспедиция хизмати ишлари тарифи
5. Хизмат кўрсатилиш шартномаси

**176. Ташкилот ва муассасаларнинг транспорт-экспедиция хизмати кўрсатилиш ишларини бажарииш учун қандай юклар қабул қилинмайди?**

1. Хавфли ва нефт маҳсулотлари, оғирлиги 20 тоннадан ортиқ габаритсиз юклардан бошқа турдаги юклар
2. Хавфли юклар
3. Нефт маҳсулотлари
4. Портловчи моддалар
5. Қурилиш юклари

**177. Транспорт-экспедиция хизматларини кўрсатиш технологик жараёнида қандай ишлар бажарилади?**

1. Юкларни қабул қилиш ва топшириш
2. Хужжатларни расмийлаштириш

3. Юкларни қабул қилиш, йўлда кузатиш ва топшириш
4. Юкларни қабул қилиш, ҳужжатларни расмийлаштириш
5. Юкларни қабул қилиш, кузатиш, топшириш учун жойларни расмийлаштириш

**178. Транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш бўлимлари ва бюоролари қаерларда жойлашади?**

1. Агентлик биносида, савдо уйларида
2. Темирйўл бош бекатларида
3. Аэропорт, дарё портларида
4. Автобошбекатларда
5. Автобошбекатларда, аэропорт, дарё портларида, темирйўл бош бекатларида

**179. Транспорт-экспедиция хизматларини кўрсатишга буюртма қабул қилинганидан неча соатдан кейин хизмат кўрсатилиши керак?**

1. 12 соатдан кейин
2. 2 соатдан кейин
3. 24 соатдан кейин
4. 24—48 соатдан кейин
5. 12—24 соатдан кейин

## 13-б ў ли м

### Аҳолига асосий транспорт-экспедиция хизмати кўрсатишни ташкил қилиш

#### 13.1. АҲОЛИГА ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИЦИЯ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

*Аҳолига транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш юк ва йўловчиларни шаҳар, шаҳарлараро автомобил транспортида ташиб, туристик-экскурсион ташиб ва ҳоказо хизматлар мажмудидан ташкил топади.*

Транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш бўлимлари (трансагенства) ва бюоролари агентлик биносида, савдо уйларида, темирйўл бош бекатларида, тайёрагоҳ, дарё бандаргоҳлари ва ҳакоза жойларда жойлашади.

Агентлик тармоқлари ва диспетчер пунктлари орқали қуидаги транспорт-экспедиция хизматлари кўрсатилади:

- мебел ва бошқа хўжалик товарларини савдо тармоқларидан уйга ташиб;
- уй буюмларини бир уйдан иккинчи уйга кўчириш;

- аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қишлоқдан дехқон бозорлари ва қабул қилиш пунктларига ташиш;
- уй буюмларини контейнерга жойлаштириб, темирйўл бош бекатлари, юк автобош бекатларига етказиш ва орқа томонга аҳоли уйларига ташиш;
- шаҳарлараро ва ҳалқаро юк ташишларни бажариш учун юкларни тарага жойлаштириш;
- шаҳарлараро ҳар хил транспорт турларига олдиндан чипта сотиш;
- аҳолининг транспорт воситаларини ҳақ тўлаб турдиган жойларда саклаш;
- тўй ва бошқа тантанали маросимларда транспорт хизматини кўрсатиш;
- дам олиш жойларидан жўнаб кетиш учун аҳолидан юк автомобиллари, автобус ва енгил автомобил-таксиларга буортмалар қабул қилиш;
- транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш бўйича аҳолига турли маълумотлар бериш.

Транспорт-экспедиция хизматлари олдиндан ва бевосита хизмат кўрсатиладиган кунда ёзма ёки телефон тармоғи орқали буортма асосида бажарилади. Буортмаларнинг келиб тушиш навбатига қараб 24—48 соат оралиғида транспорт-экспедиция хизматлари кўрсатилади. Транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш ҳисоби маҳсус шаклдаги буортма-топшириги хужжати асосида юритилади. Буортма-топшириги корхонанинг тўртбурчак ва думалоқ шаклдаги муҳрлари билан тасдиқланадиган, қаттиқ талабдаги ҳисбот хужжатлари қаторига киради. Кўрсатиладиган транспорт-экспедиция хизматлари ҳисоби олдиндан бажарилиб, муддати белгилангандан кейин буортма-топшириги агент (диспетчер) томонидан уч нусхада расмийлаштирилади. Буортма-топширигининг биринчи нусхаси ҳайдовчига, учинчи нусхаси буортмачига берилади. Иккинчи нусхани агент (диспетчер) ўзида қолдириб ҳисботга бириттиради.

Аҳолига кўрсатилаётган транспорт-экспедиция хизмати ҳақи таъсир қилаётган ягона тарифлар бўйича нақд пулда олинади. Аҳолига транспорт экспедиция хизматини кўрсатиш корхоналари ва агентликларини ташкил этиш учун савдо марказларининг жойлашиш ва уларнинг товар айланиш ҳажми аниқланади. Аҳоли ту-

пар жойи қурилишининг ўсиш истиқболи аҳолининг турар жойларини алмаштириши, шаҳардан ташқарида дала ҳовлиларининг берилиши ва оила бюджети каби статистик маълумотлар транспорт-экспедиция хизмати ҳажмини аниқлаш учун керакли бўлиб ҳисобланади. Транспорт-экспедиция хизматига бўлган талаблар буюртмачи мижозлар билан учрашув ва конференцияларни ўтказиш орқали аниқланади. Ушбу йиғилиш ва конференцияларда маҳсус шаклдаги сўров варакалари мижозларга тарқатилади. Олинган маълумотлар қайта ишланади ва таҳлил қилинади. Транспорт-экспедиция хизматини кўрсатиш биносида буюртма қабул қилиш ва расмийлаштириш зали ва ишчилар учун хоналари бўлади. Аҳолига транспорт-экспедиция кўрсатишда рекламани ташкил қилиш катта аҳамиятга эга. Рекламада кўрсатиладиган транспорт-экспедиция хизматининг тури, кулагилги ва афзалиги тўғрисидаги маълумотлар ёритилади.

### **13.2. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАДИГАН ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ**

Кишлоқ жойларида аҳолига транспорт-экспедиция хизмати туманда жойлашган агентликлар томонидан амалга оширилади. Қишлоқ жойларида транспорт-экспедиция хизматига талаб ўрганиб чиқилади. Иш ҳажмига қараб транспорт-экспедиция пунктлари ташкил қилинади. Транспорт-экспедиция пунктларида буюртмалар қабул қилинади, буюртмаларга ҳақ тўлаш қайдномалари ҳам расмийлаштирилади. Транспорт-экспедиция хизматини кўрсатиш натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари туман, вилоят, республика бозорларига етказилиб берилади.

Аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини деҳқон бозорларига, тайёрлов пунктларига ташиш айrim шахсларининг буюртмасига асосланиб ташилади. Ушбу ташишларни бажариш учун транспорт хизмати кўрсатиш ташкилоти маҳаллий ҳокимият билан келишган ҳолда, ташиш йўналишларини ва автомобилларнинг ҳаракат қилиш графигини белгилайди.

Шаҳар ташкилотлари ва муассасалари учун тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташкилот

ва муассасаларнинг раҳбарлари буюртмасига асосан олдиндан пул тўлаш шарти билан ташиб борилади.

Аҳоли яшайдиган пунктларнинг тарқоқ ҳолда жойлашганлиги, аҳоли зичлиги кичиклиги, транспорт-экспедиция хизматларига бўлган талабларнинг нотекислиги кабилар қишлоқ жойларидага аҳолига хизмат кўрсатишни қийинлаштиради, шунинг учун аҳолига транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш тизими юқоридаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тузилиши керак.

Қишлоқ аҳолисига стационар кўчиб юрадиган қабул қилиш пунктлари орқали хизмат кўрсатилади. Кўчиб юрадиган қабул қилиш пунктлари типидаги юк ва автомobiliларида ҳамда юк-йўловчи ташиш автобусларида жиҳозланади.

### Билимларни текшериш дастури

**180. Аҳолига транспорт-экспедиция хизматини кўрсатиш корхоналарини ташкил қилиш учун нималар аниqlанади?**

1. Савдо марказларининг жойлашиши
2. Товар айланиси ҳажми
3. Савдо марказларининг жойлашиши ва уларнинг товар айланиси ҳажми
4. Аҳоли яшаш пунктларининг жойлашиши
5. Оила бюджети

**181. Транспорт-экспедиция хизматига бўлган талаблар қандай аниqlанади?**

1. Буюртмачи мижозлар билан учрашувлар ва конференциялар ўтказиш орқали
2. Сурʼов варакалари тарқатиш усули билан
3. Юк айланисини ўрганиш бўйича
4. Ҳаракатланувчи таркиб турлари бўйича
5. Юклаб-тушириш механизmlар тури бўйича

**182. Транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш биносида қандай хоналар бўлиши керак?**

1. Буюртмалар қабул қилиши
2. Буюртмаларни расмийлаштириш
3. Ишчилар учун хизмат хонаси
4. Буюртма қабул қилиш ва расмийлаштириш зали ва ишчилар учун хизмат хонаси
5. Рекламаларни ташкил қилиш хонаси

**183. Қишлоқ жойларida транспорт-экспедиция хизмати ким томонидан амалга оширилади?**

1. Қишлоқ фуқоралари кенгаши томонидан
2. Туманда жойлашган агентликлар томонидан
3. Жамоа хўжалиги томонидан

4. Савдо тармоклари орқали

5. Кичик корхоналар орқали

184. Транспорт-экспедиция пунктларида қандай шилар бажарилади?

1. Аҳолига транспорт-экспедиция хизмати күрсатилади

2. Корхоналарга транспорт-экспедиция хизмати күрсатилади

3. Буюртмалар қабул қилинади ва буюртмаларга ҳақ тұлаш қайдномалари расмийлаштирилади

4. Буюртмалар қабул қилинади

5. Қайдномалар расмийлаштирилади

## 14-б ў ли м

### Турли халқ хұжалиғи тармокларининг юкларини ташити

#### 14.1. САНОАТ ЮКЛАРИНИ ТАШИШ

Саноат юкларига ёғоч, руда, металл, ёқылғи, эҳтиёт қисмлар, жиҳозлар ва шунга үшінші юклар киради. Ёғоч ва ёғоч материалдарини ташити маҳсус жиҳозланған ҳаракатланувчи қисмларда ташилади. Ёғоч узунлигига қараб кичик (узунлиги 3 метр) ва узун (узунлиги 3 метрдан 12 метргача ва ундан катта) ёғочларга ажратилади. Ташилған ёғочлар тонна ёки кубометрда хисобта олинади. Тахта материаллари пакет услубида ташилади.

Металл прокатлари ва қувурларни ташищда бортли автомобиль ва автопоездлардан фойдаланилади. Узун прокат (6—14 метр) ва қувурларни ташищда тушириш курилмали маҳсус автопоездда ташилади.

Узунлигига 5—6 метр ва 10—12 метрлик металл қувурлари автомобиль-тягач ва ажратиладиган тиркамали автопоездлардан, узунлиги 24—48 метрлик йиғма металл қувурлари эса автомобиль-тягач ва икки үқли ажратиладиган тиркамали автопоездде ташилади.

Хавфли юкларни ташити жараёнида зарур қоңда ва күрсатмаларга қатый риоя қилиш керак бўлади. Улар куйидаги синфларга ажралади:

1-синф — Портловчи моддалар.

2-синф — Босим остида қисилган ва суюлтирилган газлар.

3-синф — Тез аланталанувчи суюкликлар.

**4-синф** — Тез алангаланувчи материаллар ва моддалар.

**5-синф** — Оксидланувчи моддалар ва органик перикслар.

**6-синф** — Заҳарловчы моддалар.

**7-синф** — Радиоактив ва юкүмли касаллик тарқатувчи моддалар.

**8-синф** — Уювчи ва коррозияловчы моддалар.

**9-синф** — Нисбатан кам хавфли моддалар.

Автомобил транспортида хавфли юкларни ташиш күрсатмаларда белгиланган тартибда ташкил қилинади. Ташишлар фақат махсус жиҳозланган ҳаракатланувчи таркибларда бажарилади. Автомобилларни бошқариш тиббий күрикдан ва махсус тайёргарликдан ўтган, камида 3 йиллик меҳнат малакасига эга бўлиб хавфли юкларни ташишга рухсатномаси бўлган ҳайдовчиларга рухсат қилинади.


5—8-синфдаги хавфли юкларни ташишда юкни кузатиб бораётган ишловчилар махсус кийим, қўлқоп, газга қарши мослама ва заҳарланишга қарши етарли дорилар билан таъминланиши шарт.




14.1-расм. Труба ташувчи автопоезд.

Баллонларда кислород, водород, бутан-пропан ва табиий газни ташиш кенг тарқалган. Баллонларда қисилган ва суюлтирилган газларни ташишда тара коэффициенти қиймати катта бўлиб, юклаш-тушириш ишларида жуда кўп меҳнат ҳажми сарфланади.

Кисилган кислород ҳажми 40 литр бўлган махсус металл баллонларда ташилади. Баллон соғ оғирлиги



14.2-расм. Нефть маҳсулотларини ташувчи автопоезд.



14.3-расм. Металларни тасиши.

70 кг бўлиб, ундаги кислород массаси 8 кг.ни ташкил қиласи. Баллонлар махсус мосламалар ёрдамида бортли автомобилларда ташилади. Бунда баллонлар кузовга вентиллари бир томонга йўналтирилиб, горизонтал ҳолатда 3—4 қатор қилиб жойлаштирилади. Юклаштушириш ишлари қўлда бажарилади.

Баллонлардаги бутан-пропан газларини тасишида ЗИЛ ва ГАЗ русумли автомобиллар шассисидаги махсус кузовли автомобиллардан фойдаланилади. Кузовга 48 та баллон горизонтал ҳолатда жойлаштирилади. Баллондаги газларни тасишида контейнерлардан ҳам фойдаланилади. Контеинерларга 4—8 дона баллон вертикал ҳолатда жойлаштирилади. Юклаштушириш ишлари механизмлар ёрдамида бажарилади. Контеинерда баллонларни тасишини енгил гидравлик автомобиль кранига эга бўлган автомобилларни қўллаш яхши самара беради.

Нефт маҳсулотларидан ёқилғи, мой ва мазутлар та-расиз услугда цистерна кузовли автомобилларда таши-лади. Нефт маҳсулотларини темир бочка, фляга ва би-донларга қуйиб, бортли автомобилларда ташиш ҳам амалда кенг күлланилади.

Автомобил цистернаси ички қисми секцияларга аж-ратилади ва тұлқин кесувчи мосламалар жойлаштири-лади. Цистерна юқори қисміда қуиши жойи бўлиб, пастки қисмига суюкликни тушириш мосламаси (на-сос курилмаси) ўрнатилади.

Нефт омборхоналарида маҳсус резервуар (идишлар) дан доимий ўрнатилган насослар ёрдамида цистернага ёқилғи юкланди.

Руда ташишда КРАЗ ва БелАЗ русумли ағдарма ав-томобиллардан фойдаланилди. Бу автомобилларнинг юқ күттарувчанлиги 12 тоннадан 150 тонна ва ундан ортиқ бўлади. Кузови урилиш кучларига қарши кучай-тирилиб, экскаватор чўмичи шаклида бўлади. Руда та-шишда ағдарма кузовли автомобилларнинг карьерида-ги ҳаракати қарама-қарши, тупик ва халқасимон тас-вирида ташкил қилинади.

Катта массадаги габаритсиз юкларга трансформа-торлар, турбиналар, реакторлар, станоклар, қозонлар ва шунга ўхшашлар киради. Бу юклар баландлиги 6—7 метр, узунлиги 40—50 метр, энг 5—7 метрга яқин бўлади. Массаси 40 тоннагача бўлган юкларни ташиш учун автомобил-тягач ва юклаш баландлиги 800—1300 мм ни ташкил қиласидиган ярим тиркамали автопоезд-лар ишлатилади. Юқ күттарувчанлиги 15 тоннадан катта бўлган ярим тиркамаларда иккита ўқ бўлиб, ҳар бир ўқда 8 тадан фиддирак бўлади. Айрим ярим тиркамалар күтаргич, кўприкча ва лебедкалар билан жиҳозланади.

Катта массадаги габаритсиз юкларни ташиш учун ҳаракатланувчи қисмни тақлаш, юклаш-тушириш иш-ларини ташкил қилиш ва шу каби муҳим ишларни бажариш керак.

Автокорхонага буюртмачи ташкилот ташишдан 20 кун олдин юкнинг эскиз чизмаси ва уни маҳкамлаш ҳисоби маълумотларини бериши керак. Катта габарит-сиз юкларни ташиш учун б-сонли шаклда давлат авто-мobil назоратининг рухсатномаси ва аникланган ҳара-кат йўналиши бўлиши шарт. Ҳаракат қилиш жадвали ийл ҳолатини, иқлим шароитини ва ҳаракат интенсив-

лигини эътиборга олиб тайёрланади. Бу турдаги юкларни қабул қилиш, жойлаштириш тўғрисида маҳсус комиссия тузилади. Ташишлар соат 0 дан 6 гача амалга оширилиши лозим. Ёмон об-ҳаво шароитида бундай юкларни ташишга рухсат қилинмайди. Ҳаракатланувчи қисмнинг олдинги ва орқа қисмига қизил байроқчалар, кечкурун ёритиш чироклари ўрнатилади.

Саноат транспорти мураккаб техник воситаларидан ташкил топади. Ўз ичига темирйўл, автомобил ва кувур транспорти, конвеер ва канат-осма йўлларни олади.

Саноат корхоналаридаги юкларни ташишда цех ичидаги, завод ичидаги ва ташки транспортлардан фойдаланилади. Саноат юклари марказлашган услубда ташилса, ташки транспорт ташкил қилинмайди. Саноат юкларини ташишда контейнер ва тагликлардан кенг фойдаланилади.

## 14.2. ҚУРИЛИШ ЙОКЛАРИНИ ТАШИШ

Курилиш деталлари, конструкциялари ва материаларини ташиш жараёни курилиш суръати ва самардорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Курилишда асосий транспорт тури бўлиб автомобил транспорти ҳисобланади. Курилиш юкларининг тури кўплигидан ташишда турли русумдаги ҳаракатланувчи таркиблардан фойдаланилади.

Хозирги кунда курилиш юкларини ташишда контейнер, пакет ва бошқа илфор услубларни қўллаш кенг тарқалди.

Курилиш юклари қўйидаги гурухларга ажратилади:


1. Уюм ва сочилувчан юклар (тупроқ, кум, шағал ва ҳоказо).

2. Суюқ ва ярим суюқ юклар (битум, цемент, гипс, цемент қоришимаси, суюқ, бетон ва ҳоказо).

3. Тара ва тарасиз турли масса ва габарит ўлчамдаги юклар (фиштлар, бочка, қоп ва яшикдаги материаллар, сантехника буюмлари ва қурилиш буюмлари ва ҳоказо).

4. Узун ўлчамдаги юклар, темир-бетон буюмлари ва металл конструкциялари (панел, балка, ферма, плита, устун, колонна ва ҳоказо).

Уюм ва сочилувчан юклар-курилиш юкларини ташиш ҳажмининг 75—80 фоизини ташкил қиласи. Бундай



14.4-расм. Баллондаги газларни ташища  
фойдаланилайдын контейнер.

дай турдаги юклар ағдарма кузовли автомобиль ва автопоездларда ташилади.

Суюқ ва ярим суюқ юкларни ташища цистерна кузовли автомобилларидан көнг фойдаланилади. Айрим ҳолатларда цистерна контейнерлари ва юмшоқ контейнерлар ҳам ишлатылади.

Цемент махсус қоп тараптарда ташилганда 5—10% исроф бўлади. Цемент ташилганда чангийди ва инсон саломатлигига хавф туғдиради. Шунинг учун ҳам махсус цистерна кузовли автомобилдан ёки юмшоқ контейнерлардан фойдаланиш яхши натижада беради.

Бетон қориши (суюқ бетон) ағдарма кузовли автомобилларда контейнерлар ёрдамида ташилади. Минус ҳарорати автомобиль кузови ва контейнер махсус иссиқ сакловчи материаллар билан жиҳозланади ёки двигателдан ишланиб чиқаётган газлар билан қиздирлади.

Узок масофага ташища бетон ва бетон қориши машина ташувчи махсус автомобиллардан фойдаланилади.

Курилиш қоришилари (цемент, оҳак қоришилари ва ҳоказо) — кузови герметикланган ағдарма авто-

мобилларида ёки маҳсус қоришига ташувчи автомобилларда ташилади. Бу автомобиллар кузовлари қишигина иссиқ сақловчи материаллар билан жиҳозланади ёки ишланиб чиқаётган газлар билан қиздирilади.

Донадор юклар (фишт, бочка, қоп, яшикдаги материаллар, сантехника буюмлари ва ҳоказо) бортли автомобил ва автопоездларда ташилади. Курилиш юклари ичидаги фишт ташиш катта ўрин тутади. Фишт 1–2 тонна куб ҳажмда ёки маҳсус контейнерларда ташилади.

Пакет услубида фиштлар “Арча” шаклида тагликка жойлаштирилади. Силикат фиштлари тагликларда ва тагликларсиз ташилади. Силикат фиштлари тагликларга “пирамида” шаклида жойлаштирилади ва лента или билан ўраб мустаҳкамланади.

Узун ўлчамдаги юклар, темир-бетон буюмлари ва металл конструкциясига маҳсус ҳаракатланувчи қисмлар: панел ташувчи автопоезд; блок ташувчи паст раммали яrim тиркама ва автомобил-тягач; балка ва ферма ташувчи автомобилларда ташилади.

Курилиш юкларини ташишда илғор услублар мавжуд бўлиб, улар куйидагилар ҳисобланади:

1. “Фиддиракдан –монтажга” услуби. Бу услубнинг халқ ҳўжалигидаги самарадорлиги жуда юқоридир. Бунда биноларни монтаж қилиш муддати қисқаради, курилиш-тушириш ишларининг ҳажми камаяди, курилиш майдонида омборхона ташкил қилишга сарфланадиган ҳаражатлар қисқаради ва курилиш майдонларида курилиш буюмларининг шикастланиши деярлик йўқолади.

2. Тягачни учта яrim тиркама билан биргаликда монидек қатнаб туриб ишлаш услуби. Бунда ҳайдовчиларнинг меҳнат унумдорлиги ошади, юкларини ташкил қилишга тарзда ташкил қилинади ва мунтазам оператив назорат ўрнатилади.

3. Смена-соат графиги асосида йигма элементларни монтаж қилиш ва ташиш услуби. Бу услуга қўлланганда ташишда қатнашаётган иштирокчилар ўргасида иш келишилган тарзда ташкил қилинади ва мунтазам оператив назорат ўрнатилади.


4. Таглик, контейнер ва маҳсус ҳаракатланувчи таркиблардан кенг фойдаланиш услуби.

Уюм юкларни (тупроқ, кум, тош, шағал ва ҳоказо) ташишда автомобилнинг муддатидан олдин ейилиши ва носозлигининг олдини олиш мақсадида ағдарма автомобили кузови ҳажми экскаватор чўмичидан


-3—5 марта катта бўлиши керак (чўмич ҳажмининг кузов ҳажмига нисбати 1:3 - 1:5). Агарда бу тенглик бажарилмаси, ағдарма автомобили юклашда кўп вақт тўхтаб қолиб, унумдорлиги пасаяди.




14.5-расм. Уюм юкларни ташиш.




14.6-расм. Панел ташувчи автопоезд.



14.7-расм. Плита ташувчи автопоезд.



14.8-расм. Балка ташувчи автопоезд.



14.9-расм. Сиқилган ҳаво ёрдамида цестерна кузовли автомобилдан цементни тушириш.

Битта экскаватор билан ишлашда зарур ағдарма автомобиллар сони:

$$A = \frac{7200 \ell_{tr} q_r}{V_t Q_u (t_k + t_{kv})},$$

Бунда:  $\ell_{tr}$  — юк ташиш узунлиги, км;

$q_r$  — экскаватор чўмичи ҳажми, тонна;

$V_t$  — ағдарма автомобилнинг ўртача техник тезлиги, км/соат;

qн — ағдарма автомобилнинг юк күтарувчанлиги, тонна;

tц — экскаваторнинг битта цикл вақти, соат;

tқв — экскаваторнинг битта циклта тұғри келувчи құшымча вақт сарфи, соат.

Экскаваторнинг цикл вақти:

$$\circ \quad t_{\text{ц}} = \frac{t_{\text{ю}}}{\eta_r} .$$

Бунда: tю — юклаш вақти;

$\eta_r$  — ағдарма автомобил кузовига юклантган юкларнинг чүмич хисобидаги сони.

Экскаватор чүмич сони:

$$n_r = \frac{q_n}{q_r \cdot G \cdot K} .$$

Бунда: qг — экскаватор чүмичи ҳажми, м<sup>3</sup>;

qн — ағдарма автомобилнинг юк күтарувчанлиги, тонна;

G — уюм ёки ҳажм катталиги, т/м<sup>3</sup>;

K — чүмичдан фойдаланиш коэффициенти ( 0.80—0.95).

Уюм юкларни (тупрөк, кум, шағал ва ҳоказо) ялпи ташишда комплекс бригада услубидан кенг фойдаланылади. Бунда ҳайдовчи ва экскаватор машинистлари бажарған иш ҳажмлари геодезик үлчов натижалари билан аникланади ва үлчов акти тузилиб расмийлаштырылади. Иш бошида буортмачи қурилиш ташкилоти автокорхонага наряд-буортма беради.

Мәлумоттар асосиша ташиш учун зарур бўлган автомобиллар сони аникланади:

$$A = \frac{Xta}{q_r \gamma c \tau} .$$

Бунда: X — экскаваторлар сони;

ta — ағдарма автомобилнинг айланиш вақти, минут;

$\gamma_c$  — ағдарма автомобилининг юк күтарувчанлигидан фойдаланиш коэффициетлари;

$\tau$  — 1 тонна уюм юкни (тупрөк, кум, шағал ва ҳоказо) юклаш вақти, минут.

Зарур автомобиллар сони аниклангандан сўнг бри-

гадалар ташкил қилинади ва ҳайдовчилар ичида бригада бошлиғи тайинланади. Амалда комплекс бригада услубини күллаганда автомобиллар унумдорлиги ўсади. Ҳайдовчилар мөъёрланган ишни 40–60 фоизга оширишга эришадилар.

30-жадвал

| Кўрсаткич                                  | Ағдарма автомобили русуми |              |               |               |                |
|--------------------------------------------|---------------------------|--------------|---------------|---------------|----------------|
|                                            | Зил-<br>ММЗ 555           | МАЗ-<br>5549 | КаМАЗ<br>5511 | КрАЗ 256<br>Б | БелАЗ<br>540 А |
| 1. Автомобиль юк кўттарувчанилиги, тонна   | 4,5                       | 8,0          | 10,0          | 12,0          | 27,0           |
| 2. Кузов ҳажми, м <sup>3</sup>             | 3,0                       | 3,8          | 7,2           | 6,0           | 15,3           |
| 3. Экскаватор чўмичи ҳажми, м <sup>3</sup> | 0,5–0,8                   | 1,0–1,2      | 1,2–1,5       | 1,5–3,0       | 3,0–5,0        |

### 14.3. ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК ЙОКЛАРИНИ ТАПИШ

Автомобил транспортида 50 турга яқин қишлоқ ҳўжалиги юклари ташилади. Қишлоқ ҳўжалиги танинарьхida транспорт харажатлари 15–40 % ни ташкил қилаади. Қишлоқ ҳўжалиги юкларига: буғдой, картошка, пахта, мева, хашак массаси, пичан, ўғит ва шунга ўҳшашлар киради. Бу юкларни ташишнинг асосий хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

1. Ҳосил йигиш мавсумийлиги натижасида ташиш ҳажми ва юк оқимининг ўзгариб туриши.
2. Турли йўл шароитларида ташишларнинг бажарилиши.
3. Ташишлар қаттиқ белгиланган муддатларда амалга оширилиши.
4. Ташиладиган юклар ҳажм оғирлигининг аниқлиги( 0,12–0,90 т/м<sup>3</sup>).
5. Мавсумга қараб ташишни такрорлаш коэффициентларининг юқори бўлиши (масалан, буғдой 2,5; картошка 2,1; хашак массаси 1,7, ва шунга ўҳшашлар).

Қишлоқ ҳўжалиги ҳосилини йигиштиришда маҳсулот туридан қатъи назар, ишни ташкил қилишнинг учта усули кўлланилади:

1. Узлуксиз иш усули. Бунда маҳсулот йиғиши агрегатидан бевосита ҳаракатланувчи таркиб кузовига тушади.

2. Алоҳида иш усули. Бунда ўриб йиғилган маҳсулот ҳаракатланувчи таркибнинг кузовига юкланишига қадар далада алоҳида-алоҳида қилиб сақланади.

3. Бирга қўшилган иш усули. Бунда узлуксиз ва алоҳида иш усуллари бирлаштирилади.

Кишлоқ хўжалик машиналари билан биргаликда ишлаш учун зарур бўлган ҳаракатланувчи таркиблар сони қўйидагича аниқланади:

1. Йигувчи-бункерли машиналар билан биргаликда ишлашда (масалан, буғдой комбайнлари):

$$A = \frac{0,01 \cdot V_3 V_k M_k q_k (2\ell t_{ly} + t_{tot} V_t)}{q_n \gamma_c V_t}.$$

Бунда:  $V_3$  — комбайн (кишлоқ хўжалиги машиналари) иш қурилмаси эни, метр;

$V_k$  — комбайн иш тезлиги, км/соат;

$M_k$  — комбайнлар сони ўриб йиғиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳосилдорлиги, ц/га.

2. Йигувчи-бункерсиз машиналар билан биргаликда ишлашда (масалан, қанд лавлаги, картошка йигувчи комбайнлар)

$$A = \frac{0,01 \cdot V_3 V_k M_k q_k (2\ell t_{ly} + t_{tot} V_t)}{q_n \gamma_c V_t} + 1.$$

Кишлоқ хўжалиги юкларини ташища бортли ва маҳсус ҳаракатланувчи таркиблар ишлатилади.

Буғдой ташиш асосан қўйидаги усулларда бажарилади:


1. Комбайн — Хирмон-Элеватор (буғдой сақлаш жойи).

2. Комбайн — Элеватор.


3. Комбайн — Омборхона — Элеватор

Буғдой ҳажмининг 70% га яқини биринчи усулда ташилади. Буғдой кузови зич ёпилиб, кенгайтирилган бортли ва ағдарма автомобилларида устига брезент, шолча ёпиб ташилади. Бортнинг кўтарилиши натижасида 0.40—0.83 т/м<sup>3</sup> ҳажмдаги буғдой кузовга кўшимча юкланади. Буғдойнинг ҳажми катталиги 0.7—0.8 т/м<sup>3</sup>

ни ташкил қиласи. Бортли автомобиллардан буғдойни туширишда автомобиль ағдаргичларидан фойдаланилади.



14.10-расм. Лавлагини юклаш жараёни.



14.11-расм. Пахта ташувчи автопоезд.

Шоли ташишда бортли ва махсус цистерна кузовли ағдарма автомобиллари ишлатилади. Бортли автомобиль ва тиркамалар кузовлари зич ёпилади ва кузовдаги шоли устига брезент, шолча ёйиб ташилади. Юклаш ишлари комбайн ва махсус куракли транспортёрларда бажарилади. Шоли ташувчи махсус цистерна кузовли ағдарма автомобили кузови зич ёпиладиган ва юқоридан енгил очиладиган цистерна қолқоғига эга. Бунда шоли исроф бўлишининг олди олинади ва юклаш-тушириш



14.12-расм. Автопоездга силос массасини юклаш.

ишлари механизациялашади. Бортли автомобиллардан шоли автомобиль-ағдаргичларида туширилади.

Картошка уйиб, тара ва контейнерларда ташилади. Тара ва контейнерлардан фойдаланганда ташиши ва сақлаш жараёнида картошка яхши сақланади, юклаш-тушириш ишлари механизациялашади.

Картошка юклаш ва туширишда тез лат ейиши мумкин. Шунинг учун карточка тугунакларини 0,5 метрдан ортиқ баландликта қаттиқ юзага 1 метрдан ортиқ картошка қатлами тушиши рухсат қилинмайди.

Картошка ковловчи комбайн эса далада картошка тугунларидан улом ҳосил қиласи. Уюмдаги картошка пластиинкали транспортёр ёки сават билан күлдә ҳаракатланувчи таркиб кузовига юкланди. Картошка уоб ташилганда 40—50% микдорида умумий исрофгарчилликка олиб келади. — 50 ҳароратда ташилганда автомобиль ва тиркама кузови совуқ ўт казмайдиган материаллар билан қопланади, картошка усти эса ёпиб күйилади.

Контейнерлар ҳажми 500—900 кг бўлиб, тахта қопланган металл каркасдан тайёрланади. Картошкани контейнерларда савдо тармоқлари ва умумовқатланиш ташкилотларига тўғри етказиб бериш мумкин.

Контейнерларда картошкани маълум муддатга сақлашни ҳам ташкил қилиш мумкин. Контейнерлардан фойдаланганда ҳаракатланувчи таркибларнинг самарали иши таъминланади. Пахта териш машиналари бункеридан пайкал охирида ҳаракатланувчи таркиб кузовига туширилади. Хирмондаги пахтани юклашда ме-

талл ва санчқили юклагичлардан фойдаланилади. Пахта ҳаракатланувчи таркибларда қабул қилиш пунктлари ва қайта ишиш заводларига етказиб берилади. Чигитли пахта уйиб тарасиз услугуда бортли металл түр билан қолланган, ұажми 25 М3 бүлгән ағдарма кузовли ярим тиркамали ҳаракатланувчи таркибларда ташилади.

Пахта қабул қилиш пунктларыда чигитли пахта ҳаракатланувчи қисм кузовига конвейер ёрдамида юклана-ди ва үзіда ўрнатылған гидравлик механизм билан кузовнинг ўнг томонига әгиб тушириләди. Пахта та-шишда ҳаракатланувчи таркиб двигател овозини па-сайтиргичига маҳсус мослама ўрнатылади ва ёнфинга қарши жиҳозланади. Ташиш жараёнида пахта усти бре-зент, шолча билан ёпиб күйилади. Пахта тойини та-шишда бортли автомобиль, тиркана ва ярим тиркама-лардан фойдаланилади. Юклаш-тушириш ишләри электр юклагичларыда бажарилади.

Сабзавот ва мевалар дала майдонидан ташқарыда пайкал четида автомобилларга юклана-ди. Сөвүқ об-хаво шароитида ҳароратини бир хилда тутиб туралған кузовли, кузов ички қисми иситиладиган ёки совити-ладиган ҳаракатланувчи таркибда ташилади.

Пиёз — уйиб, түр қопда ва контейнерларда, поми-дор эса умумий массаси 8—12 кг. панжаралы ёғочдан тайёрланған (яшик) кутиларда ташилади.

Олма, анор ва нок — умумий массаси 16,24,32 кг. бүлгән сават ва яшикларда ташилади.

Тарвуз ва қовун — уйиб ёки контейнерларда таши-лади.

Гилос — умумий массаси 6—8 кг. бүлгән саватларда ташилади.

Пичан — ғарамда уйиб ва массаси 30—40 кг. той ҳолига келтирилиб, донадор юклардай ташилади. Юк-лаш-тушириш ишләрини механизациялашда ғарамлаш машинасидан фойдаланилади.

Хашак массаси бортлари кенгайтирилған ағдарма автомобилларыда ташилади.

Сут цистерна ва бидонларда ташилади. Сут цистер-нада ташилгандың юклаш-тушириш ишләри, тара ва са-нитар қайта ишлов бериш харажатлари камаяди, та-шиш сифати яхшиланади.


Тирик чорва моллари ва паррандалар маҳсус ҳара-

## Сабзавот ва меваларни ташим усули


| Сабзавот ва мевалар   | Тапиши усули                          | Тара тури              | Бир ўрин массаси, кг. |
|-----------------------|---------------------------------------|------------------------|-----------------------|
| 1. Карам              | үйиб                                  | —                      | —                     |
| 2. Картошка           | үйиб<br>юмшоқ тарада<br>қаттиқ тарада | түр қопла<br>контейнер | 30<br>500—900         |
| 3. Пиёз               | үйиб<br>юмшоқ тарада<br>қаттиқ тарада | түр қопла<br>контейнер | 30<br>500—900         |
| 4. Тарвуз<br>ва қовун | үйиб<br>қаттиқ тарада                 | контейнер              | 500—900               |
| 5. Помидор            | қаттиқ тарада                         | панжарали ёғоч<br>яшик | 8—12                  |
| 6. Олма, анор,<br>нок | —»—                                   | яшик, сават            | 16, 24, 32            |
| 7. Гилос              | —»—                                   | сават                  | 6—8                   |
| 8. Узум               | —»—                                   | яшик, сават            | 8—12                  |

катланувчи таркибларда ташилади. Чорва молларини ташувчи ҳаракатланувчи таркиб шатакчи автомобил ва ярим тиркамадан ташкил топади. Ярим тиркама кузови устки қисми панжара қилиниб, ён томонлари тахта материали билан қопланади. Кузовнинг ён томони ички қисмида чорва-моллари ишини боғлаб қўйиш учун ҳалқачалар ўрнатилади. Чорва моллари ҳаракатланувчи таркибининг ён томонидан эшик нарвондан юклаб тушрилади. Кузов ичи метал пардевор қилиб тўртта бўлмага ажратилади.

